

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

М. Ш. НУРМАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ХУНАРМАНДЧИЛИК  
ВА ТУРИЗМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-ГЕОГРАФИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

*(Фарғона минтақаси мисолида)*

МАДДАРІҮЙ ВЕРПУЛ НУСХА



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2013

УЎК: 338.48 (575.1)

КБК: 85.125 (5Ў)

Н 87

-хунармандчилик  
санало

Ушбу монографияда миллий хунармандчилик ва туризмнинг табиий, тарихий ва ижтимоий асослари, миллий хунармандчиликкнинг этнографик хусусиятлари, Ўзбекистон миллий хунармандчилигидаги умумийлик ва тафовутлар, Фарғона водийисида миллий хунармандчилик ҳамда туризмни ривожлантириш имкониятлари ва иқтисодий ахамияти каби масалалар таҳлил этилган.

Монография катта ҳажмдаги системалашган фактик материаллар тўпламидан иборат бўлиб, тадқиқотчилар, миллий хунармандчилик ва туризм билан қизиқувчиларга ҳамда Олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига аскотади.

This monograph is devoted to the formal and functional study of word-combinations in the Uzbek language. It is clear from the work that it gives a chance to mark the ways of combination of subordinating and managing parts by combination factors, 36 various logic-mathematical types according to the character of two-way communication by these ways, also building models of word-combinations by these logical-mathematical types.

Monograph is destined for the experts, researchers and students interested in Uzbek Syntax.

Масъул мухаррир:  
география фанлари доктори, проф. А.А.Қаюмов

Такризчилар:  
география фанлари номзоди, доцент Р.Й.Махамадалиев  
педагогика фанлари номзоди Кутлуг-Бек Қодиров  
география фанлари номзоди, доцент Н.И.Сафарова

10 41450  
291

ISBN 978-9983-19

2013/155

2013/155

А

10208

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2013 й.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгандан кейинги даврда миллий ва маданий қадриятларга бўлган эътибор кучайди. Шу жумладан, миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантириш ижтимоий-географик асосларини билиш ва уни ўрганиш, айниқса, туризм тарихи ва худудий таркибини, унинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиши билан боғлик муаммоли масалаларни тадқик этиш ҳозирги замон география фанининг энг муҳим вазифаларидан-дир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” асарида “Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни чукурлаштириш катта аҳамиятта эга”<sup>1</sup> эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Республикамизда 2008 йил мобайнида “...хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик бўйича эса 97 минг 800 та янги иш ўринлари яратилди”.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 12,1 фоизини, жами хизматлар кўрсатишнинг 45,3 фоизини ташкил этди. Лекин, туризм хизматлари Республика ялпи ички маҳсулотларининг 0,2–0,3 фоизини, жами кўрсатилган хизматларнинг 0,5–0,6 фоизинигина ташкил этган.

Ушбу соҳада мавжуд имкониятдан 20–25 марта паст, худди шунга ўхшаш вазиятни ҳунармандчилик соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур соҳада давлат имтиёзларига қарамасдан, ривожланиш нухоятда паст суръатларда амалга оширокда. Республикада баъзи бир ҳунармандчилик йўналишларининг фаолияти кейинги 15–20 йил ичидага анча пасайган, айримлари эса шу ҳолатта тушиш арафасида турибди. Чунончи, туризм ва ҳунармандчилик соҳаларига бўлган эътиборни кучайтириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этади. Яна шуни таъкидлаш керакки, айнан шу соҳалар Ўзбекистонни дунёга танитган.

Туризм ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида ижтимоий меҳнат

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 48-бет.

тақсимоти ва у билан алокадор унинг ҳудудий шакллари ҳал қилювчи аҳамият касб этди. Мазкур муаммонинг кўпгина жиҳатлари билан хорижий давлатларда А.Геттнер, А.Мариотти, В.Уницикер ва бошқалар, МДХ давлатларида Н.Н.Баранский, Н.С.Мироненко, Н.С. Фалькович, Ю.Г.Липец, А.Г.Низамиев каби олимлар тадқикот олиб боришган.

Миллий ҳунармандчилик тарихи тадқикотчиларнинг ҳам ишларида ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари билан А.Қ.Тўхтаев, Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши (1991–2001й.) билан У.А.Қиличевлар шуғулланишган. Уларнинг ишларида тадқикот объектининг ҳудудий ҳусусиятлари, яъни географиясига ва туризм билан боғлиқлик жиҳатларига аҳамият берилмаган.

Туризмнинг баъзи муаммолари билан республикамизда З.М.Акромов, Э.А.Аҳмедов, О.Атамирзаев, А.А.Рафиқов, Ф.Комилова, Т.Тошмуродов, А. Норчаев, А.Сайдов, А.Солиев, А.Қаюмов, М.Р.Усманов ва бошқалар шуғулланишган.

Давлат мустақиллиги миллий ҳунармандчилик ва туризми, айниқса, ҳалқаро туризмни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берди. Жумладан, ушбу анъанавий ва миллий қадриятлар билан алокадор ҳолда кўплаб шаҳар ва шаҳарчаларнинг қайта тикланиши ва ривожланиши учун катор имкониятлар вужудга келди.

Шу боисдан, юқоридаги фикрларни амалга ошириш ва айни пайтда мазкур соҳаларда кейинги бўлиб ўтган ўзгаришларни ёритиш максадида ушбу монография ёзилди.

## **1-БОБ**

### **Миллий ҳунармандчилик ва туризмнинг табиий, тарихий ва ижтимоий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ҳамда туризм ривожланишининг тарихий ижтимоий-географик шарт-шароитлари ва омиллари**

Маълумки, миллий ҳунармандчилик Ўзбекистонда қадимдан ривожланган ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш аждодлардан авлодларга анъанавий тарзида ўргатиб келинган. Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам бу ҳакида кимматли маълумотлар келтирилган. Бирок, ўтган асрдаги сиёсий жараёнлар ва мустабид тузум даврида миллий ҳунармандчилик бутунлай издан чиқди. Факатгина мустақиллик арафасида бу қадриятлар кайта тиклана бошлади.

Т.А. Фахрутдинова ўз асарларида Ўзбекистоннинг миллий амалий санъати намуналари, бу санъатнинг аждодлардан авлодларга ўтиши жараёнлари ҳакида санъатшунос олим сифатида мулоҳаза юриттан. Т. Абдуллаев XIX–XX асрларда Ўзбекистон ҳунармандчилигининг ривожланиш босқичлари ва тенденцияларини очиб беришга ҳаракат килинган.

“Кайта куриш” эркинлиги таъсирида ўтган аср 80-йиллари ўрталарида Р.Х. Каримов, Ф.Х. Набиев, Ф.Б. Исоқов асарларида аввалги сиёсий шароитларда четлаб ўтилган ёки бузуб ёритилган тарихнинг баязи саҳифаларини янгича ёндошиб, холисона таҳлил этишга ҳаракат килинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка зришганидан кейин тадқиқотчиларнинг миллий ҳунармандчилик ва ҳунармандлар тайёрлаш масаласини ўрганишга бўлган қизиқишлари янада фоллашди. Жумладан, мустақиллик йилларида Ш.Фоййоззаров, И.Жабборов асарлари,<sup>2</sup> А.Тўксонов, И.Сулаймонов, А.Курахмедов, М.Ҳамидованинг илмий маколалари<sup>3</sup> эълон килинган.

<sup>2</sup> Фойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. Тошкент, 1994; Жабборов И. Антик маданият ва маданият ҳазинаси. Тошкент, 1999.

<sup>3</sup> Тўксонов А. Нега ўзбекдан ишчи кам? // Иктисод ва ҳисобот. 1993. №4; Сулейманов И. К. О кадровом потенциале ремесленников в Узбекистане 20-х годов // Общественные науки в Узбекистане, 1998. № 6; Курохмедов А.

Ўзбекистондаги ҳунармандчилик тарихини бир қатор хорижлик тадқиқотчилар ҳам ўрганишга харакат қилишган. Немис олимлари Жудит Пелтз ва Клаус Пандерлар томонидан яратилган асарларда ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъанавий хўжалик турлари, шу жумладан миллий ҳунармандчилик тарихи, унинг соҳалари тўғрисида киска маълумотлар учрайди<sup>4</sup>.

Габриеле Келлер томонидан яратилган тадқиқот кенг камровли ва ўзбек анъаналари фотосуратларида акс эттирилиб, шу жумладан, “Тикиш ва тўқиши ўзбекистонда юксак даражали ҳунармандчилик намуналари хисобланиб, ўзбек аёллари томонидан маҳорат билан амалга оширилади, айниқса, зардўзлик лиbosлари тантаналарда кийилади ва катта эътиборга сазовор”<sup>5</sup>.

Немис тадқиқотчилари Б.Волленвебер, П.Франкеларниң тадқиқотида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, қадимий гландўзлик марказлари Фарғона, Нурота, Сирдарё, Сурхондарё ва Коракалпоғистонда кенг ривожланганлиги эътироф этилган<sup>6</sup>.

Мустақиллик йилларида ҳунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида француз тадқиқотчилари томонидан ҳам асарлар яратилган. Масалан, Геральд Дегеорге ва Пиерри Чувенларнинг тадқиқотларида ўзбек ҳунармандчилиги соҳалари, жумладан, нақошлик каштачилик тарихига оид бўлган маълумотлар берилган<sup>7</sup>.

АҚШлик тадқиқотчилар томонидан миллий ҳунармандчилик тарихи, унинг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари, ҳудудий ўзига хослиги тўғрисида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Риинтон кулолчилиги, Марғilonда ипакчилик соҳаси ва тўқувчи ҳунармандлар ҳақида К.Мэклид, Б.Мехъюлар томонидан берилган маълумотлар учрайди<sup>8</sup>.

Тадқиқотчи А.К.Тўхтаев ўз тадқиқотида маъмурий буйруқбозлика асосланган шўролар тузуми даврида миллий ҳунармандчилик саноат асосига ўтказилиб, анъанавий “Устоз-шогирд” усулига барҳам берилганлигини, унинг ўрнига миллий ҳунарманд кадрлар тайёрлаш сиёсатини илгари суриши ва натижада, маҳаллий анъаналар,

Самарқандлик ҳунармандлар // Фан ва турмуш, 2000. №5; Ҳамидова М. Ўзбекимнинг каштасию зардўзи // Фан ва турмуш, 2000. №5.

<sup>4</sup> Pand er K. Zentralasien. Ossifiedtm: Dumont Reiseverlag. 2005. P. 384; Judith Pelts. Uzbekistan entdecken. Berlin, 2007. – 290 p.

<sup>5</sup> Keller G. Frauen culture in Uzbekistan Denzhingen / 2002. P. 288.

<sup>6</sup> Wollenweber B., Franke P. Uzbekistan. Land zwischen Orient und Okzident. Berlin, Wostok, 2007. P. 91.

<sup>7</sup> D e g e o r g e G., C h u v i n . Samarkand, Bukhara, Khiva. Paris. Flammarion, 2001. P. 230.

<sup>8</sup> Mac leod C., May hew B. Uzbekistan. The golden road to Samarkand. Hong Kohg. Odyssey, 2008. – 368 p.

устачиликнинг ўзига хос услублари йўқ бўлиб борганлигини, олтин билан боғлик заргарлар ва этикдўзлик билан боғлик кўнчилар фаолияти даълат томонидан расмий тақислаб қўйилганлигини қайд этган. Тадқиқотчининг ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб берган таклифлари куйидагилардан иборат:

“... - республика кишлокларидағи ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш мақсадида кишлоқ хўжалигидаги мавжуд ҳомашёни қайта ишлашга ихтисослашган касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ хунармандчилиги корхоналарини ташкил қилиш;

- ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун уларни касаначилик ва хунармандчилик тармокларига кенг жалб қилиш;

- миллий хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида анъана-вий хунарманд кадрлар тайёрлашнинг “устоз-шогирд” мактабини расмий қабул қилиш ва шу усулда ўқитишни йўлга қўйиш;

- миллий хунармандчиликни маҳаллий ва енгил саноат тармокларига қўшмаган ҳолда алоҳида хунармандчилик вазирлигини ташкил этиш”<sup>9</sup>.

Ўтган ўн йил давомида тадқиқотчи берган таклифларнинг барчаси буғунги кунда амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирлик макомидаги Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси ҳам ташкил этилган. Бироқ, тармокнинг ривожланишида унинг ижтимоий-географик асослари ва минтақавий хусусиятлари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Фарғона минтақаси хунармандчилигига куйидагича баҳо берган:

“Фарғона водийиси миллий хунармандчиликнинг атлас тўқиши, кулолчилик, дўппидўзлик, сандиксозлик, ёғоч ўймакорлиги каби турлари кадим-кадимдан ривожланган. Риштон кулолчилик мактаби вакилари Иброҳим Камолов, Рустам Усмонов, Йўлдошли Полвонов, кўқонлик ёғоч ўймакор Ҳасанжон Умаров, ганчкор Жамолиддин Эркабоев, каштадўз Саддихон Шомуродова, марғилонлик дўппидўз Турсунхон Нурматова каби кўли гул мураббийлар ана шундай анъана-ларни авайлаб-асраб, ривожланириб келишмоқда. Бу соҳани ёшларга бажонидил ўргатишни истовчи яна юзлаб моҳир хунармандлар бор.

Бу соҳада бор имкониятлардан кенгрок фойдаланиб, хунармандларга мини кредитлар берипни такомиллатириш, уларга берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш зарур”<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Т ў х т а е в А. Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917–1941 йиллар): Тарих фан. ном. ... дис. автореф. Тошкент, 2001.

<sup>10</sup> Ислом Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пи-

Яна бир тарих тадқиқотчиси У.А.Киличев мустакиллик йилларида Ўзбекистонда миллий хунармандчиликнинг ривожланишини тадқиқ этар экан, миллий хунармандчилик туризмнинг ривожланиш омили эканлигини таъкидлайди. У тадқиқот натижаларига таяниб қуидаги тавсия ва таклифларни илгари суради:

“... - миллий хунармандчилик билан боғлиқ ташкилот, уюпма, кўмита, жамғармаларнинг хукуқлари ва амалий фаолияти доирасини янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чикиш;

- соҳа юзасидан халқаро алокаларни янада кенг йўлга қўйиш, сайдёнлик обьектларини жаҳон стандартлари асосида жихозлаш, кулай таклифлар орқали туристларни кўпроқ жалб этиш, шу жумладан, миллий хунармандчилик маҳсулотлари сотиладиган бозорлар, марказлар фаолиятини янада жонлантириш;

- Республика “Хунарманд” уюшмаси муассислигига миллий хунармандчилик тарихи юзасидан илмий марказ ташкил этиш;

- миллий хунармандчилик тарихи юзасидан республика миқёсида апжуманлар ташкил этиш<sup>11</sup>.

Тадқиқотчининг миллий хунармандчиликни ривожлантириш туризмнинг тараққий этишидаги омил эканлигига аҳамият берганлиги, хунармандчилик тарихини ривожлантириш бўйича берган тавсия ва таклифларини юқори баҳолаймиз. Аммо, Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик асосларини тадқиқ этиш ўзига хос специфик долзарбликка эга.

Туризм XXI асрда энг тараққий этадиган жараён бўлиб, у энг муҳим даромад манбаига ҳам айланади. Туризм мамлакатлар хўжалик тизимига таъсир кўрсатиб, унинг хизматлар кўрсатиш соҳасига ихтисослашувига ҳам сабаб бўлади. Бугунги кунда туризм ва хизматлар кўрсатиш жараёнларига оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Географ-тадқиқотчилардан М.Р.Усмонов Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятларини (Самарқанд вилояти мисолида) тадқиқ этиши натижасида республиканинг барча минтақаларига тегишли қуидаги мулоҳазаларни келтиради:

Минтақалarda туризм индустряси ва инфратузилмасини шакллантириш, улар билан боғлиқ масалаларга устувор аҳамият бериш керак. Бу борада, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона водийсида мазкур соҳага жиддий ёндошиш талаб этилади; минтақалар туристик имкониятларидан самарали фойдала-

ровард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 8-том. 207-бет.

<sup>11</sup> Киличев У. А. Ўзбекистонда миллий хунармандчиликнинг ривожланиши (1991-2006 йй.): Тарих фан. ном. ... дис. автореф. Тошкент, 2010.

ниш ва мавжуд муаммоларни ўрганишида сўров тадқиқот усулидан кенг кўламда фойдаланиш, турли босқичдаги ҳудудий туристик маҷмуалар шаклланишини такомиллаштириш, кабилар шулар жумласидандир.

Умумжахон туризм соҳаси сўнгги ярим аср давомида турли муаммоларнинг салбий таъсирига учради. Табиий оғатлар ва эпидемиялар, жиддий ижтимоий портлашлар ва урушлар ҳамда жанговар харакатлар, иқтисодий инқизорзлар ва терроризм каби ҳодисалар соҳанинг ривожланишига етарлича тўсқинлик кўрсатди. Ана шундай хавфларга қаршилик кўрсатар экан, туризм индустряси мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитларга мослашиш ва фаолият юритиш кўнимкамаларини ўзлаштириб олди.

Шуни таъкидлаш лозимки, БМТ нинг умумжахон туризм ташкилоти (ЮНВТО) маълумотига кўра, 2007 йилда ҳалқаро туристларнинг оқими тахминан 6% га ортган ва хорижий мамлакатларга ташриф буюраётган туристларнинг умумий сони 900 млн. нафари ташкил этган. Бу бор-йўғи икки йил аввал қайд этилган ва рекорд натижа сифатида эътироф этилган 800 млн. нафар туристик ташриф кўрсаткичидан анча юкори ҳисобланади. Дунёнинг барча минтақаларида ЮНВТО нинг узоқ муддатли прогнозларида белгиланган кўрсаткичларнинг ортиши кузатилган. Мисол учун, дунёдаги энг йирик туристик минтақа ҳисобланувчи Европада ўсиш суръати 4% ни ташкил килиб, ҳалқаро туристик ташрифларнинг умумий сони 480 миллиондан ортиб кетди.

Бироқ, ЮНВТО эксперталарининг таъкидлашича, энг салмоқли ўзгаришлар шарқий йўналишда содир бўлган, ҳолбуки ривожланаётган мамлакатларнинг аксарият қисми айнан Шарқда жойлашган. Хусусан, сўнгги ўн йилликда янги ва жадал ривожланаётган бозорлардаги туризмнинг ўсиш суръати 6–8 % ни ташкил қиласган, бу кўрсаткич саноати ривожаланган мамлакатларнига қараганда кариб икки баробар юкоридир. Буни изоҳлай туриб таъкидлаш зарурки, ривожланмаган мамлакатларнинг 70 % и учун туризм соҳасидан тушадиган даромад иқтисодиётнинг катта улушини ташкил киласди.

2008 йил бошларида воқеаларнинг ривожи доимгидек кечеётган эди. Январдан апрелгача бўлган давр мобайннида (бу, одатда, туризм учун энг яхши деб ҳисобланмайдиган ойлар бўлсада, иқтисодий инқизор ҳали кенг миқёсда тарқалмаган эди) туристик хизматларнинг дунё бўйича ҳажми бироз камайган бўлса-да (ўсиш 5% ни ташкил қиласган эди), барибири ЮНВТО нинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларидан 1% га ортиқ эди. Лекин, йил ўрталарига бориб туризм

соҳасида инкиrozning салбий таъсири сезила боپлади. Жорий йилнинг якунига келиб умумжаҳон экспертлар ҳамжамияти тармоқдаги кўрсаткичлар пасайишини қайд этса-да, барибир, узок муддатли прогнозларни ижобий деб баҳолади.

Жаҳон иктисодиётидаги жиддий бўхронлар кузатиласити ва улар тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрларига кўра, бу инкиroz Иккинчи жаҳон урушидан кейин содир бўлаётган иктисодий тангликлар ичидаги энг кучлиси бўлиб, тизимли хусусиятга эга. Инкиroz молия бозорларининг пароканда бўлиши билан чекланмасдан, Америка ва Европа бозорларининг энг муҳим истеъмол секторларини издан чикарди.

ЮНВТО ташкилотининг бош котиби Франческо Франжиаллининг UNWTO News нашрининг сўнгги сонидаги умумжаҳон туризм индустриясига қилган мурожаатида қуидагилар баён этилган:

“Реал иктисодиёт соҳасини ҳам ишғол қилган инкиroz туризм соҳасига салбий таъсири кўрсата бошлади – истеъмол бўйича, шу жумладан транспорт ва ҳордик олимп учун сарфланадиган ҳаражатлар сезиларли даражада камайиб кетди”.

Халқаро туризм ташкилоти раҳбарининг фикрича, истеъмол ҳаражатларининг камайиши, ривожланган мамлакатлардаги туризм индустриясининг ўзаги хисобланмиш кичик ва ўрта бизнесга жуда кучли таъсирир кўрсатган.

Франческо Франжиаллининг фикрича, содир бўлаётган иктисодий бўхронлар оқибатида иктисодиётнинг бошқа тармоқлари туризмдан кўра камроқ талофат кўради ва шу билан бирга инкиrozning салбий таъсирини муайян даражада юмшатиб бериши мумкин. Лекин воқеаларнинг саёҳатлар ва ҳордик чикариш индустрияси учун салбий сценарий асосида кечипини ҳам инобатга олиш лозимлигини таъкидлайди.

ЮНВТОнинг экспертлар ҳамжамияти ўз етакчиси фикрига қўшилган ҳолда, 2009 йилнинг баҳорги туристик мавсуми бошланишига қадар вазият яхшиланishiни борасида анча эҳтиёткор ва босик прогнозларни эълон қилган. Шу билан бирга, мутахассисларнинг таҳминига кўра, саёҳатларга бўлган талаб кейинги йилнинг ёзида яна ортиши мумкин, бунинг учун жаҳондаги иктисодий вазият ҳеч бўлмаганда ҳозирги даражада қолиши керак.

2008 йилнинг кириб келишидан анча аввал, воқеаларнинг ана шундай ривожланишини оддини олган ҳолда, ЮНВТО ташкилоти жаҳон туризмига нисбатан қилинадиган инкиrozий хуруж таъсирини кайтаришга қаратилган тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эди. Ташкилотнинг масъул ходими, ЮНВТО профессори Питер Келлер-

та биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифалар режасини ишлаб чиқиши топширилган.

Ана шундай вазифаларнинг бири – бу юзага келиши мумкин бўлган иктиносидий қалтисликлар ва сўнгги йилларда содир бўлган инқирозларнинг оқибатларини баҳолаш, уларнинг жаҳон туризмига таъсирини таҳлили ва, шунингдек, вазият ўзгаришига сабаб бўлувчи энг муҳим омилларни белгилашдан изборат.

Професор Келлер гурухи томонидан бажарилган ишлар бўйича дастлабки натижалар “Жаҳон туризмидаги глобал дисбаланслар ва тузилмавий ўзгаришлар” деб номланган тадқикотда ЮНВТО ижроия қўмитасининг 84-сессиясида (Мадрид, Испания, 2008 йил октябрь) эълон килинган эди. Сўнгра, тегишли кўшимчалар ва тузатишлар киритилиб, Лондонда бўлиб ўтган туризм ярмаркасида (World Travel Market-2008) тақдим этилган.

Професор Келлернинг фикрича: “Узоқ муддатли прогнозларни белгилашда муайян ноаникликлар мавжуд бўлса-да, бугунги кундаги иктиносидий танглик (Европада) хукм сурган шароитда туризм баркарор сектор сифатида тан олиняпти”.

Шу сабабларга кўра, ЮНВТО Ижроия кенгаши томонидан куйидаги карорлар кабул килинган:

- ўз аъзоларидан таркиб топган ва ЮНВТО нинг ҳакиқий ва кўшилган аъзолари учун очик бўлган “Туризм баркарорлиги бўйича Кўмита” (TRC – Tourism Resilience Committee) тузиши;

- ҳаво транспорти ва асосий миллий туризм бозорларидағи вазиятга алоҳида эътибор бера туриб, иктиносидий таъсиirlар бўйича кўшимча маълумот жамлаш йўли билан, бу ишга ҳар томонлама кўмак бериш ва кўллаб-куvvatlash;

- барча манфаатдор томонларни замонавий технологиялар восита-сида оңг муҳим ва долзарб маълумотлар билан ўз вактида таъминлаб туриш, инқирознинг салбий гаъсиirlарига “тезкор жавоб қайтариш” амалиётини кўллаш бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш.

Таъкидлаш керакки, бу ЮНВТО томонидан жаҳон туризм хамжамияти кучларини табиий ва техноген хусусиятга эга инқирозий вазиятлар оқибатларини бартараф қилишга йўналтириш бўйича тадбирларнинг биринчиси эмас.

Бир катор Осиё мамлакатларида туризм соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг маъмурияти ЮНВТО нинг тавсияларидан унумли фойдаланмоқда.

Умумжакон иктиносидий ва молиявий инқирозининг Осиёдаги туризм бозорига кўрсатаётган таъсири ЮНВТОнинг Хитойда яқинда бў-

либ ўтган “Туризм ва Осиё-Тинч океани миңтақаси учун ривожланиш истиқболлари” иккинчи конференциясида ҳам муҳокама килингандай. Мазкур форумда иштирок этган 25 мамалакатнинг 100 дан ортиқ эксперлари миңтақа ривожланишида туризмнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаганлар.

“ЮНВТО барометри – 2008” маълумотларига кўра Осиё-Тинч океани миңтақаси – туризм энг тез ривожланаётган миңтақа ҳисобланади, лекин бу ерда ҳам ўсиш суръати пасаяётганилиги кузатимоқда. Масалан, 2008 йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида мазкур миңтақада ҳалқаро туристик ташрифларнинг умумий ўсиши 3% ни ташкил этган, ваҳоланки, 2007 йил учун бу кўрсаткич 10,5% га тенг бўлган эди.

Ўсиш суръатининг пасайиши, айниқса, нефть нархининг тез-тез ўзтарипши, миңтақавий турмаҳсулотнинг транспорт билан боғлик таркибий қисми қимматлашишига ва ҳаво орқали йўловчи ташиш ҳажми камайишига олиб келди. Туризм соҳасидаги кўрсаткичларнинг дунё миқёсида пасайиши глобал хусусият касб этмоқда ва мазкур миңтақанинг туризм бўйича асосий бозорларида ҳам салбий таъсиrlар кузатилмоқда. Туризмдан тушаётган маблағларнинг умумий ҳажми тўғрисида ҳозирчалик аник маълумотлар бўлмаса-да, бу кўрсаткич ҳам камайиши кутилаяпти: сайёҳатларнинг давомийлиги кискарған, туристик харажатларда ҳам, жумладан истикомат ва кўнгил очар томошалар соҳасида ҳам сезилиларли даражада камайиш кузатилмоқда.

Экспертлар ҳамжамиятининг фикрича, киска муддатли прогнозларга кўра, туризм, гарчи аввалигига қараганда анча сескинроп бўлсада, лекин етарли даражада ўз мавқеини тиклашга ва мустаҳкамлашга харакат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миңтақавий иқтисодиёт тикланишида муҳим омил бўлиши мумкин.

ЮНВТО қарорига кўра қўйидагилар белгиланган:

- туризм мамлакат учун, иқтисодиётнинг бошқа секторларига қараганда кўпроқ афзаликларни яратиб бериши мумкин, сабаби – инсон табиатига хос бўлган алоҳида мобиллик мавжуд, айнан шу хислат ҳисобига туризм соҳаси доим ривожланиб келган ва ривожланаверади;
- ишбилармөнлик ва ҳордик чиқариш билан боғлик туризм савдо-сотик ривожланишини рағбатлантиради, коммуникациялар кентагишига туртки бўлиб хизмат килади ва замонавий турмуш тарзини кўллаб-куvvатлайди;

- туризм – хизматлар экспортининг энг йирик секторларидан бўлиб, дунё миқёсида ривожланишининг энг аҳамиятли таркибий қисми сифатида зътироф этилаверади.

Иктисодий инкирорзниң Ўзбекистондаги туризм бозорига күр-сатаётган таъсирига бағищланган ва Otex CA. com. компанияси билан ҳамкорликда 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган сўров натижаларига қайтадиган бўлсак, дастлабки хуносаларга кўра, мамлакат туризм бозорининг умуман олганда, жаҳон иктисодиётида содир бўлаётган ҳолатларга нисбатан муносабатида хотиржамлик кузатилади. Лекин, масаланиң яна бир жиҳатини ҳам назарда тутиш зарур. Одатда, турли кўринишдаги сўровларда унинг анча сустлиги намоён бўлади.

Мамлакатта таприф буюраётган чет эллик туристларнинг умумий сонига эътибор каратилгандা, турли фирмалар учун бу кўрсаткич турлича эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистонга туристик таприфларнинг ўсиш суръатлари 35% дан 5% гачани ташкил этади. Шу билан бирга, Самарканд шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Silk Road Destination" фирмаси маълумотларига кўра, маҳаллий туроператорлар томонидан кабул қилинаётган чет эллик сайёхлар сонининг ўтган йилги кўрсаткичлар даражасини агар Осиё минтакасидаги бошқа йўналишилар бўйича туристик кўрсаткичларнинг кескин ортиши билан солиширилса, сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди.

Туристларни кабул қилувчи ва чет элга сайёхларни жўнатувчи туроператорларнинг аксарияти "Келаси йиллар учун прогнозлар қилиши мушкул вазифа, сабаби инкирор биздаги нархлар шаклланишига деярли таъсир кўрсатмади", деган умумий фикрни билдирилар. Бошқа операторларнинг фикрича, "Агар, инкирор туфайли мижозларимизнинг харид қилиш имкониятлари пасаядиган бўлса, ўсишнинг умумий суръатлари ҳам пасайиб кетади. Бирок олдиндан ўринларни банд қилиш бўйича кўрсаткич даражаси кўтарилди ва бу кўрсаткич 2009 йил учун сайёхлик турларини сотиш жараёнида ўзгариши эҳтимолдан холи эмас".

Туризмнинг Ўзбекистонда шаклланган бозорига умумий баҳо берисида, туроператорларнинг аксарият қисми иктисодиётнинг жаҳон бозори билан интеграллашувининг даражаси айтарли юкори бўймагани учун, биз умумжаҳон иктисодий ва молиявий инкирори окибатларининг салбий таъсирини тўғридан-тўғри ҳис қўлмаяпмиз. Лекин мижозларимизнинг харид қилиш имконияти пасайиши билан боғлиқ вазият, айникса, тур операторларни ҳавотирга солмоқда.

Ўтган асрнинг иккинчи яримидан ҳозирга кадар туристларнинг асосий оқими Европага каратилган. Бунинг сабаби бевосита унинг ижтимоий-географик ўрни қулайлиги, кам сонли ва кўп миллатли

халқларнинг тўпланганлиги яъни, урф-одатлар ва маданиятларнинг уйғуналгуви, туризмни тарғиб қилиш жараёнининг тезлашиши ёки ахборотлар кўламининг ортиши каби омиллардир. XX асрда инсоният тарихидаги уйғонинг даври сифатида ўрга асрларда Европадаги (XV аср ва ундан кейинги давр) санъат ва маданиятнинг ривожланиш даврини қайд этишади. Бироқ, бугунги кунда уйғониши даври дастлаб IX асрдан Осиёда бошланганлигини европаликларнинг ўзлари ҳам тай олишмоқда. Жумладан, Ўрта Осиёда бу даврда кулолчилик, заргарлик ва зардўзлик, мисгарлик, кандакорлик ва тоштарошлиқ ривожланган.

Кулолчилик милоддан аввал З минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган. Кейинчалик лойдан ясалган идишлар маҳсус хумдоңларда пиширилган.

Неолит даврида идишларни таги учли қилиб тайёрланиб, ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда қадимги Грецияда нафис кулолчилик санъати ривожланган, меъморчиликда сополдан фойдаланила бошлаган.

VIII–XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда ривожланган. Бу Афросиёб ва Ўрта Осиёнинг бошка худудларидан тоғилган кулолчилик буюмлари мисол бўла олади. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти жадал суръатлар билан ривожланган, бу янги юксалиш даври бўлган. Кўнгина олимлар, ёзувчи ва мутафаккирлар (Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакийлар) етишиб чиккан. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморчилик обидалари бунёд этилган.

Мўғиллар боскини даврида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва Балх ёнғин остида қолган, оқибатда кулолчилик санъати ривожи инкрозга юз тутган. Кейинчалик XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё худудида кулолчилик яна жадал суръатлар билан ривожланган.

Амир Темур хукмронлиги даврида қадимий Самарқанд қиёфаси бутунлай ўзгариб, янгича усулда кайта курилган ва у янада гўзаллашган. Шаҳарда Кўксарой, Бибихоним масжиди ва Шоҳизинда макбараси курилган. Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва хунармандчилик марказига айлантириш мақсадида бир канча тадбирларни амалга оширган. У, энг аввало бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўкувчилик ва қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта зътибор берган. Шаҳар ичи ва атрофидаги косибларни ўз хунарларига қараб алоҳида гузарларга жойлаштириб, улар учун йўлнинг икки томонига савдо дўконлари куришга фармоиш берган. Бу дўконлар Бибихоним масжидидан

то Шердор мадрасасигача чўзилган йўлнинг икки томонини банд килган. Амир Темур Шахрисабз ва Самарқандга дунёнинг кўп жойларидан моҳир хунарманд ва кўли гул усталарни тўплаб, у ерни йирик хунармандчилик ва савдо марказига айлантирган.

Соҳибқирон шаҳарнинг шуҳратини ошириш борасила кўп савй-харакатлар килган. “Дамашқдан фазл хунар эгаларини, турли-туман санъат аҳиллари – тўкувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, чодир тикувчилар, наққошлар, ёй ясовчилар, камон ва бопиқа курол-яроклар ясадиган, шиша ва сапол идишлар ишлаб чиқарадиган хунармандларни Самарқандга олиб келган”, – деб ёзади Испания элчиси Руи Ганзалис де Клавихо.

Соҳибқирон ҳар қандай хунар ва қасб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шароит бўлса, шу қасбни эгаллашга ғоятда меҳр кўйган. Унинг бевосита раҳбарлигига сопол идишлар – гулдон, пиёла, коса, кўза, хум ва бошқа сержило буюмлар, ўймакор нақшлар, эшиклар, устунлар, панжаралар, чойнак, чойжўш, офтоба, жом, баркаш, дастгўй, хунармандчиликнинг заргарлик, мисгарлик, тоштарошлиқ, шишасозлик, пичоксозлик, эгарчилик, аравасозлик, чилангарлик, бинокорлик каби турлари етакчи ўрин эгаллаган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида хунармандчиликнинг нозик турларидан бири – заргарлик санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Заргарлик буюмларининг энг нозик хиллари олтин ва кумушдан тайёрланиб, унга феруза, лаъл, ёқут, марварид сингари асл тошлардан безак тушириб янада сайқал берилган. Бу даврда эркаклар учун камар ва узуклар, аёлларнинг бошига киядиган безаклар, тиллакош, болоабру, зирақ, туморлар кўплаб тайёрланган.

Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанд Шарқда йирик коғоз ишлаб чиқарувчи марказ ҳисобланган. Самарқанднинг ғоят юпка, нафис ва силлиқлиги билан ажralиб турадиган олий нав коғозларининг бозори чақкон бўлган. Мирзо Бобур Самарқанд коғозига юқори баҳо бериб: “Оlamda яхши қоғоз Самарқанддан чиқар, жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдан келадур”, – деб ёзган эди.

Тоштарошлиқ ҳам Амир Темур замонасида жуда тараққий этган. Бу даврда Самарқанднинг ўзида 360 тоштарошлиқ устахонаси бўлиб, 1000 дан ортиқ одам шу хунар билан кун кечирган. Тоштарошлилар мармардан безакли товок, гулдон, лаган, коса, шамдон ва шу каби кўпгина уй-рўзгор идишларини ясаб, четига гир айлантириб форс тилида байтлар ва араб тилида дуоларни бўртма нақш усулида битишган. Мармарга ўйиб гул солувчи маҳаллий усталар бу хил ёзув-

ларни хуснихатда жуда мохирона биттганлар. Усталар бино панеллари, эшик атрофлари ёки бинонинг бошқа кисмлари ҳамда сағаналар учун коплама сифатида ишлатиш учун мармар тахтачалар тайёрлаташадилар<sup>12</sup>.

Хоразмлик хунармандлар XIX–XX аср Хива кандалорлик анъаналарини бойитадиган буюмларни яратганлар. 1930 йилда кооператив артели (корхона)да кулолчилик ишлари давом эттирилган. Ўша даврда кулоллар жуда камайиб кетган.

Сопол маҳсулотларининг тури жуда кўп бўлиб, рўзгорда (озиковқат маҳсулотлари, сув сақланадига кўза, офтоба, хурма, гупи, хум, машрафа; овқатланиш учун ишлатиладиган пиёла, коса, товок, лаган; шунингдек, шамдон, гулдон каби рўзгор буюмлари ва бошқалар), архитектурада (сополак, кошин, қувур ва бошқалар), ҳозирга қадар саноатда (металлургия корхоналарида ўтга чидамли сопол қолиллар ва шу кабилар) кўп ишлатилади. Болалар ўйинчоқлари, айрим безак буюмлари (хайкалча, йирик хайкаллар) ҳам сополдан тайёрланади.

Ўрта Осиё кулолчилигига феруза-зантори, тўқ кўк (кобалът), яшил (мис оксиди) каби сир турлари кенг таркалган. Ўтмишда сир ва бўёкларни кулолларнинг ўзлари тайёрлаганлар; Ҳозирги кунда эса, кўпинча, фабрикаларда таёrlанган кўргошин сирларидан фойдаланилади. Ўрта Осиёда сопол идиши ва буюмлар тайёрлашнинг кенг таркалган икки усули мавжуд:

1. Кулолчилик чархисиз, кўлда ишланадиган сирсиз сопол Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида, айниқса Тожикистоннинг тоғли қишлоқларида, Помирда ривожланган. Бу ерларда кулолчилик билан, асосан, аёллар шуғулланганлар.

2. Узок тараққиёт даврини бошидан кечирган, такомиллаштан ку-  
полчилик чархи ёрдамида тайёрланадиган сирли сопол маҳсулотлари Зарафшон, Сурхондарё, Амударё, Фарғона, Ҳисор, Хоразм воҳаларида ривожланган бўлиб, бу ерлардаги кулолчилик, асосан, эркаклар касби-  
га айланган.

Зардўзлик ҳам Осиёда қадимий тарихга эга. Қўлёзмаларнинг гувохлик беришича, зардўзлик Осиё, Фарбий Европа, Туркия ва Афғонистонда қадимдан машҳур бўлган. Археологик қазишмалар натижасида эрамизнинг I–II асрига оид буюмлар топилган. Алишер Навоий, Беруний, Фитрат каби буюк ёзувчи ва олимларимизнинг кўлёзмаларидан биламизки, зардўзлик санъати Ўрта асрларда ҳам машҳур бўлган, аммо у XX асрга келиб гуллаб-яшнаган.

Ўрта Осиёда мисгарлик машғуоти ҳакидаги маълумотлар Герадот ва Страбон асрларида учрайди. Ҳ асрда араб сайёхи ва географи Мақдисийнинг ёзишича, араб мамлакатларига ўша даврда катта мис

<sup>12</sup> Соҳибқирон даврида хунармандчилик // Тошкент оқшоми, 2004 йил июль).

қозонлар, нафис мис қадаҳлар Самарқанддан, мис чироқлар эса Бухородан келтирилган.

XI – XII асрларда Термиз мисгарлари ҳам майда гул солиши санъатида шуҳрат қозонган. Ўрта Осиёда мисгарлар XV – XVII асрларда бронзадан буюмлар ясашга кўпроқ эътибор беришган. IX – XI асрларда шаҳарлар ривож топиб, хунармандчилик кенг ёйилгач, мис идишлар, куроллар, от абзалларига, эшик ва дарвозаларнинг занжир, зулфин, тутқичларига ўйиб нақш тушуниш санъати янада ривожланган.

Археологик топилмалар ўймакорлик санъатининг Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан ривожланганини кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Ҳива обидалари, шунингдек, Термиз, Шахрисабз, Қўкон шаҳар ва қишлоқларида сақланган архитектура ёдгорликлари ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги билан жозибадор безатилганки, безашнинг турли усул ва услублари Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда ўймакорлик санъатининг юксак даражага кўтарилиганини кўрсатади.

Хунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти туфайли вужудга келиб, кишилик жамияти ривожи оқибатида аста-секин дехқончилик ва чорвачиликдан ажralиб чиққан турли ижтимоий формациялар доирасида техника ривожи билан алоқадор ҳолда тақомиллаша борган саноат ишлаб чиқариш куртагидир. Турли ихтиноссликлар, яъни капитачилик, зардўзлик, заргарлик, дўппидўзлик, кулолчилик, дурадгорчилик, гиламчилик, тўкувчилик, тикувчилик, мисгарлик, темирчилик, бинокорлик, ўймакорлик ва бошкалар ушбу жараён натижасидир.


Жамият тараққиёти босқичларида меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши билан алоқадор ҳолда хунармандчиликнинг 3 (уч) тури шаклланган:

- 1) ўй хунармандчилиги;
- 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик;
- 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик.

Ўй хунармандчилиги капитализмга қадар бўлган даврларда хунармандчиликнинг энг кўп тарқалган тури бўлди.

Шаҳарлар ривожи буюртма билан хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва бозорга хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ривожи билан узвий боғлиқдир.

Давр такозоси билан хунармандчиликнинг янгидан-янги турлари вужудга келди. Хунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтинослаша бордилар. Айрим кишилар маҳаллалар, шаҳарлар хунармандчиликнинг маълум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтинослаша бордилар.



Милодий бир минг йиллик ва икки минг йилликнинг бошларида шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Европа бозорларида кадрланди.

Ўрта Осиёда ҳунармандчилик бронза асирида дехқончиликдан ажралиб чиккан. Милоднинг дастлабки асрларида Ўрта Осиёда йирик ҳунармандчилик марказлари пайдо бўлган. IX–X асрларда ип-мато, гилам, шойи, мис ва темиридан ярок-аслаха, пичок тайёрлаш авж олган. XII–XIII асрларда дурадгорлик, тикувчилик, этикдўзлик, кўнчилик каби 40 дан ортиқ ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлган. XIII асрда муғуллар босқини туфайли ҳунармандчиликнинг ривожи анча сустлашган. XIV–XV асрлардан ҳунармандчилик яна ривожлана борган. Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг барча турлари XX асрнинг 20-йилларигача сакланган. Бухоро, Самарқанд, Кўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик катта роль ўйнаган.

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек ҳунармандчилигининг ахволи яхшиланган, уларнинг асосий кисми дастлаб артелларга кейинчалик эса завод-фабрикаларга, бадиий буюмлар корхоналарига жалб қилинган.

Бухоро, Самарқанд, Кўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик катта роль ўйнайди. Ҳунармандчилик кенг тарқалган худудлардан бири Фарғона водийси ҳисобланади. Миллий ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган Форғона водийси қадимдан илм-фан, маданият ва маърифат ўчиги бўлиб келган.

Қадимги Риштон, Марғilon, Шоҳимардон, Андижон, Асака, Поп, Чуст, Кўқон ва бошқа шаҳар, қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда миллий ҳунармандчиликнинг жуда кўп йўналишилари ривожланиб авлодлардан авлодларга ўтиб келган.

## **1.2. Мустақиллик йилларида милллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг зарурияти ва унинг туризмдаги аҳамияти**

**Кулолчилик** – ҳунармандчиликнинг лойдан турли-туман буюмлар ишланадиган соҳасидир. Кулолчилик кора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъати ҳисобланади. Коралой – саховат ва ҳалоллик тимсолидир. Тупроқ инсоннинг барча эҳтиёжини ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинилик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши – санъатнинг заминидир.

Кулолчилик билан дунёнинг барча ҳалқлари шуғулланадилар. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл-мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услугга эга. Сопол буюмлар содла бўлсада, қўринилиши, сақланиши, кисмларининг аниқлиги, нақшининг бадиий жойланиши билан ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик хунари лойдан пиёла, коса, товок, хум, кўза, лаган, тандир ва бошка буюмлар, турли-туман ўйинчоқлар тайёрланадиган соҳадир.

Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлаш мумкинлигини одамлар қадимдан билишган.

Кулол ишлаб чиқарган буюмларида оқ, яшил, ложувард ранглардан фойдаланган. Бу рангларни тайёрлаш технологиясини хунармандлар ҳам яхши билишган. Идиш тайёрлагандан сўнг кўлда ва штамп ёрдамида нақш чизилган, унга сир берилиб, офтобда куритилиб, печда қиздирилган. Усталар сирни ўзлари тайёрлаганлар. Қоракумга бориб ўтин йиғилган ва уни ёқиб, кулини устахонага олиб келиб З кисм кулга, 1 кисм шиша кукуни кўшилган. Уни бирор идишда сув билан аралаштириб тайёрланган бодияга сурилган. Кейин бодияни ўтда пиширишда унга юмалок суюқлик ташланган. У ўтда бодияга ўралиб рангини ўзгартирган. Қум кукунини сув билан аралаштириб совитилиган ҳамда тозаланган. Унга ун ва озгина мис оксиди кўшиб тайёрланган, сўнгра бодия сиртига суртилган.

Ҳар бир хунарнинг ўзига хос машакқати сир-асорлари мавжуд. Қадимда ота-боболаримиз бадиий кулолчилик сирларини ва тажрибаларини факат ўз шогирдларига ўргатиб, ўзгалардан сир сақлашган. Ота-боболаримиз асрлар давомида кулолчилик сир-асорларини ўрганиб, ҳар бир маҳсулотнинг сифатига, бадиий кийматига, фойдаланишда қулийлигига ва унинг умрбокийлигига алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун ҳам улар тайёрлаган оддий сопол пиёладан тортиб Шарқ меъморчилигини безаб турган кошиналарнинг умрбокийлиги хозирги даврга қадар дунё ахлини ҳайратга солмоқда. Бунга зришиш учун ота-боболаримиз юкори сифатли, ғоят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган материаллардан кенг фойдаланиб келган. Ўтмишда тупроқдан корачироқ, шамдон, сархона, жомашов, хум ҳамда овқат пишириладиган сопол идишлар тайёрланган, лекин кейинги вақтга келиб буларга эҳтиёж камайганлиги учун улар йўқолиб бормоқда. Ҳозир товок, гулдон, лаган, пиёла, тандир ва бошқалар кўп ишлаб чиқарилмоқда. Кулолчиликда асосий хомашё тупрок хисобланади.

Тупроқларинг соғ тупроқ, кора тупроқ, кўкимтири, кизил лойкор турлари бўлади. Кулолчиликда ишлатиладиган лой ўзиниг хусусияти ва ишлатиладиган буюмига қараб бир неча гурухга бўлинади.

Лойи гулдон – сершира лой. Бу лойдан жуда нозик гулдонлар ясалади. У эластик хусусиятга эга бўлиб, жуна лойи кўшилган бўлади.

Чинни лой ёки оқ лой – ярим фоянс бўлиб, корамтири лой, оқтош ва ишқор кўшилиб тайёрланади. Бу лойдан коса, пиёла, лаган ва бошқалар тайёрланади.

Кесма кошин лой – ўтга чидамли корамтири лойдан гилтавага оқтош ёки оқ кум кўшиб тайёрланади. Ундан ҳар хил мозаикали кошинлар тайёрланади.

Кошин лой – ширачли лойга кварт куми кўшиб, ундан ҳар хил кошинлар тайёрланади.

Косагар лой – патлож ёки товоқ лой деб ҳам юритилади. Бу лой соғ тупроққа қамиш қозғогини аралаштириб тайёрланади. Ундан ясси юзали идишлар тайёрланади.

Кўзагар лойи – 60-70 % пластик ёғли лой ва 30-40 % соғ тупроқдан иборат бўлади. Ундан хум, гулдон, кўза ва бошқалар тайёрланади. Кулолчиликда шамод, гилтава, бўёқлар, ангоб, чарх, мўйкалом, мола, катта мола, кичкина мола, сим, нақшин қолип, лабгир, лаган қолип, паргор қалам, когикорд, тарок, таги қалам, фугимак, тупла ва бошқалар ишлатилади. Кулолчиликда лойни усталар ҳар хил технологияда тайёрлайдилар. Махсус тупроқдан лой килиниб, уни тепиб муштлаб пишитилади. Лой тайёрлаш учун уйнииг ички кисмida ҳовузга ўхшаш унча чукур бўлмаган жой ажратилади. Бу ҳовуз пишик ғиштдан тайёрланади. Лой 20 кунгача ҳар куни сув сепиб пишитилади, шунда лой ичида тўпланиб қолган ҳаво йўқолади. Агар лойда ҳаво қолиб кетса, идишни печкада киздирганда ўша бўшлиқ яна катталашиб, идиш тешик бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун лой канча кўп пишитилса, шунча сифатли маҳсулот олинади. Кулолчилик чархида идишлар тайёрланади. Чарх картга ва кичик ёғоч ғилдиракдан иборат бўлади. Ёғоч ўқ билан бирлаштирилади. Кулол чархининг пастдаги катта ғилдирагини айлантириб туради. Юкоридаги ғилдиракка лой қуиб, ундан идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар яхшилаб қуритилади. Чунки яхшилаб қуритилмаса, кейин печда ёрилиб кетиши мумкин. Қуритилган идишларни хумда киздирилади. Сирланадиган идишлар сирланади ва яна хумданда киздирилади. Қадимдан кулоллар маълум идиш ёки буюм бўйича ихтисослашган бўлади. Масалан, косагар, тандирчи, кўзагар ва бошқалар. Хоразм бадиий кулол усталари қадимда ўзига хос технологияга эга бўлганлар. Улар кошин

бодия, хум ва бошқа кулолчилик махсулотлари устига бериладиган сирни тайёрлаш учун ёзинг жазирама иссиқ ойларида кўхна Урганч томонлардаги қумтикларига чиқиб ҳафталаб чоғон ўсимлигини тўплаб, уни ёкиб, кулини олиб келганлар. Ҳозир бу ўт жуда камайиб кетган. Бу ўсимликдан ташқари, кора ўроқдан ҳам фойдаланган. Сентябрь ойларида кора ўроқ айни ширачга тўлган вактда факат енгил патини ёкиб кулидан ишкор тайёрлаганлар. Устахонага олиб келтирилган чоғон ва кора ўрокка кум аралаштириб кўлни намлаб гувала килинади ва хумбузга қўйилади. Юкори даражада қиздириш натижасида у пастки охирига ока бошлайди у оппок рангга кирган бўлса, тайёр бўлади. Корамтири тусда бўлса, бу жараён яна қайтадан давом эттирилади. Ҳосил бўлган оқ тошсимон ишкорни тегирмонда ун холига келтириб майдаланади. Бу ишкор унига бугдой унидан атала пиширилиб козонда қориштирилади. Қозонга сув солиниб, булғаб суюк холатга келтирилади. Ҳосил бўлган хомашё табиий ишкор сири деб аталади. Табиий ишкор сири тайёрланган махсулот юзига чўмич ёрдамида қўйилади. Печда бу сир 1000–1200 даражада иссиклиқда лойга шундай киришиб кетадики, у иссиқ ҳам, совуқда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Кулолчилик бўёқлари тайёрлаш ҳам ўзига хос технологияга эга.

*Оқ ранг* – бу ранг оқ тупрок ва 11% гача оқтошнинг майда қумини кўшиб тайёрланади. Уни атала холида тайёрлаб, буюм юзига текис сурилади ва кейин нақш чизилади.

*Яшил ранг* – мис куюндиси кукуни, қўрғошин, сир ва ўтга чидамли тупрок, яъни гилтава кўшиб тайёрланади. Мис кукуни аввал қизгиш рангда бўлади, хунбузда пиширилганда яшил рангга айланади.

*Қора ранг* – 15% гилтава, марганец оксиди, лазурь ва қўрғошин сирларини кўшиб тайёрланади.

*Сарик ранг* – ёнган темир соп ёки майда темир чиқиндиларидан фойдаланиб темир кукуни мис қозонга солинади ва унга гилтава, қўрғошин сири ҳамда сув солиб эзғилаб тайёрланади.

**Бадиий кулолчилик.** Ўзбекистон амалий санъатининг қадими, шунингдек, бизнинг даврмизгача ўзининг аниқ чегараланган мактаб ҳамда анъаналярини сақлаб келаётган турларидан бири – бадиий кулолчилик саналади. Замонавий кулолчилик санъати XIX асрда тарихан шаклланган мактабларнинг анъанаси асосида ривожланиб келмоқда.

Маълумки, ўзбек кулочилик санъати қадим даврлардан шу кунгача кенг таркалган ва аҳоли эҳтиёжини қондириб келган. Ўзбекистон ҳудулида қадимдан ҳар воҳанинг ҳунармандчилик марказлари шакл-

ланган. Бу марказларда халқ эхтиёжи учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чиқарилган ва сотилган.

Хозирда бадий безатиш услубини пластик ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулолчилик мактабларига бўлиш мумкин: Фарфона бадий кулолчилик мактаби (Асосий марказлари – Риштон, Ўурумсарой); Бухоро-Самарқанд бадий кулолчилик мактаблари (Асосий марказлари – Самарқанд, Бухоро, Ургут, Фиждувон); Хоразм бадий кулолчилик мактаби (Асосий марказлари – Мадир ва Кагтабог қишлоқлари). Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамоилиллари, етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқланувчи хусусиятлари бўйича белгиланади. Улар ўз қонуниятлари дорасида фаолият кўрсатадилар ва асосий бадий тамоилилари умумийлигини саклаб келади.

Фарфона бадий кулочилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник таркиби, жойланиши ва тарихийлик тамоилиллари билан бевосита боғлиқ.

Риштон – Фарфона мактабининг анъанларини ўзида мужассамлаштирган энг ёрқин кулолчилик марказидир. Кейинги 30 йил ичida (1970 йиллардан бошлаб) Риштон сополи анъанавий-бадий технологик усуслар асосида қайта тикланди. XIX аср охири – XX аср бошларида Риштон – Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлар ишланадиган энг машҳур ва кадимги марказлардан бири эди.

Ишкорли сир тайёрлаш ҳам йўлга кўйилган. Хозирда бу ерда сопол идишларнинг япалоқ (коса ва лаганлар) узун бўйли (кўза, хумлар) турлари ишлаб чиқарилмоқда. Илгари ишлар ихтисослаштирилган тарзда бажариларди. Япалоқ буюмларни япалоқ ва қиска бўйли шакллар ясовчи усталар – косагар; баланд бўйли буюмларни ясовчи усталарни – кўзагар дейишган. Хозир бундай таснифлаш аввалги моҳиятини йўқотган: айрим усталар (И. Комилов, У. Ашурев, Х. Сатторов, М. Азимов, М. Тожалиев ва бошкалар) ҳам япалоқ, ҳам чўзинчоқ шаклли идишларни ясашади.

Риштон сополчилигининг маҳаллий бадий хусусиятлари кўп жиҳатдан буюмларга нақш берилишида кўзга ташланади.

Кулолчилиқда (идиш тайёрлашда) чарх асосий иш куроли бўлиб ҳисобланади. Кулолчилик чархи катта ва кичик икки ёғоч ғилдиракдан иборат бўлиб, ёғоч ўқ билан ўзаро бирлаштирилган бўлади. Кулол пастдаги катта ғилдиракни оёғи билан айлантириб туради, юкоридаги ғилдиракнинг устига лой кўяди, унда идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар қуритилиб, хумдонда қиздирилади. Идишларнинг турига кўра хумдон ҳам катта-кичик бўлади. Сирланадиган идишлар эса сирланиб, шундан кейин яна бир мартадан хумдонда қиздирилади. Одат-

да, кулоллар маълум идиш ёки буюм бўйича ихтисослашган бўладилар (масалан, косагар, кўзагар, тандирчи ва бошқалар)<sup>13</sup>.

**Сопол, сафол** – лойдан ишланиб, оловда қиздириб тайёрланадиган маҳсулот бўлиб, керамиканинг кўп таркалган тури ҳисобланади. Таркиби бир жинсли, ранги ҳам бир хил бўлган маҳсус тупроқдан олиниб, дастгаб офтобда қутилиб, майдаланади ва эланади, сўнгра эса ундан лой корилади; бу лойга маҳсулот турита қараб ишлов берилади, яхшилаб пишитилади, кейин зувала олиниб, унга кўлда ёки кулоллик чархида шакл берилади, қутилиб гулханда ёки хумдонда қиздирилиб сопол тайёрланади.

Фойдаланилган тупрокнинг таркибига мувофиқ равишда сопол оч-сариқ, қизғиши, кулранг, кўкимтири, қизғип-жигарраш, корамтири ва бошқача рангларда бўлиши мумкин. Ўзбек кулоллари сопол тайёрлашда ишлатиладиган тупрокни “сағир тупрок”, “кулол тупрок” деб атайдилар. Унинг таркиби ишкорли, оҳакли, темирли ва бошқача бўлиши мумкин. Сопол лойини таёrlаш, уни керакли шаклга солиш ва ўтда қиздириш мураккаб жараён бўлиб, кулолдан уқув, билим, маляка талаб килади. Олов бир меъёрда ёнмай, секин ёки кучли ёнса, сопол бирак бўлиб қолиши мумкин. Сопол мустаҳкам ва силлиқ бўлиши учун оловга чидамли оқ ёки қизғиши тупроқдан тайёрланадиган суюкликка – лоя (ангоб)га чайиб олинади, кейин эса сояда қутитиб, хумдонда пиширилади.

Сополни бадиий безатишнинг бир катор усуслари мавжуд. Бўртма (рельеф хосил килиб), ўйма накш-гуллар (маҳсулот хўллигига), кирма гуллар (маҳсулот лойга чайиб олингандан сўнг), сир гуллар эса хумдондан чиққандан кейин ишланиб, кейин яна бир бор хумдонда қиздирилади. Тоғ жинсларидан, шишадан тайёрлаб суриладиган сир сополга ёпишиб, уни ҳам чидамли, ҳам нафис қилади. Ўрта Осиёда, одатда, бадиий безак сопол сирлангандан кейин амалга оширилади (тиник ёки нимранг сир устидан гул, баъзан расмлар ишланади).

Ўзбекистонда гул-нақш туширишнинг 3 хил усули кенг тарқалган:

1. Қалами – тасвир қаламсимон чўтка ёрдамида ишланади;
2. Тамға – илгарилари шолғом, сабзи, ковок кабилар ўйиб тамға килинган, Ҳозир эса ризинадан тайёрланади;
3. Чизма – қирқиб чизилади.

<sup>13</sup> Р а з в а д о в с к и й В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. Ташкент, 1916; П е ў ё р е а Е. М. Гончарное производство Средней Азии. М.; Л., 1959; Р а х и м о в М. К. Народные традиции в современной художественной керамике Узбекистана. Ташкент, 1964; Т а ш х о д ж а е в Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда”, IX – начала XIII вв. Ташкент, 1967.

Сопол маҳсулотлари тайёрлаш ва безашнинг усул ва услублари давр талаби билан ўзгариб, такомиллапиб бормокда.

Масалан, идишнинг бадиий нағислигини таъминлаган ишқорли суркама – ишқорли лоядан ўтмищда барча кулоллар ҳам фойдаланганлар. Лекин, XX аср бошларида ундан фойдаланилмай кўйилди. Тожикистоннинг шимолий ҳудудларида бу лой 1950 йилларгача ишлатишиди. Ҳозир эса ундан Ғурумсарой кулолларигина фойдаланишади. Бу суркама тиник бўлиб, баъзан унга қалай аралаштирилади. Қалайли сирга кўшилган мис оксиди идишни яшил-зангори тусга киритади.

Ўрта Осиё кулоллари сопол идиш ва буюмларни безашда бўёқ сифатида металл оксидидан фойдаланадилар. Темир оксидидан қизил ва жигар ранг; марганец оксидидан қора ва пушти-гунафша ранг; сурма оксидидан сарик ранг; кобальт оксидидан кўк ранг ва қалай кўшиб феруза ранг ҳосил қилиб фойдаланишган.

Ўзбек халқ хунармандчилиги ичida заргарлик санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Миллий хунармандчилигимизнинг бу тури жуда қадимдан ривожланган бўлиб, узоқ тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий санъат бўлган. Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб эрамизнинг VIII асригача Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён, Болалик тепада чиройли ҳайкаллар, девор безаклари оркали заргарлик санъати ривожланганлигини кўриш мумкин.

Тош асрининг сўнгти даври (эрамизгача IV–III минг йиликнинг охири)га оид шилдироқ мунчоқлар, ҳар хил тошлар, чиганок ҳамда суяклардан ясалган безаклар топилган. Бу эса заргарлик ривожланганлигидан далолат беради. Ҳоразмдаги Тупрокли деворларидағи тасвирлардан ўша даврдаги аёллар кулокларига нафис тақинчоқлар тақишигани маълум бўлади. Булардан ташқари, бронздан куйиб ишланган бир канча осма тақинчоқлар I–IV асрларга мансуб бўлиб, Ҳоразмнинг Аёз қалъа, Етти асар, Бургут қалъа ва бошқа жойларидан топилган.

IV–V асрларда ҳам заргарлик буюмлари ишланган. Масалан, Ҳоразмда шишадан ясалган шер, курбака шаклидаги мунчоқлар топилган. Болалик тепадаги V аср охири – VI асрнинг бошларига мансуб деворий расмда эркакларнинг кўлида совға тақинчоқлар ҳам тасвирланган. Бундан ташқари, аёл соchlарида осма тақинчоқлар тасвирланган.

X–XI асрлар ўртасида битта катта тешикли суякли тугмалар ишланган. XIV–XV асрларда заргарлик жуда яхши ривожланган бўлса-да, нима учундир бугунгача жуда кам микдорда сакланиб колган. Баъзи бир ёзма манбаларда келтирилишича, XIV аср охири – XV аср

бошларида Тавоис шаҳрида яшаган заргар, бундан ташқари Ҳусайнинг ўғли Мухаммад заргар XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган уста Али заргар, Хўжа Султон Ҳусайн заргар, Хўжа бобо Дўстнинг ўғли Хўжа Ҳасан заргар номлари бизгача маълум бўлиб келган.

XVI асрда ишланган жўмрак безаги заргарлик буюмлари фактат дөворий расмлар орқали етиб келган. XIV–XVII асрларда заргарлик буюмларининг нақш безаклари мураккаблашиб боради. XIII–XIV асрларгача заргарлик буюмларида кўпинча ҳайвонлар тасвирланган бўлса, кейинчалик эса араб ёзувлари композицияга кириб, ўзига хос кўриниш берди. Бу ёзувлар, бир томондан нақш безаги, иккинчи томондан эса маъно жиҳатдан фаркланар зди. XVIII асрда Ўрта Осиёдаги ўзаро четки низолар заргарлик санъатининг ривожланишига салбий таъсир этади. Кейинчалик ҳонликлар пайдо бўлиши билан заргарлик янада ривожлана бошлади<sup>14</sup>.

**Мисгарлик** – мисдан куроплар, уй-рӯзгор ашёлари, турли буюмлар ясадиган ҳунармандчиликнинг қадимги турларидан ҳисобланади. Қадимда мисгарлар соф мисни совуклайин ишлаганлар, шу туфайли мис буюмлар юмшоқ ва мўрт бўлган. Кейинроқ эса мисгарлар буюмларни мис ва қалай котишмасидан ҳосил қилинган бронзадан ясаганлар ва бундай буюмлар бирмунча пишиқроқ бўлган.

Курама тоғларининг жануби-ғарбий қисмидан, Нурота ва Кизилкум тоғларидан топилган буюмлар (таркибида мис кўп бўлган бронза идишлар) мисгарликнинг Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан ривожланганligини тасдиклиди. Нақшдор мис идишлар ясашнинг қадими маркази Бухоро бўлган. XVIII – XIX асрларга келиб Бухоро, Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда аъло сифатли мис ва бронза идишлар, буюмлар ясаш кенг ривожланган. Тошкент, Хива каби шаҳарларда ҳам ўзига хос мисгарлик мактаблари шаклланган. Мисгарлар мис идишларни, асосан, икки хил йўл билан – эритиб куйганлар ёки болгалаб ясаганлар. Идишларни болгалаб ясашда, асосан, сандондан фойдаланилган. Буюмни ясаш пайтида металл тез-тез қиздириб турилган. Тун (сув идиш) ёки кўза каби мураккаб идишларни ясашда аввал айрим бўлаклари қуилиб, сўнг улар бир-бирига қалайланган. Буюм колибидан кўчирилгач, тозаланиб, сўнг унга наққошлар гул туширганлар. Мисгарлик буюмлари ичida чойдиш, офтоба, лаган, кўза, кумгон, тогора, баркаш, самовар ва бошқалар кенг тарқалган. Бу буюмлар Тошкент, Бухоро, Хива, Қўқон каби бошқа шаҳарларнинг янги техника билан жихозланган мисгарлик артелларида (корхоналарида) ҳозир ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Тошкент ишлаб чиқарини коопера-

<sup>14</sup> Фахретдинова Д. А. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент, 1998. С. 64.

циясига қарашли ҳунар-техника мактабида профессионал мисгарлар тайёрланмокда<sup>15</sup>.

Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистон тарихи бўлими ходимлари томонидан республикамиз вилоятлари ва туманларига йилига икки мартадан (1987 йилдан бошлаб қайта тикланган) этнографик ва этносоциологик сафарлар ўтказилиб келинмоқда. Ана шу сафар давомида, ҳалқимиз урф-одатлари, маданияти, турмуш тарзи, анъана ва маросимларини ўрганиш билан бирга, ҳунармандчилликка ҳам эътибор берилди.

**Кандакор** (форс-тожик тилидан олинган бўлиб, **کندو** – канда – ўйиш, **کار** – кори – иш) деб металлга ўйиб нақш ишловчи (**кандакорлик** билан шуғулланувчи) ҳунармандга айтилади. Кандакор нақш тушурган идиш ёки буюм **кандакори** деб аталади (кандакори лаган, кандакори офтоба ва ҳ.к.).

**Кандакорлик** – амалий санъат турларидан бири ҳисобланиб, месталл ўймакорлигидир. Археологик материаллар бу санъатнинг жуда қадимиyllигини тасдиқлайди. Масалан, Фарғона водийисидан (Катта Фарғона канали курилишида) топилган билагузуклар. Амударё топилмалари орасида металлга ўйиб ишланган нақшлар учрайди. Кушон подшолигида араб истилосига қадар кандакорлик анча ривож топган. Ўрта Осиёда ўсимликсимон, геометрик нақшлар чизиш, арабча ҳарфлардан нақшга ўхшатиб ўймакори байтлар битиш санъати авж олган.

Кандакорликда күп, ҳайвон, ўсимликларнинг тасвиirlари ва турли геометрик нақшлар кўпайди. Темурийлар даврида металл идиш, буюм ва қуролларни безатишнинг турли усул ва услублари вужудга келди. Кандакорлик санъати янада нафислашди (Масалан, Амир Темур байруғи билан Аҳмад Яссавий Макбараси учун қўйдирилган улкан козон. Эрмитаж).

**Ўймакорлик** – амалий безак санъатининг энг қадимий ва энг кенг тарқалган турларидан биридир. Ёғоч, ганч, металл, тош, суяқ, лак, терракота ва бошқаларга ўйиб, йўниб бадиий шакл берилади. Улардан бино қисмларини безашда, уй-рўзғор буюмлари, турли асбоб, қуролларни нафислаптиришида, кичик ҳайкалтарошлиқ асарлари яратишда фойдаланилади. Ўймакорликнинг ёғоч ўймакорлиги (**бурадаорлик**), ганч ўймакорлиги (**ганчкорлик**), тош ўймакорлиги, металл ўймакорлиги (**кандакорлик**), суяқ ўймакорлиги каби турлари мавжуд.

Бу каби қадимий анъаналар замонавий биноларни безашда ҳам давом эттирилмоқда. Монументал биноларни яратишда меъморлар билан ўймакор усталарнинг азалий ҳамкорлиги собиқ иттифок даврида

<sup>15</sup> Сергеев Б. Ўзбекистонда мисгарлик. Тошкент, 1963; Занятис и быть народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. Т.3. Л., 1971.

ҳам давом эттирилди. Бу соҳада айникса А.В.Шчусев, С.Н.Полупанов каби атоқли архитекторларнинг фаолияти дикқатга лойик. Уста Ширин Муродов, Шамсиддин Ғафуров, Кули Жалилов, Тошпўлат Арслонкулов, Махмуд Усмонов каби ганч ўймакорлари, Ота Полвонов, Сулаймон Хўжаев, Усмон Зуфаров, Максуд Қосимов, Неъмат Иброҳимов, Қодиржон Ҳайдаров, Нурулло Назруллаев каби ёғоч ўймакорлари қадимий анъаналарни янги давр руҳи билан бойитиб, ўймакорлик санъатини ривожлантирилди. Кейинги йилларда тош ўймакорлари, қандакор усталарнинг ижодий фаолиятларига ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Хозирда ўймакорлик усулларидан тасвирий санъат (графика) асарлари яратишда ҳам кенг фойдаланилмоқда (Масалан, гравюра, литография, линогравюра, офорт, ксилография).

Тош ўймакорлиги – амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири. Археология материаллари тошни ўйиб накш, тасвир ҳосил қилиш санъати жуда қадимиyllигини кўрсатади. Бунда ёзув, накш, тасвир рельеф (баланд ёки ясси) ҳосил қилиб, ўйиб, кириб ишланади. Ишлатиладиган ўрни ва безакнииг мақсад-вазифасига қараб, юмшоқ (гипстош, талькохлорит, оҳактош ва бошқалар), ўртача (малахит, мармар ва бошқалар), қаттиқ (нефрит, лазурит, яшма ва бошқалар) тошлардан фойдаланилади. Тош турлари *инкрустация* қилиниши, ўзаро бириткирилиши, зичлаб-қалаб мустаҳкамлаб, кейин тош ўймакорлиги билан безатилиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудида тош ўймакорлигининг илк намуналари неолит, энолит, бронза даврларига мансуб. Минерал ва тоғ жинсларининг техник ҳоссалари ўртаосиёлик усталарга қадимдан мъълум бўлган. Ўрта Осиёда ясси рельсфли тош ўймакорлиги ривож топган. Тоштарошлик билан шугулланувчи усталар XX аср бошларигача тошни кесиш, йўниш ва безаш ишларини ибтидоий усулларда бажарганлар, уларнинг иш қуроллари ҳам ёғочсозлар, ёғоч ўймакорлиги қуролларига жуда ўхшаш бўлган. Хозирги вактга келиб, тош ўймакорлигининг асосий қисми механизациялантирилган.

Офорт (француз тилидан олинган бўлиб, lau-forte – нитрат кислота) – гравюра (металл ўймакорлиги)нинг кенг тарқалган турларидан биридир. Бунда тасвир металл таҳтага кислота таъсир эттириб ҳосил қилинади. Текис ва силлик мис ёки кўрғошин таҳта сирти кислотага чидамли лак билан бўялади. Кейин гравюра игнаси ёрдами билан ўйиб тасвир чизилади. Ўйилган (кирилган) жойлар кислота таъсирида яна чуқурлашади ва у ерга бўёқ тушуб, унинг оттискасида тасвир ҳосил бўлади. Бу усул рангли босмада ҳам қўлланилади.

Офорт XVI аср бошларидан мъълум. Дастлаб Германияда ву-

жудга келган (темир тахтага туз кислотаси таъсир эттирилган). А. Дюрер ва бошқалар атоғын рассомлар күпгина асарларини шу усулда яратғанлар. Кейинчалик мис тахтага азот кислотаси ишлатилған.

XVII асрда Офорт Европа реалист рассомларининг севимли техникаси бўлиб қолди. А. Ван Дейк, Рембрандт, Ф. Гойя, И. И. Шишкин, И. Н. Крамской, И. Е. Репин, В. А. Серов ва бошқалар Офорт техникасини ривожлантиришига катта хисса қўшдилар, шу йўл билан ўлмас асарлар яратдилар.

**Мизлий каштачилик** – амалий санъатнинг энг қадими турларидан бири хисобланади. Ўзбек миллий каштачилиги бошка касбхунарлар билан биргаликда ривожланган<sup>16</sup>.

XIV–XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигини кўриш мумкин.

Испан элчиси Луи Ганзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигига ёзib қолдирган. 1467 йили Камолиддин Бехзод “Зафарнома”га ишланган “Темир тахтда” миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттиради. Ўзбек миллий каштачилиги кўшни ҳалқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди.

Каштачиликнинг яна бир тури – бу апплекациядир. Апплекация – лотинча сўз бўлиб, “ёпишириш” деган маънони англатади ва газлама ҳамда коғоз бўлакларидан тайёрланади. Апплекация материалга ранг-баранг газлама, коғоз бўлакларини ёпишириш ёки тикиш билан безатишdir. Каштачиликнинг бу тури ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни кадаб, атрофини чоклаб тикишади.

Апплекацияда кўпинча чизма чоклардан фойдаланилади. Каштачиликнинг бу тури Ўзбекистонда унча ривожланмаган. Ҳозирги вактда кўпинча болалар кийимларида ҳар хил гул, мева, қушлар ва бошка нарсалар тасвири апплекация усули билан ясалади.

Архитектурада ва бирор буюмларни безашда апплекация усулидан кенг фойдаланилиб келинмоқда.

**Каштачилик турлари:** Ўрта Осиёда каштачилик кенг тараққий этган бўлиб, оиласда ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир хонадон печ, сўзана, дарпеч, ойнаҳалта, чойхалта, чойшаб ва бошка жуда кўп каштачилик турларини тикишган. Масалан: сўзана, кирпеч, чойшаб, зардевор, палакгул, кўрпа, дастрўмол, ҳамёнча, жойнамоз кабилар билан безатилган.

<sup>16</sup> Ч е п е л о в е ц к а я Г. И. Каштачилик. Ўзбекистон сўзанаси; Р а с с у д о в а Р. Ўзбек каштачилик санати. Тошкент, 1961.

Капталарда турли жойларда турли чоклардан фойдаланилган. Масалан: Нурота, Бухоро, Самарқанд каштачилик маҳсулотлари кўпроқ йўрма чок билан тикилган. Ўзбек кашталарида асосий безак матонинг ўртасига тикилади, ҳошиялари қўшимча безак ҳисобланади. Лекин ҳошияни безатишга қаратилган кашталар ҳам кўп учрайди. Шахрисабзда каштанинг йўрма, канда хаёл, ироқи тури ривожланган Тошкентда эса кўпроқ босма чок тикилган.

Миллий каштачиликда ишлатиладиган безак буюм турларининг баъзи бирларига эътибор берилса, жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади. Ундан масжид, мадраса ва уйларда ҳам фойдаланилди.

Ўзбек кашталари ўзига хос гўзаллиги, нафис безакларининг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий каштачиликнинг турларидан бири – зардўзликдир. **Зардўзлик** – зар ип билан нақш тикиш касби бўлиб, форсча зар (тилла), дўзи (тикмок) сўзларидан олинган. **Зардўзлик** – халқ санъатининг бошқа турларидан фарқли равишда факат сарой қошида ривожланган бўлиб, асосан сарой амалдорлари учун хизмат килган. Бу санъатнинг илдизи қадим-қадимга бориб тақалади. Бухоро амирлиги талаби билан ҳар хил зардўз буюмлари тикилган. Қизиғи шундаки, тикувчилар факат эркаклардан иборат бўлган. Туркия, Арабистон, Ҳиндистон ва Франциядан келтирилган баҳмалдан зардўзи буюмлар тикилар эди. Бу буюмлар амир хонадони, унинг яқинлари ва амалдорлари учун тикилган... Зардўзлик эркаклар тўни – “жома”, ҳарбий кийим – “колюш”, баҳмал этик – “мўза”, аёллар тўни – “калтача”, кўйлак ёқа – “пеша курта”, пешона боғлаш учун – “пешона бўг”, дўппи, кўзгу ҳалта, пул ҳалта, отлар эгар жабдуғини безовчи – “даури” кабиларни тикишда кенг кўлланилган.

Зардўзлик санъети узок тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Бобил бўлиб, у Рим империясига қарашли бўлгач, зар ипаклар ва жун ип кўшиб тикилган, ранг-баранг каштачилик бутун дунёга машхур бўлган. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан бадиий буюмлар кенг таркалган. 1947 йили Тошкент вилояти қишлокларидан бирида ўтказилган археологик қазишималарда аёл қабридан I-II асрларга мансуб зарбоб кийимлар топилган. XVII асрда Самарқандда яшаб ижод килган Фитратнинг асосий касби ҳам зардўз бўлган. У зардан бўлган ажойиб кашталар тиккан.

Уста андозани ва матони олиб, каштанинг маълум кисми учун тайёргарлик кўрган. Тикиш учун тўпламна тайёрлашга ўтган. Қофозга

чизилган нақшни терига картон ёки қалин буюм ёрдамида тупшириб қалам ёки бүёқда нақш устидан юргизиб чизиб чиқкан нақшларни картонга киркіб олган. Гуллар кесилгандан чамбарак ҳосил бўлган.

Товар пишик ўралган, матони тикишга ўтилган. Аёллар ҳамда эр-каклар кийимлари, сўзана, ёстиқ жилдлари, жойнамоз ва бошқалар алоҳида корчўпда тикилган.

Гилам – бадий тўқимачилик буюми бўлибгина колмай, уй жиҳози ҳамдир. Гилам полга тўпшти, деворга осиш, хонани безатиш учун хизмат қиласди. Гилам, асосан, горизонталь ёки вертикаль дастгоҳларда жун, илак, каноп, пахта ва бошқа иплардан тўқиласди. Гилам тўқилишига кўра патли ва патсиз, безалишига кўра эса нақшил ва мавзули турлари билан фарқланади. Нақшли гилам ўсимликсимон безаклар, турли хил белги рамзларидан иборат. Гиламнинг тўқима (гули тўқилади), тикма (гули тикиладиган), босма (гули босиладиган) турлари ҳам бор. Ижро усули, сифати мураккаблиги билан кўлда тикилган гиламлар бетакрордир.

Гиламчилик – гилам тўқиши касби, бадий хунармандчилик соҳасидир. Гиламчилик қадимдан чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган. Гилам ўсимлик (пахта, зигир, жут) толаси ёки жун (эчки, кўй, тия жуни)дан тайёрланади. Гилам тўқиши учун қирқилган жун ювилиб тозаланади ва темир тарокларда таралади, тараған жундан ип йигирилади. Иш эса турли табиий бўёклар билан бўялади. Шунинг учун гиламнинг ранглари ўзгармайди ва сифатини ҳам йўқотмайди.

Хозирда гиламлар сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Гиламчилик ривожланган жойларда тўкув дастгоҳлари анча мураккаблаштирилган ва бир неча тўкувчи ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийверадиган кенг ўн ғалтакли хиллари ҳам яратилган. Гиламчилик пайдо бўлган даврни аник айтиш кийин. Чунки жун чидамсиз бўлиб, қадимда гиламлар сакланмаган. Энг қадимги гилам милоддан аввалги VI-V асрларга оид бўлиб, тоғли Олтойдан топилган. У абадий музлиқда бўлгани учун яхши сакланган. Олимларнинг тахминларига кўра гиламчилик Ўрта Осиё қабилалари ва форслар томонидан тайёрланган.

Қадимдан то илк Ўрта асрларгача бўлган даврда гиламчиликка оид маълумотлар ёзма манбаларда сакланган. Салжуцийлар даврида гиламлар кўпроқ тайёрланган ва Миср, Ҳиндистон, Хитойга чиқарилган. Ўрта асрларда гиламчилик уч йўналишда – кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларида, ўтроқ аҳоли орасида ва сарой устахоналарида ривожланган.

**Ҳайкалтарошлиқ.** Истиқлол даврида ҳайкалтарошлиқ мафкураий, гоявий оламнинг таркибий қисми сифатида шаклланди.

Ҳайкалтарошларнинг ижодий услублари XX асрнинг 70–80-йиллар анъаналаридан кескин фарқ қиласа-да, 1990 йилларда ижодий таргиготлардан келиб чикиб, яратилган асрларда янги гоявий, мағкуравий мухит тасири, миллий ҳамда тарихий мавзулар устуворлиги ўз аксини топди ва йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилди. Ўзбек ҳалқининг тарихи ва маданий меросини ҳайкалтарошлар чукур ўрганиб, бадиий жараёнда улуғ аждодларимиз киёфаларини яратишга муваффак бўлишиди.

Мустакиллик даври ҳайкалтарошлик санъатининг маҳобатли туррида ишланган илк тарихий асар сифатида Чирчик шаҳрининг марказий шоҳ кўчасига ва пойтахтимизнинг Миллий боғига ўрнатилган улуғ шоир Алишер Навоийга аталган ёдгорликларни келтириб ўтиш жоиз. Бу икки ёдгорлик бадиий сифат ва хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи. Чирчик шаҳридаги Навоий ҳайкалининг (А.Раҳматулаев, Л.Рябцев, 1991) композицион ечими ва пластик шакллари муаллифларнинг катта касб маҳоратига эга эканлигини якқол кўрсатиб турибди. Миллий боғнинг энг сўлим гўшасидан ўрин олган Алишер Навоий ҳайкали (Э.Алиев, Н.Банделадзе, Б.Дектяров, 1991) эса ўзининг шарқона кўриниши билан фарқ қиласи. У боғнинг энг баланд қисмига жойлаширилган. Унинг атрофини эса миллий услугида ишланган қовурғасимон гумбазли айвонча ва кўкаламзор боғ ўраб туради. Бронздан ясалган ҳайкалда фозиллик аломатлари ўз ифодасини топган.

Рамзий маънода барпо этилган меъморий унсур эса, шоирнинг маҳобатли киёфасини янада жонлаштиради. Ҳайкал ишланиш услубига кўра, умумлашма тарзда амалга оширилган. Яъни майдадеталлар ўрнини умумий яхлитлик камраб олган. Ҳайкалдаги майдадеталлар факат кўкракдан тепа қисмida, либослар ҳаракатида ва юз қиёфасида кўлланилган. Шоирнинг ўнг кўлидаги ҳасса динамик ҳаракатни юзага келтирган. Биргина ушбу детал орқали ҳайкалтарошлар образдаги турли маъноларни очиб беришга ҳаракат килишган. Бу кексалик аломатининг ифодавий воситасидир. Тамошабин узокдан туриб шоирлаги кексалик аломатини ҳасса воситаси орқали идрок этади. Ҳайкалга яқинлашган сари ҳассадаги бу хусусиятлар иккинчи даражали бўлиб, юкоридаги маъноларнинг фаоллиги юз қисмига алмашинади.

Навоий образини яратиш юртимизнинг кўплаб ҳайкалтарошларини қизиқтириб келган. Бугунги кунда ҳам Навоий образига мурожаат этиш ҳайкалтарошлик санъатида тўхтаганича йўқ. 2001 йилда Навоий шаҳри марказида улуғ шоирнинг 560 йиллиги муносабати билан А.Раҳматулаев ва П.Подосинников

томонидан яратилган бўйи 9 метрли ҳайкалнинг ўрнатилганинги юқоридаги фикримизнинг далилидир. Ҳайкалтарошликнинг маҳобатли турида ижод килаётганлар орасида академик, Ўзбекистон халқ рассоми, ҳайкалтарош Илхом Жабборов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳайкалтарош Равшан Миртоҷиевларнинг ижоди алоҳида этиборга молик. Улар томонидан яратилган ёдгорликларни хозирда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва шаҳарларида учратиш мумкин. Шу ўринда И.Жабборов томонидан яратилган буюк Соҳибқирон Амир Темур образи билан боғлиқ бир неча ёдгорликларни қайд этиш жоиз.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг гавжум хиёбони марказига ўрнатилган Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали ўзининг бадиийлиги билан ажралиб туради (И.Жабборов, К.Жабборов, 1993 й). Реалистик услубда ишлаган мазкур монументда кучли пластик ҳаракатлар кўзга ташланади. Амир Темурнинг кучли, жўшқин ҳиссиёти у мингдан отнинг бироз бадиийлаштирилган кўриниши билан бирлашиб, композицион тузилиши мукаммалаштирилган. Ҳайкал шаклан бетакрор ва майда безакли унсурлар билан бойитилган. Соҳибқироннинг ҳайкали 2 метрли таккурсига ўрнатилган бўлиб, унга “Куч – адолатдадир” хикмати битилган. И.Жабборов мазкур асар, “Юртга қайтиш”, “Панднасиҳат” ғоялари асосида яратилганлигини таъкидлайди. Монументда гўёки душманларни енгиб, жанг майдонидан пойтахтга кириб келган Соҳибқирон фуқароларга бундан бўён давлат ҳавф-хатардан ҳоли бўлгани, тинчлик ва фаровон ҳаёт бўлажагини эълон килаётгандек тасвирланган<sup>17</sup>. Соҳибқироннинг руҳий ҳолат унинг юзида яхши ифодаланган.

1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Амир Темур таваллудинг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги (1994 й., 29.12. № 630; 1996 й., 16.08. №346Ф) қарор ва фармойишни қабул килди. Ушбу қарорга кўра, Соҳибқироннинг она юрти Шахрисабзда ва марказлашган давлатнинг пойтахти Самарқандда унга атаб ёдгорликлар бунёд этилди. Бу икки шаҳардаги Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкаллари (И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан яратилган) 1996 йили ноябр ойида очилган. Ҳар икки ҳайкални киёсий таҳлил этадиган бўлсак, улар бир-биридан фарқ қиласди.

Шахрисабзда қад рослаган ҳайкалда (постаментининг ҳажми 7 метр; ёдгорлик 8 метр) Соҳибқирон ўз тасрруфидаги ҳудудни ҳар галгидек назоратдан ўтказётгандек кўринишда барпо этилган. Буни биз постаментдан ўрин олган чўққининг рамзий ифодаси орқали

<sup>17</sup> Узбекистон санъати. Тошкент: Шарқ, 2001. 26-бет.

илғаб олишимиз мүмкін. Ёдгорликнинг баланд пойдеворга ўрнатилиши унинг улуғворлигини оширади.

Самарқандда бунёд этилган ҳайкалда (хажми 6 метр) эса, Сохибқирон шоҳона либосда таҳтда ўтирган кўринишда яратилган. Сохибқироннинг таҳтда ўтирган ҳолатидан қалбини безовта килаётган түғёнларни илғаб олиш қийин эмас. Юз тузилишидаги кексаклик аломатлари ҳар иккала ёдгорликларнинг киёфасида ўзаро ўҳшашлик касб этади. Бу ёдгорликларнинг шаклу шамойили, ғояси ҳар хил бўлса-да, Амир Темур образи етарли даражада очиб берилган.

Фарғона шаҳрига ўрнатилган ёдгорлик очик осмон остида зиналар билан кўтарилиган сунъий баландлик устида қад ростлаган. Ҳайкал орқаси ярим доира кўринишида олти устун ва унинг устидаги уч кават зинасимон шарафа-карниз билан бажарилган. Бу миллый услубдаги меъморий унсурлар ёдгорликнинг салобатини оширади.

Кувадаги ёдгорлик бироз вазмин, ўйчан бўлиб, ротондо услубида бажарилган.

Тарихий хотира – ҳалқ манавиятининг асосидир. Ана шу асосда маънавий мулкимиз учун бутун ҳаётини Ватан озодлиги, ҳалқ баҳтсаодатига баҳшида этган буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди туради. Бу довюрак ватан ҳимоячиси хотирасини абадийлаштириш максадида 1998 йили Ҳукумат қарори кабул килинди. Ҳайкалтарош И.Жабборов томонидан яратилган Жалолиддин образида миллый қаҳрамон сиймоси аниқ талқин килинганилиги мутахассислар томонидан эътироф этилиб, мазкур лойиҳа асосида Хоразмда ёдгорлик барпо этилди.

### **1.3. Миллый ҳунармандчилик ва туризмни ривожланишининг ижтимоий-географик асослари**

Осиё давлатларининг шаҳарлари ҳунармандчилик буюмларининг пишиқлиги ва нағислиги билан шуҳрат қозонган.

Хитой ҳунармандлари ўзларининг зеб-зийнат буюмлари, қоғози, шойи газламалари, чинни буюмлари ва нағис кашталари билан машҳур бўлишган. Улар дунёда тенги йўқ 600 – 700 кишини сиғдира оладиган мустаҳкам кемалар ясаганлар.

Эрон – гиламлари, Дамашқ (Сурия) – ҳарбий курол-аслаҳалари, Самарқанд эса сифатли қоғозлари билан дунёга донг таратган.

Мамлакатимиз тарихида Шарқ Уйғониш даври алоҳида ўрин тутади, чунки ана шу даврдан бошлаб фан ва маданият, адабиёт ва санъат ривожланиши юкори даражага чика бошлади. Буюк

ипак йўлининг Шарқдан Фарбга, Фарбдан Шарққа Туркистон орқали ўтиши эса Хива, Урганч, Бухоро, Самарқанд каби кўхна ва қадими шаҳарларимиз каторида Шаҳрисабз, Китоб, Кўқон, Марғилон, Андижон, Шаҳриҳон, Наманган, Чуст, Косон ва ниҳоят Тошкент сингари шаҳарларда ҳам савдо-сотик гуркираб ривожла-нишига, ҳунармандчиликнинг равнақ топишига, ташки савдонинг тобора кенгайиб боришига, ҳар томонлама тараққиётга олиб боради. Айниқса, ҳалқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Бу соҳада фаолият юритувчи уста ва шогирдлар ҳамда уларнинг мактабларининг довруғи Буюк ипак йўли орқали ҳар томонга тобора ёйила борди. Амалий санъат ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар нафақат истеъмол буюмларини ясад қолмасдан, балки шундай санъат дурдоналарини ҳам яратар эдиларки, эндлиқда улар миллий, маданий меросимиз сифатида жаҳон бўйлаб намойиш қилинмоқда.

Ҳалқ амалий санъати ва ҳунармандчиликнинг бугунги муаммолари ҳакида сўз боргандা, бу соҳанинг тарихига назар ташлаш жой-эдир. Азалдан Шарқ миллий ҳунармандчилиги ва амалий санъатнинг барча турлари (заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, темирчилик, чи-лангарлик, дурадгорлик, тоштарошлиқ, ўймакорлик, ганчга, тошга, ёғочга нақш бериш, мусавирилик, курувчилик, кулолчилик, аравоз-лик, тандирчилик, бешиксозлик, тақачи ва эгарчилик, маҳсидўзлик, бўзчилик ва дастгоҳчилик, чорвачилик ва каштачилик дўппи, тўн чорси, ҳошия, жияк тикувчилик, совунчилик, қайдолатчилик, новвойчилик, терига ишлов бериш, тегирмончилик, жувозкашлиқ каби) ривожланган.

Тарихий маълумотларга кўра, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг ўтрок туманиларида 108 мингдан ортиқ ҳунармандчилик корхонларию, дўконлари бўлиб, улар йилига 60 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган. Булар каторига якка ёки оиласидан тартибда меҳнат килювчилар ва амалий санъат вакилларини кўшадиган бўлсак, Туркистон ахолисининг асосий кисми ҳунармандчилик ва амалий санъат билан шуғулланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бир ҳалқнинг миллий маданияти турдош ёки ўзаро таъсир ёрдамида ривожланса, иккаласининг ҳам уйғунлашган ҳолда равнақ топиши мукаррардир. Ўрта Осиё маҳаллий ҳалқлари, яъни ўзбек, туркман, козоқ, тожик, киргиз, қоракалпок ҳалқларининг маданияти бунга яққол мисолдир.

Аммо, XIX аср охирларида бошлаб аҳвол батамом ўзгарди. Яъни Чор Россияси томонидан Туркистоннинг эгаллаб олиниши натижасида, бу ерда йирик корхоналар ташкил топа бошлади.

Бу жаҳон тараққиётидаги объектив ҳолат бўлиб, у эндиликда Туркестонни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Хилма-хил ширкатлар, артеллар, мануфактура, фабрика ва заводларнинг сўёққа туралошини ишлаб чиқариши – кўл меҳнатига мослашган хунармандчиликнинг инқирозга учрашига олиб келди. Чунки кўл меҳнатига мослашган хунармандчиликнинг фабрика ёки завод билан ракобатлашса олмаслиги муқаррар эди.

Бундай ноҳакликлар хунармандлар меҳнатини қадрсизлантириди. Эндиликда бундай қатағонлик муносабатларига чидай олмаган хунармандлар артель, фабрика ва заводларга ишга ўтиб ишлашга мажбур бўлдилар. Бу миллтий халқ хунармандчилигига, унинг амалий санъатига нисбатан ҳам сиёсий ҳам иктисадий шапкўрлик эди. Чунки, дунёга довриги кетган, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатида дурданалар яратган, ҳалқни истеъмол буюмлари билан таъминлаган, иш берган уста-ю, шогирдлар, хунармандчилик ва амалий санъат мактабларининг номи ана шундай қабиҳлик ва шапкўрлик эвазига тобора ўса бошлади. Оқибат-натижада, жаҳонга машҳур Туркестон гиламлари-ю, нақшинкор заргарлик буюмлари-ю, тарихий ёдгорликлари, чинни идишлари-ю, шоҳи сўзаналарини, музей ёки шахсий тўплам (коллекция)ларда учратиш мумкин, холос.

Шундай қилиб, халқ хунармандчилиги ва амалий санъати умуммаданиятилизнинг ажралмас кисми сифатида шундай сабаблар эвазига инқирозга юз тутди. Кичик бир мисол: XIX асрнинг охирида биргина Тошкентнинг Шайхонтохур кисмидаги 567 та тўкувчилик дўконлари бор бўлган бўлса, 1912 йилга келиб, улардан атиги 42 та қолган. Ҳозирда Тошкентнинг Чорсу бозори атрофида бармок билан саноқли бешикчи, темирчи ва дурадгорчилик дўконлари қолган, холос. Улар ҳам бир илож қилиб, зўрма-зўраки тикланган ҳаробалардан иборат. Шу ўринда шахар ўтмишига бир назар ташласак, хунармандчилик билан боғлиқ кўчалар, даҳа ва маҳаллар мавжуд бўлиб, уларда хунармандчилик ёки амалий санъатнинг у ёки бу соҳалари ишлаб туради ва бу кўча, мавзе, даҳа, маҳаллалар эгарчи, тақачи, бўзчи, дукчи, заргарлик, дегрезлик каби номлар билан аталар эди. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда бундан деярли асар ҳам қолмаган, чунки эскиллик колдиги сифатида замонавий эмас деб топилиб, уларга замонавий номлар берилганди. Бу мисол республикамиз худудидаги барча кўхна ва азим шаҳарларнинг барчасига таалуқлидир, чунки, уларда ана шундай аҳвол. Ахир булар халқимиз, шаҳарларимиз мероси, колаверса, бу жойларда яшовчи косиб ва хунармандлар авлодини, тарихини белгиловчи мезон эди-ку. Маълум бир иш юзасидан келган меҳмон, бирор-бир устанинг номини айтиб,

сўраб келса, у инсонни устанинг турар жойига йўналтириш осон эди. Чунки бундай кўча, мавзе ва маҳаллалар номи машхур ва уни деярли ёшу, кари билар эди.

*Чуст шахри* қадимдан ўзининг уста ҳунармандлари ва дўппидўзлари билан донг таратган. Республикамиз худудида, шунингдек, кўпгина чет эл давлатларида Чуст пичофи, Чуст дўпниси маълум ва машхурдир. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича чустликлар қадимги даврдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келишади. Буни Бибиона, Варзик, Фовада олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган далилий ашёлар оркали тарихчи олимлар В.Спришевский, М.Варонец, Й.Қосимов, С.Баратов, А.Аскаровлар исботлаб беришгани маълум<sup>18</sup>.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича Чустда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида бешта пахта заводи, битта ёг заводи, учта чўян куйиш заводи мавжуд бўлган. Чустлик ҳунарманд пичоқчилар тайёрлаган буюмлар ғоят харидоргир бўлган. Чуст дўпниси ҳам ўзининг нафислиги қайтарилмас нусхалари билан Марғилон, Кўкон, Андикон дўппиларидан кескин фарқ қилади. Албатта, таъкидлаш лозимки, пахта заводлари, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари бой-бадавлат одамларнинг ҳусусий корхонаси эканлиги сабабли, кичик, кам қувватли бўлган. Дўппидўзлик билан эса, аёллар якка тартибда шуғулланишган. 1917 йилда бутун Россия давлати худудларида ҳалқ ҳокимиятини ўз қўлига олди. Шу даврдан бошлаб, ҳусусий корхона, фабрика, заводлар умумхалқ мулкига айлантирилган. Янги корхоналар курила бошланди. Кўплаб шаҳарлarda бўлгани каби Чустда ҳам корхоналар ташкил топа бошлади. Якка тартибда меҳнат қилувчи ҳунармандлар ҳам иттифоқларга бирлаша бошлади.

Дастлабки шундай артел “Озодлик” номи билан 1927 йилда ташкил килинди. Бу корхона Фарғона шаҳар ҳунармандчилик саноати кенгаши ихтиёрида бўлган<sup>19</sup>. Корхонада 250 киши ишлар ва асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулот тикувчилик материалларидан иборат эди.

1938 йилнинг 22 февралида ана шу дастлабки корхона асосида ташкил этилган “1 май” артели ишга тушди. “1 май артели”га бу даврда Муҳаммаджон Аминов раҳбарлик қиласан. Артельнинг ишлабчиқариши ривожланишида у кишининг ҳиссаси каттадир. 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши даврида М.Аминов артельда кизил аскарлар учун иссиқ кийим, пуфайкалар тикишни йўлга кўйган. Ишлаётган аёллар ҳар куни иссиқ овқат билан таъминланиши, иш унумини оширган. Бу даврда “хамма нарса фронт учун”, “Хамма нарса ғалаба учун”

<sup>18</sup> Республика давлат архиви, 19-ф, 1-рўйхат. 1893-дело, 910 бет.

<sup>19</sup> Республика давлат архиви, 19-ф, 1-рўйхат. 1458-дело.

деган чакириқларга биноан барча корхоналар ўзларининг ишлаб чиқаришларини ўзгартирган эдилар<sup>20</sup>. Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тугагач артел ўзининг асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулоти – атлас, шайи, бесасам ва бўз ишлаб чиқаришни давом эттирган. Бу жараён 1960 йилга кадар давом этган. 1960 йил 1 июндан “1-май артели” Чуст Бадиий буюмлар фабрикаси деб номланган. Бу даврда эски тикув дастгоҳлари ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури ўзгарган. Асосий ишлаб чиқариладиган дўппи ёнига попопчилик маҳсулотлари – сўзана, чойшаб, белбог ва бошқалар кўшилган.

1988 йилдан бошлаб, бадиий буюмлар фабрикаси республика маҳаллий саноат вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Турли йилларда цех бошлиқлари, катта усталар бўлиб, меҳнат қилган Ҳ. Ҳусанбоеева, А.Аҳмаджонов, Ҳ.Абдуллаева, А.Насруллаев, Ш.Абдуллаева, М.Жўраева кабилар фабрика маҳсулотларининг тобора яхшиланишига ўзларининг муносаб хиссаларин кўшидилар.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш эса, Косонсойда янги ташкил этилган артелга ўтказилди. Фабрикани ривожлантириш учун икки қаватли бино қурилиши амалга оширилди. Бу янги бинога сўрилар ўрнатилиб, аёлларнинг дўппи нусхалари Ўзбекистон Республикасининг давлат нарх қўмитасига олиб борилиб, уларнинг мураккаблигига мос равишда нархлар белгиланди. Дастлабки даврда дўппилар беш мураккабликда тикилган ва нархлари (ўша давр нархларида) 2 сўм 40 тийиндан 10 сўм 80 тийингача бўлган. 1966 йилга келиб бадиий буюмлар фабрикасида 1 млн. 620 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шу йилда фабрикага Маҳбуба Сайдова директор этиб тайинлаган. 80 йилларнинг бошларида собиқ КПСС Марказий Қўмитасининг халқ хунарамандчилик соҳаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорига биноан Чуст бадиий буюмлар фабрикаси ҳам кенгайтирила бошлаган. Янги замонавий цех бинолари қурилиб, юздан ортиқ попопчилик дастгоҳлари ўрнатилган. 1980 йилга келиб, фабриканинг ишлаб чиқариш куввати 1966 йилга нисбатан икки баробарга кўтарилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий миқдори 3,3 млн. сўмга етказилган. Фабрика ишли – хизматчилари болаларини тарбиялаш учун боғча қуриб ишга туширилган.

Фабрикада ишловчи аёллар томонидан тикилган Чуст дўппилари бир неча бор жаҳон халқлари амалий санъати кўргазмаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Жумладан, Польша Республикасининг Познань, Япония давлатининг Токио шаҳарларида ўтка-

<sup>20</sup> Республика давлат архиви, 19-ф, 1-рўйхат. 1458-дело.

зилган күргазмаларда фахрли ўринларни эгаллаган. Чуст шаҳри кўхна ҳунармандчилик маркази сифатида довриги бутун дунёга ёйилишига мана шулар ҳам сабаб бўлган.

Республикамиз мустакилликка эришгач давлат мулкини хусусий-лаштириш кўмитасининг 1993 йилги буйруғига асосан, Чуст бадиий буюмлар фабрикаси “Чевар” хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мазкур жамиятда 1390 нафар ишчи хизматчи меҳнат қилишади. Улар 1993 йилда 2,5 млн. сўмлик ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришди.

Чуст шаҳридаги йирик корхоналардан бири пахта тозалаш заводи бўлиб, туманда етиштириладиган пахтанинг ҳаммаси шу заводда дастлабки қайта ишловдан ўtkазилади. Пахта заводи 1936 йилда куриб ишга туширилган. Чустда пахта заводи гарчанд ишга туширилган бўлса ҳам электрлаштирилмаган эди, – деб ҳикоя қиласи меҳнат фахрийси А.Бобоҷонов. Завод ҳудудида Германияда тайёрланган “МАНН” маркали иккита катта дизеллар бўлиб, барча механизмлар шу дизеллар кучи билан юритилган. Фарғонадан келтирилган “Красний прогресс” дизели эса, жуда кам микдорда электр токи берар ва завод эҳтиёжини қондирмас эди. Аҳоли уйларида эса электр токи умуман бўлмаган. Бир неча ой давомида заводни электр энергияси билан таъминлаш учун Чуст – Поп – Тошкент орасида шу режа доирасида катта ишлар амалга оширилган. Шу тариқа Чустда барча ҳунармандчилик марказлари хусусан, дўппи тикиш цехлари электр энергияси билан таъминланга бошлаган.

Чуст шаҳри ва туманида ҳунармандчилик қадимдан мавжуд ва ана шу ҳунармандчилик турларининг ривожланиши бевосита савдо-сотик билан боғлиқ. Шу сабабли ва аҳолини турли маҳсулотлар, буюмлар билан таъминлашни йўлга қўйиш максадида Чуст туманида 1932 йилдан марказлашган савдо тармоғи – “Узторг” ташкил этилган. 1936 йилда янги савдо дўконлари ишга тушган. 1947 йилда Чуст туманида матлубот жамияти ташкил этилган, унинг таркибига Чуст, Шўркент, Тошкўрғон, Каркидон, Варзик, Олмос ва Ҳисорак кишлек матлубот жамиятлари киритилган. 1950 йилда эса, бу матлубот жамиятлари бирлашиб иккита марказлашган жамиятга айлантирилган. 1953 йилдан 1957 йилга қадар РайПО (Туман матлубот жамияти) нинг умумий товариботи (ўша давр нархларида) 30 млн. 286 минг сўмни ташкил этган. 1962 йилнинг ўзидағина аҳолига (1961 йилги пул алмашганидан кейинги нархларида) 9 млн. 207 минг сўмлик саноат, кишлек хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган.

Чустда аҳолига майший хизмат кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-иктисодий аҳволини яхшилаш учун хизмат кўрсагувчи майший хиз-

мат күрсатиши тармоқлари корхонаси 1936 йилда ташкил топган. Дастанабек хизмат корхонаси “Кизил күч” деб аталған.

1940–1950 йиллар мобайнида “Кизил пойафзалчилар”, “Кизил юк ташувчилар”, “XVI йиллик” деган артеллар фоалият күрсатған. 1960 йилға келиб ушбу артеллар бирлаштирилиб “Райпромбит” комбинация түзілған. Корхонани бирлаштирилиб, уни йирик майшій хизмат күрсатиши корхонасига айлантирилған. Кейинги вактларда корхона тармоқлари ривожланиб, ТЭА, Автотранс ва бошқалар алохида корхоналарға ажралиб чиқған. 80-йиллар бошларыда тұмандаги барча жамоа хұжаликларида майшій хизмат үйләре ташкил этилған ва улар учун бинолар курилған. Майшій хизмат күрсатиши корхонаси таркибида ишлайдиган усталар 1970 йилда курилған ишінде түширилған миллій пичоклар заводида меңнат қила бошлаган. Заводда пичокчи усталар авлодлари ўз маҳсулотларини харидорға бүлиши учун жон қуидириб меңнат қилишганды. Заводда ишлаб чыкарылған маҳсулоттар Ҳиндистоннинг Нью-Дели, Туркияның Измир, Польшаниң Познань, Сурғияның Дамашқ шаһарларыда үтказылған халқаро күргазмаларда намойиш этилған ва дипломлар билан мүносіб равишида тақдирланған. Агар 1971 йилда заводда 114 киши меңнат қилиб, (ўша давр нархларыда) 352 минг сүмлик маҳсулот ишлаб чыкарылған бўлса, 1993 йилда 400 киши 30 турдаги маҳсулот ишлаб чыкариб, умумий маҳсулот қиймати 191 млн. 912 минг сүмга етказилған.

Хозирги кунда Чустнинг ўз тамғаси билан 20 дан ортик пичок турлари мавжуд. Чуст пичоги ўзининг бежирим, бетакрор, ранг-баранг ва кескирлиги билан бошқа миллій пичоклардан ажралиб туради. Шу боис Фарғона водийсида бўлған ҳар бир чет эллик меҳмон Чуст шаҳрида бўлар экан, Чустнинг бу бебаҳо миллій пичогидан, албатта, совға сифатида олиб кайтади. Бирок, муаммо, бундай серқирра касб эталари, хусусан, машаққатли фақатгина Чуст шаҳрига хос бўлған ихтинослашганды ресурси, хунармандлар етарли бўлиншига қарамай ана шу миллій ғуруримиз, шарқ машъали Чустнинг бу ноёб дурдоналарини яратиш учун, кўплаб ишлаб чыкарип имконияти мавжуд эмас. Ҳар ой 30 – 50 минг дона миллій – совға (сувинир) пичоклари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Мустақиллик йилларида Чуст шаҳрида ҳам иқтисодий испоҳотлар ўз таъсирини күрсатмоқда. Юртимизда саноат, халқ хұжалиги тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хұжалигига фермерлик, халқ хұжалиги соҳаларида хусусийлаштириш, тадбиркорлик мухим роль ўйнай бошлади. 1991 йил-

дан бери ўтган киска вакт мобайнида бадиий буюмлар фабрикаси, пахта заводи, кандолатчилик фабрикаси, тикувчилик фабрикаси, пичоқ завозди каби корхоналар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди (Бирок, Чустдаги меҳнат ресурсларига нисбатан бу корхоналар ахолининг меҳнат билан бандлик эктиёжини кондира олмайди).

Хунармандчилик ривожланган жойда албатта, унинг тарихий бозорлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Чуст бозори ҳам худди шундай шарқона хусусиятларини сақлаб колган бозорлардан бири-дир. Бозорда беҳисоб ҳунарманд косиблар, тикувчиilar, дехконлар, давлат ва ширкатлар буюмини сотувчиilar минглаб хилма-хил буюмларни олди-сотди қиладилар. Бундай бозорларда топилмайдиган буюмнинг ўзи йўқ. Айниқса, бу бозорга Чуст дўпписи-ю, Чуст пичоғини харид қилиш учун турли жойлардан, ҳаттоқи хориждан харидорлар келадилар. Пичоқ ҳакида сўз юритар эканмиз, беихтиёр “Пичоқ бу ярим ризк” деган ҳалқимизнинг ҳикматли сўзи ёдга келади. Бунинг тагида маъно кўп. Тарихга бир назар ташласак, авваллари ҳалқимизнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлганлиги, асосан чорвачилик билан шуғулланганлигини кўришимиз мумкин. Чорвадор ҳалқ учун эса, пичоқнинг бўлиши бебаҳодир. Чунки, у ёки бу сабабга кўра сўйилиши керак бўлган ҳайвонни ҳалоллаш учун пичоқ чорвадорнинг ажралмас иш куролидир. Шу сабабли ҳам эркаклар доимо ўз ёnlарида пичоқ олиб юрганлар. Пичоқка талаб жуда катта бўлган ва уни олиб юриш расм бўлган. Бу қоидага қатъий амал қилинган. Шу ўринда ўзбекларнинг пичоқ осиб юришларини нотўғри талқин қилувчиilarга, яъни ўзбеклар пичоқни ёвуз қурол сифатида тақиб юришади деб аташ нотўғри. Тўғри ёвуз қурол сифатида ишлатиладиган пичоқ – ханжарлар тури ҳам бўлган, лекин уларда гулбанд йўқ ва у шариатда ҳаромдир. Бундай пичоқ – ханжарлар жангларда, тўқнашувларда ишлатилган ва улар, асосан, бошқа ҳалклардаги каби лашкар ёки навкарларда бўлган.

Пичоқ бу миллий ғурур ҳисобланиб, у ошхона ва дастурхоннинг безагидир. Рўзгоримизнинг энг зарур воситасидир. Пичоқ тайёрлаш жараёни кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, у тайёр пичоқ, бўлгунга қадар 76 марта кўлдан кўлга ўтади. Шундай меҳнат эвазига ясалган дандон сопли, мис ёки кумуш гулбандли пичоқлар, пичоқнинг кўринишига алоҳида кўрк баҳш этади.

Чуст дўпписи ўзининг нусхаси билан бошқа дўппилардан ажралиб туради. У гўзаллиги ва сифати билан машхурдир. Чуст дўпписи, тўни, чорсиси ва қашталари-чи? Булар тўғрисида қанча ёзсангиз шунчагиз оз. Чуст бозоридан чиқиб шахар айлансангиз, унинг ўзига хос яна бир хусусиятларидан баҳраманд бўласиз. У ҳам бўл-

са, шаҳар хунармандчилигининг хилма-хиллигидир. Чуст азалдан хунармандчилик соҳасида машхур бўлган ва у ерда заргар, мисгар, темирчи, тунукасоз, чилангар, косиб, дурадгор, наққош, каштадўз, тикувчи, тўкувчи, личоқчи каби хунармандлар, усталарлар сонсаноксиз бўлган. Ҳозир ҳам шаҳар хонадонларига ташриф буюар экансиз, ҳар икки хонадоннинг бирида дўппи, тўн, чорси, ҳар хил кашталар тикаётган оиласларни, эшик ва пичоқ ясаётган, ёғочга нақш берәётган усталарни кўрасиз ва улар яратиётган буюмлардан дилингиз қувонади. Бундай хунармандлар аксарият якка ёки оиласий меҳнат қиласидилар, қолган қисми эса, шаҳарда меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатадилар. Бу жамоаларда миллий пичоқнинг бир неча нусхаси, каштачиликнинг сўзана, шоҳи сўзана, палант, алпак нусхалари, қандолатчиликнинг новвот, пашмак, роҳат – лукум, ҳолва каби турларини кўплаб тайёрлаб истеъмолга чиқарадилар. Улар тайёрлаган маҳсулотларнинг батзи бирлари ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам харидор топмоқда.

*Савдо-сотик*. Осиёда тарихий даврларда ҳам ички ва ташки савдо ривожланишига кўра умумий хусусиятларга эга бўлган. Шунингдек, ташки савдода буюк ипак йўли муҳим аҳамият касб этган. Савдо маҳсулотининг асосий қисмини хунармандчилик буюмлари ташкил этган. Шаҳар савдосида бозорлар алоҳида ўрин тутган. Ўрта Осиё ва Эронда бозорлар расталарга бўлинган. Ҳар бир раста қайсиdir маҳсулотни сотишга ихтисослаштирилган. Бунда Осиё давлатларининг шаҳарлари феодалларга қарашли ерларда бунёд этилган. Буни уларнинг ўз мустакиллиги учун олиб борган курашидан ҳам билиб олиш мумкин. Осиёда шаҳарлар Европадаги каби алоҳида мустакил шаҳар ва давлатларга айланмаган. Ҳар бир шаҳарда ўзига хос ихтинослаштирилган хунармандчилик ривожланган. Бунда қабилалар, оиласий хунармандлар шаклланган.

XI–XV асрларда Хитойнинг Чань ан, Лоу ан, Ханъчжоу; Яқин Шарқнинг Қоҳира, Дамашқ ва Бағдод; Ўрта Осиёнинг Самарқанд ва Бухоро; Япониянинг Камакура, Киото ва Осака; Хиндистоннинг Дехли каби шаҳарлари Осиёнинг энг йирик хунармандчилик шаҳарларидан бўлган.

XV аср охири ва XI аср аср бошлирида Самарқанд шаҳри ҳам ҳар томонлами юксалган. У Темур давлатининг пойтахти сифатида жаҳонга машхур бўлган.

Самарқанд ўзининг гўзаллиги туфайли “Сайқали рўйи замин”, яъни “Дунёнинг хусни” деб таърифланган. Бухоро эса, машхур хунармандчилик маркази сифатида улуғланган (Зардўзлик, нақшинкорлик). Шунингдек, мусулмон мамлакатларида шаҳарлар ўзига хос усусла бунёд этилган. Бухоро шахрининг марказида арк – қалъя,

яъни хукмдорнинг қароргоҳи, унинг ёнида шаҳристон – шаҳарнинг асосий кисми жойлашган. Шаҳар теварагида хунармандларнинг маҳаллалари бўлиб, улар работ деб аталган. Шаҳарлар тош ва ғиштдан курилган. Бунинг сабаби, ёғочнинг етишмаслиги бўлган.

Халқ амалий санъати қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз заргарлик, зардўзлик, наққоплиқ, ўймакорлик, гилам тўқиши ва тўқимачилик хунарларида катта маҳорат кўрсатган.

Дарҳақиқат, Самарқанд заргарлари ва мисгарлари нафис буюмлари, шойи ва атласи, шунингдек, сифатли қофози билан ҳам Шарқдаги барча мамлакатларда машхур бўлган.

Самарқанднинг қўли гул заргарлари тайёрлаган бу зебу-зийнат буюмлари, такинчоқлар кўпчиликка маълум ва манзур бўлган. Ўша давр Самарқанд кулоллари чин маъноси билан етук санъаткор усталар бўлиб, улар ясаган сопол-идишилар ниҳоятда нозик ва енгиллиги, гулларининг чиройли қилиб ишланганлиги билан диккатга сазовордир. Идишилар турли-туман нақшли безаклар, барг ва новдачалар, баъзан эса ҳайвон, куш ва балиқ суратларини копланган бўлиб, афсонавий бир шаклга эга. Самарқанд кулолларининг ясаган буюмлари ўзининг жимжимадорлиги, рангининг тозалиги ва бўёкларининг тиниқлиги, шаклининг бежирим ва пишиқлиги билан бутун оламга маълум ва машҳур бўлган. Амир Темур даврида тўқилган сержилю патли гиламлар, палослар ўзининг пишиқлиги, ранг-баранглиги, тузи ва зийнати билан Эрон ва Кичик Осиё гиламларидан анча устун турган ва атроф жойларга чиқариб сотилган.

Самарқанднинг бойлиги озиқ-овқатларнинг мўл ва арzonлигидан-тина эмас, балки бу ерда тўқиладиган атлас, кимхоб, сендал ва терсапоя сингари шохи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик, зарҳал, кўк ложувард бўёклар ва бошқа нарсалар ҳам мўл-кўллигидан ҳамдир.

Тоштарошлик хунари усталари ҳақида Истам Бобоназаров фикрича: “Мармар асрлар оша Ўрта Осиёда факат қурилиш материали сифатига эмас, балки санъат асарлари, уй-рўзгор буюмларини ясашда ҳам хомашё ҳисобланган. Бироқ мармарга гўзаллик ато этган кишилар ҳақида маълумотлар жуда кам. Ўрта Осиёда факат гозғон қишлоғида “инқилоб”та қадар ва ундан кейин ҳам тоштарошлар бўлган. “Инқилоб”га қадар Ҳайит Йўлдошев, Носир Солиев, Устапўлат, Уста Тошпўлат, Сафар Товоқча, Уста Тўлабой ва бошқалар мармардан турли буюмлар ясаштан. Инқилобдан кейинги давр усталиридан Абдураҳим Турдиев, Мулла Бако Камолов, Бобоназар Жабборов, Абдулла Ҳайитов, Тўхта Комилов, Мухтор Бобоназаров, Туркман Эсонов, Тоир Аҳмедов, Мухиддин Рўзиевлардир”<sup>21</sup>.

<sup>21</sup> Санакулов Х. “Чуст”. Т.:1991 36 – 37 бет.

XIV аср охири – XV аср бошларида безакли бадиий буюмлар хунармадчилиги юқори даражага етган. Унинг ривожланиши меъморчилик, рассомлик, нақошлиқ, майний буюмлар ишлаш билан ўзаро боғланиш йўлидан борганд. Хар хил санъаткорларнинг бундай бир-бира га боғланиши ёғоч ва тошга ўйиб накш солишида ҳам, металл ва со-пол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам яққол намоён бўлади.

Темур ўз хукмронлиги даврида Самарканда улкан бинолар, боғлар барпо этиш, ариқ-каналлар қаздириш билан бирга шаҳар ҳунармандлари ишлаб чиқадиган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам ташкил этган, бу ҳунармандчиликнинг шуҳратини янада кўтарған. Бундай кўргазмалар кенг Конигил майдонида тантанали суръатда очилган. Тарихий манбаларга кўра Амир Темур Конигилда 400 тагача савдо повильони курдирған. Повильонлар моҳир ҳунармандлар, рассомлар томонидан юксак дид билан безатилар, тантанали сайил кундарида повильон атрофида кўплаб, айрим вақтларда 20 мингтагача гўзал чодирлар курилиб, шаҳардаги ҳунармандлар мана шу ерга келтирилиб жойлаштирилган.

Осиёда уйғонин даври IX асрдан бошланган бўлсада, ўрта асрларда Европадаги уйғониш даврида Ўрта осиёда ҳунармандчилик, маданият юксак тарақкий этган. Амир Темур салтанатининг Бухоро, Самарқанд, Андижон, Қарши, Термиз, Тошкент, Шахрисабз каби шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо марказига айлантирилган. Шаҳарларда ҳунармандмандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган янги гузарлар, бозор расталари, тимлар ва тоқлар вужудга келган. Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида мистарлик, заргарлик, кулоғчилик, тоштарошлиқ, кўнчилик, маҳсидўзлик, тандирсозлик, эгарчилик, пичокчилик, ўқчи каби ҳунармандчилик маҳаллалари вужудга келган.

Шундай қилиб, Амир Темур хар йили Конигил майдонида ҳунармандлар тайёрлаган турли-туман, нағислиги ва пишиқлиги билан бир-биридан ажralиб турадиган буюмлар, санъат асалари кўргазмасини ташкил этиб, шу соҳани синчиклаб ўрганган, хар йилининг ўзига хос ҳунармандчилик буюмлари сифати ва сонига караб, ҳунармандчилик соҳасининг қай даражада ривожланаётганлигини кузатган ҳамда қайси соҳа оқсаётганлигини, яъни сифати паст маҳсулот тайёрланлигини ва қайси соҳани ривожлантиришга эътибор берилишини режалаштирилган. Темур назарида бу кўргазмалар Самарқанд ҳунар аҳлининг ўша давр ҳунармандчилиги ва санъатида эришган ютукларининг ўзига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам англатган.

Амир Темур хукмронлиги даврида Мовароунахрининг Бухоро,

Самарқанд, Андижон, Ташкент, Қарши шаҳарлари йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борган.

Маълумки, “Буюк ипак йўли” ўтган худудлар ўрта асрлардан кейинги даврларда суронли урушлар даврини бошидан кечиришига қарамай хунармандчилик, санъат, маданият ривожланишда давом этган ва тарақкий топган. Мустақиллик йилларида миллий хунармандчилик, санъат, миллий маданият қайта туғилди ва замон руҳида тараққий этди.

## **2-БОБ.**

### **ФАРГОНА ВОДИЙСИДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ҲАМДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**

#### **2.1. Миллий ҳунармандчилик – туризмни ривожлантиришнинг муҳим омили**

Фарғона водийси қадимдан миллий ҳунармандчилик марказидир.

Бунда водийнинг қадимдан илм-фан, маданият ва маърифат маркази бўлиб келганлиги ҳал қилювчи аҳамият қасб этади. Водийдаги Риштон, Марғилон, Шоҳимардон, Андижон, Асака, Чуст, Поп, Кўкон ва бошқа шу каби шаҳарларда миллий ҳунармандчиликнинг жуда кўп йўналишлари шаклланиб, ривожланиб, аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келган. Мазкур шаҳарлар ичida Чуст шаҳри алоҳида ўрин эгаллади.

Чуст шаҳрида ҳунармандчилик кундан-кунга ўсиб бормокда. Чуст шаҳри қадимдан саноат ва ҳунармандчилик шаҳридир. Чунончи, Чуст дўпписи, Чуст пичоқлари кўп жойларда қадимдан тилга олиб келинган.

Чуст пичоқлари Хиндистон, Туркия, Польша, Суриянинг бир қатор шаҳарларида ўтказилган кўргазмалarda юқори баҳоланган.

Бунинг муҳим томони шундаки, машхур Чуст пичоги ва Чуст дўпписи, Чустлик аллома Мавлоно Лутфуллонинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонга келадиган сайёҳ (турист) кўпинча ўзбек миллий ҳунармандчилигининг шакл-шамоили, айрим ишлаб чиқарилаётган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг тайёрланиш жараёни билан, албатта, қизикади.

Маълумки, хозирги кунда Чуст шаҳрида бир неча ҳунармандчилик кичик корхоналари ишлаб турибди. Шу жумладан, “Чуст пичоги” ҳиссадорлик жамияти. Бу корхона 1970 йилда ташкил қилинган бўлиб, турли хилдаги уй-рўзғор пичоқлари ва совға ёдгорлик пичоқлари чиқара бошлаган.

Чуст пичоқсозлигининг ўтмишдаги ҳунармандлари инқилобга қадар пичоқ тайёрлаш учун жуда сермашаққат ишларип бажарган. Шунинг учун личоқчилик қийин ва сермашаққат ҳунар ҳисобланган.

Хунармандлар кунига 10-14 соатлаб коронғу ва зах жойларда ишлап-гандар.

1966 йилда республикада маҳаллий саноат вазирлиги бу саноатни қайтадан ташкил этгандан сүнг, Чуст шаҳрида Чуст тумани маҳаллий саноат комбинати ташкил этилган. Бу хол ўзининг иктиносидий са-марасини кўрсатди. Комбинатда пичоқ ишлаб чикариш ривожланган ва битта устага йилига 60-80 минг донадан миллий пичоқлар ишлаб чикаришга тўғри келган. Шу тарика Чуст шаҳрида миллий пичоқсозлик ривожланди ва сайқал топган.

Хозирги вактда маҳаллий ишларни айникса, мактаб ёшидан бошлаб ўкувчиларни мазкур қасбларга йўналтириш билан келгусида уларни меҳнат билан таъминлаш борасидаги имкониятлар (резервлар) хақида фикр юритдик.

Пичоқ тифини тайёрлашда асосан куйидаги жараёнлар амалга оширилади:

Миллий пичоқсозликда ишлаб чикариладиган тиғлар 3 (уч) кўри-нишда бўлади, яъни улар:

1. Сукма дастали пичоқларнинг тиғлари.
2. Ёрма дастали пичоқларнинг тиғлари.
3. Хўжалик пичоқларининг тиғлари.

Ҳамма пичоқларнинг тиғлари углеродли пўлатдан ишлаб чикарилади. Пўлатлар ҳар-хил ўлчам ва шаклларида варак (лист) ҳолатда маҳсус станоклар ёрдамида кесилади.

Сукма дастали пичоқ тифини тайёрлашда куйидаги жараёнлар ба-жарилади:

а) пўлат варак (лист)ларини кирқиш ва пичоқ тиғларини маҳсус қолилларга тушириб кесиши жараёнини маҳсус станокда бир киши бажаради. Пўлат варакларини кирқадиган қайчида бўлакларга бўлиб киркиб олинади, сўнгра 100 тонналик прессда ҳар бир пичоқ турига караб колилларда киркиб олинади.

б) тиғларнинг қавзасини созлаш – бу омил икки киши иштиро-кида бажарилади, яъни темирчи ва унинг ёрдамчиси билан (Миллий хунармандчиликнинг бу жараёнлари чет элдан келган сайдёхларга маҳ-сус эксперсовод ёки гурух сардори томонидан экспурсия давомида тушунтирилади). Бу жараёнларда тиғнинг қавза қисми ўтда (чўтда) киздирилади, сандон-босқон воситасида болғалаб чўздирилади ҳамда тиғнинг қавзасини тўғрилаб олинади.

в) дастлабки чархлаш воситаси:

Бу восита чархлаш станогида олиб борилади, бунда тиғлар 5-класс силликликни беради.

г) майин чархлаш воситаси: Бу жараён майин қумли чархтошда (чархлаш станогида) олиб борилади, бу жараёндан сўнг пичоқ тиғлари 7-класс силликликини беради.

д) тиғларни тоблаш воситаси: бу жараён камерали электр печларда олиб борилади. Тоблаш жараёнларида пичоқ тиғлари 800° иссиқлиқда тобланиб ёғда ва сувда совитилади.

е) тиғларни пардозлаш: Бу омил пардозлаш станогида бажарилади. Майин қумли чархтошлар ёрдамида пардозланади ва тиғларга 8-класс силликлиги берилади. Сўнг Роивел шкаласи бўйича 48-50 нисага етказилади, кўрсатилган қаттиқлик даражасига олиб борилади<sup>1</sup>.

ж) тайёр холатдаги тиғлар ёғлаб, сараланади ва йигишга киришилади: бошка турдаги пичоқларнинг тиғлари ҳам ана шундай усувлар билан тайёрланади.

Ёрма (ёдгорлик) дасталик пичоқларни қуидаги усувларда йигиб тайёрланади.

а) тиғнинг қавзасини оқартириш (чархлаш станогида), қавзага мисс боғлаб кавшарлаш йўли билан мисни қавзага ёпиштириш.

б) пичоқ тифини дастага олиш.

в) хомчўксалаб гулванд қуийшга тайёрлаш.

г) гулванд куийш (қалайни эритиб).

д) гулвандларга этов ёрдамида ишлов бериш ва гул солиш (аррacha, кўк ўйиш, гул ўйиш маҳсус пардозлик асбоблари билан).

е) дасталарга пармалаш станоги ёрдамида кўз солиш.

ж) гулвандларга лок босиш, дастага кўз ўрнатиш ва охирги пардозлаш (эговлаш билан жилвир коғоз), ишлари амалга оширилади. Агар пичоқ билан дастаси ҳайвон шохидан бўлса, у ҳолда пармалаш станоги ёрдамида даста кўзларининг атрофи айлана бўйлаб, чилмиҳа пармадан фойдаланиб, чилмиҳаланиб симобнинг қалай билан аралашмаси суртилади. Шу усувлар билан ёрма дастали пичоқ тайёрланади.

Шундай қилиб, пичоқ – бу бир томони ўткирланган пластинкасизмон кесувчи асбобдир. Пичоқлар қадимда тош, мисс, бронздан ишланган. Умуман пичоқлар илк полеолит давридан маълум. Темир давридан бошлаб темир пичоқлар кенг тарқалган. Пичоқлар, асосан, тиғ ва дастадан иборат бўлади.

Пичоқлар кўришинишига кўра тутри пичоқ, кайки пичоқ, бодомча пичоқларга бўлинади. Катта-кичиклигига кўра ўрта суюмлик, тезлик, болапичноқ, чалабузор; безатилишига кўра содда, гулдор пичоқ, чилмиҳагулли пичоқ, руфта пичоқ, суяксопли, шоҳдастали, дандонсопли, ўн уч садафли; ясалиш усулига кўра (тус) Чуст пичоқ, Қорасув пичоқ, Шахриҳон пичоқ, Бухороча пичоқ, Пойтуғ пичоқ, Кўкон пичоқ деб юритилади.

Пичокчилик, пичоксозлик – пичоқ ясап касби бўлиб, хунармандчиликнинг қадими турларидан бири ҳисобланади. Бронза даврига келиб, мис ва бронзадан пичоқ ясаш авж олган. Темирнинг кашф этилиши эса пичокчилик тараккиётида жуда катта ўзгариш ясади. Гомернинг “Илиада”, Гесеоднинг “Мехнат ва кунлар” асрларида темир пичоқ ва унинг хўжаликдаги аҳамияти хақида маълумотлар бор.

Пичокчилик Ўрта Осиёда, араб мамлакатларида жуда қадимдан ривожланган, сўнг Испания ва Италияга ўтган. XVI асрга келиб, пичокчилик Англия, Германия, Австрия, Францияда касб сифатида шаклланган. Шу даврда пичоқнинг ошхонада ишлатиладиган, XVII асрнинг бошларида эса очиб-ёпиладиган (чўнгакда сакланадиган – пакки, устара ва бошқа шу каби) пичоқ хиллари ҳам юзага келган.

Ўзбекистон худудидан милоддан аввалги 2000 йилликка оид пичоқлар топилган.

Афросиёб, Болаликте, Варахша каби ёдгорликлар деворлариға чизилган расмлардан пичоқнинг уй-рўзғордан ташкари ҳарбий курол сифатида фойдаланганигини ҳам англаш мумкин.

XVI-XXII асрларга оид пичоқ намуналари металл таркибининг, пичоқ ясаш техникасининг ва безакларининг ўзгариб, тараккий эта борганигини тасдиқлайди.

Навоий, Бобур асрларига ишланган миниатюраларда (XV-XVII асрлар) ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хил намуналари кўрсатилган.

Фарғона водийси, Бухоро, Самарканд, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарёда пичокчиликнинг қадими марказлари бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда 20 га яқин пичоқчилик марказлари бор. Уларга: Чуст билан бир қаторда Паркент, Шахрихон, Корасув, Кўқон, Чимён, Бойсун, Бухоро ва бошқалар киради.

Чуст, Шахрихон, Корасув (Фарғона водийси)да ишланган пичоқлар миллий шаклининг нағислиги, ихчам ва ўткирлиги билан кимматлидир. Бу пичоқлар республикамизда ва унинг ташкарисида муҳим совға сифатида ҳам кадрланади.

Дастлаб, пичоқ косиблик дўконларида ишлаб чиқарилган. Ҳозир Ўзбекистонда пичоқлар асосан маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Ишлатилишига кўра рўзғор пичоқлари, боғдорчилик, косиблик ва бошқа совға сифатида ишлатиладиган хиллари бор. Машина ва механизмларнинг кесувчи кисмлари, айниқса, ёғоч тилип, киркиш, фанер йўниш ва бошқа машиналарда пичоқ кенг қўлланилади. Бундай пичоқлар фрезер ва диск шаклида бўлади. Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги машиналарида (ма-

салан: карам майдалаш, картошка арчиш, силос қиркиш, сомон майдалаш машиналарида) ҳам пичоқ асосий қисм ҳиссиятларнди аниқлашда мухим ўрин эгаллади.

Чуст қадимдан ўз дўпписи билан ҳам ажralиб турган. Дўппини яхшилаб ўрганиш ўзлигимизни англашда, миллатга хос ҳусусиятларни аниқлашда мухим ўрин эгаллади.

Дўппининг тури ва хиллари кўп: Чуст дўппи, Марғилоний, Андижоний, Тошкандий, сетора, нозик дўппи, чоргул, ироқи ва ҳакозолар. Ҳамма томони текис тўртбурчак. Гумбази бор,ammo ясигина, кийганда бошга ёпишиб туради.

Дўппи оддий кўрингани билан тузилиш ва тикилиш жиҳатидан мурракаб ва сермехнат. Унинг тўрт тарафи бор. Ҳар тарафининг гулдор девори бор, товланувчи, қора жияқдан гардиш солинган: томи гумбазсимон бўлиб, тенг қаттиқликдаги тўрт қисмдан иборатки, бу қисмлар конус шаклига эга. Ўзбекистонда бир канча дўпидўзлик мактаблари мавжуд.

Бинобарин, хозир ҳам унинг ҳам иктисадий, ҳам маданий жиҳатдан республикамиздаги ўрта даражадаги бопка шаҳарлар орасида ўз ўрни бор. Бу борада Чуст шаҳрида жуда қадимдан шаклланган Чуст хунармандчилиги шахарнинг тарихий миллий анъанавий салоҳиятидир.

Ўзбекистон Республикасида Чуст шаҳрига унинг ичиқсозлиги, Чуст дўпписи, Чуст заргарлари-ю, унинг темирчилик хунармандчилиги алоҳида хослиги билан ажralиб туради, чунки бу ҳалқ хунармандчилигининг қадимий турлари, ҳусусан, Чуст дўппи тикиш усуслари азал-азалдан Чустлик нафис санъат ижодкорлари Чуст шаҳрида истиқомат қилган момоларимиз қўлларида хунар-касб сифатида шаклланган, ривожланган, сайқал топган ва “Озодлик” номи билан 1920 йилда ташкил топган Ҳозирги “Чевар” хиссадорлик жамияти даражасигача ривожланиб келмоқда.

Наманган вилоятида туризмни ривожлантиришнинг иктисадий-ижтимоий-географик жиҳатлари Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг хўжалик юритишнинг ҳамма соҳаларини, шу жумладан, сайёхлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон бутун дунёдан сайёхларни жалб қилиш имконини берувчи табиий ва тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар, рекреация ҳусусиятларига эга бўлган хушманзара жойларнинг кўшилиги билан Марказий Осиёда алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирда 4 мингдан ортиқ археологик ёдгорликлар, 300дан ортиқ шифобахш сув манбалари, дарёлари ва кўллари, табиий-иқлимий шарт-шароитлари, тоғ ва тоғ олди водийларига эгадир. Бу республикамизда сайёхликнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Фарғона водийси хунармандчилик водийси бўлибгина қолмай, балки туризм улкан бўлган марказ ҳамdir. Чуст шаҳри Ўрта Осиё минтақасидаги энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, у водийдаги Эриш, Косон, Ахсикент, Қува каби ўрта аср шаҳарлари билан савдо-сотик ва иқтисодий – маданий соҳаларда ракобат бўлган.

“Озодлик” жамияти дастлаб Фарғона шаҳридаги хунармандчилик саноати кенгаши ихтиёрида бўлган 1936 йилда мазкур “Озодлик” артели “Янги турмуш” номи билан ўзгартирилган. Артелда 250 киши ишлаб, дўппи ва тикувчилик материаллари ишлаб чиқарган. Сайёхлик ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатларда иқтисодиётнинг даромад келтирувчи муҳим тармоғига айланган. Унинг самарадорлиги жаҳон савdosida нефть ва автомобиль саноатидан кейин 3-ўринда туради. Шунга кўра Ўзбекистонда ҳам туризмни ривожлантириш долзарб ҳисобланади. Жумладан, 1992йил “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг барча вилоятларида туризмни ривожлантиришга туртки бўлди. Миллий компанияянинг Наманган минтақавий бўлимида ҳам турли даражада ижобий ишлар амалга оширилди.

**1-диаграмма  
2000-2011 йилларда сайёхлик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўrsatiш (минг киши)**



*Изоҳ: Диаграмма Ўзбекистон Республикаси статистика қўнимитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

2000-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона минтақасига ташриф буюрган туристларга хизмат кўrsatiш сони таҳдил этилганда, 2000 йилда республика бўйича ташриф буюрган туристлар сонига нисбатан 2011 йилга келиб 2,8 марта ортди. Фарғона минтақасига ташриф буюрган туристларга хизмат кўrsatiш сони эса 2,2 марта ортган. Юқоридаги кўrsatichlar республиканинг ва

Фарғона минтақасининг хизмат кўрсатиш салоҳиятини тўлиқifo-  
даламайди. Чунки, кейинги йилларда туристик юқ сигими бирмунча  
ортганлиги вилоятларда янги меҳмонхоналар, транспорт тармоқлари  
салоҳияти ортганлиги билан изоҳланади. Шундай экан, минтақага ту-  
ристларни жалб этишни 2015 йилга қадар икки хиссага ва кейинчалик  
ундан ҳам ортишига эришиш имкониятлари мавжуд.

## 2- диаграмма

### 2011 йилда Ўзбекистон минтақалари бўйича хизмат кўрсатилаган туристлар сони ва фоизи



*Изах:* Диаграмма Ўзбекистон Республикаси статистика қўнимитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2011 йилда Ўзбекистон минтақалари бўйича хизмат кўрсатилган туристлар сони ва фоиз кўрсаткичлари таҳлил этилганда, энг юқори кўрсаткич Тошкент минтақаси улушига тўғри келиб, 275,6 минг кишига хизмат кўрсатилган. Бу жами кўрсатилган хизматларнинг 46 фоизини ташкил қилади. Кўрсатилган хизматлар улушига кўра иккинчи ўринни Зарафшон минтақаси эталлайди ва жами кўрсатилган хизматларнинг 30 фоизи минтақа хиссасига тўғри келади. Туристларга хизмат кўрсатиша кейинги ўринни Фарғона ва Кўйи Амударё минтақалари эталлайди. Минтақанинг хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари Тошкент ва Зарафшон минтақаларига кўра паст бўлишига карамай, минтақанинг туристларни жалб қилиш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини опириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, табиий, экологик куляйликлар, серсув минтақа эканлиги унинг салоҳиятини таъминловчи асосий омилилар хисобланади.

2010 йилдаги рекреация кўрсаткичлари таҳлил этилганда республика худудида 363,3 минг кишига хизмат кўрсатилган.

Хизмат кўрсатиш ҳажми худудлар бўйича таҳлил этилганда етакчи худудлар сифатида Тошкент шаҳрида (148,0 минг кишига), Хоразм

вилояти (Хивада 104,2 минг кишига), Бухорода (46,7 минг кишига) хизмат кўрсатилди. Шу йил давомида Тошкент шаҳрига 93,3 минг, Бухорога 41,4 минг, Хивага 34,2 минг хорижлик сайёх ташриф буюрди. МДҲ давлатларидан сайёхларнинг келиши Тошкент шаҳрида юқори бўлиб, 13,3 минг кишини ташкил этди, Бухорога эса 1700 киши келди ва бошқа вилоятлар кўрсаткичлари минг кишига етмади. Ички сайдикла хам Хоразм етакчилик қиласи.

### 1-жадвал

#### Сайдикла фирмава ташкилотлари томонидан сайёхларга хизмат кўрсатилиши (минг киши)

	Хизмат кўрсатилган жами ташриф буюрчилар	Шундан;		
		Чет энглик ташриф буюрчилар	МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрчилар	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
Ўзбекистон Республикаси	363,3	197,8	16,5	134,6
Қоракалпогистон Республикаси	2,8	2,7	-	-
вилоятлар:				
Андижон	2,1	-	-	0,8
Бухоро	46,7	41,4	1,7	5,2
Жиззах	9,8	-	-	9,8
Қашқадарё	19,3	10,6	0,16	8,3
Навоий	3,4	1,4	-	-
Наманган	1,5	-	-	-
Самарқанд	17,5	14,0	0,6	3,2
Сурхондарё	0,8	-	-	-
Сирдарё	-	-	-	-
Тошкент	2,6	0,2	0,05	2,3
Фарғона	4,3	-	-	3,4
Хоразм	104,2	34,2	0,7	70,0
Тошкент ш.	148,0	93,3	13,3	31,5

Изоҳ: Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика қўниматаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2010 йилда республиканинг бошқа вилоятларидан унга 70 минг сайдикла ташриф буюрди. Хоразмнинг ички рекреацияядага етакчилигининг яна бир сабаби шундаки, унга ракобатдош бўлиш мумкин бўлган ҳудуд бу Тошкент шаҳри бўлиб, унга асосан республиканинг маъму-

рий маркази бўлганлиги боис рекреация мақсади тубдан фарқ қилади, яъни турли анжуманлар, касб ва иш такозасидаги йигилишлар сабаб бўлади. Шу сабабли рекреациянинг бу турини **конгресс ёки анжуманлар** рекреацияси деб аташ мумкин.

## **2-жадвал**

### **2008-2010 йилларда дам олиш муассасаларининг асосий кўрсаткичлари**

	2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	Дам олиш муассаса- лари сони	Жойлар сони	Дам олиш муассаса- лари сони	Жойлар сони	Дам олиш муассаса- лари сони	Жойлар сони
<b>Узбекистон Республикаси</b>	106	15567	114	16850	129	17318
<b>Коҳақалпогистон Республикаси</b>	-	-	2	160	4	605
<b>вилоятлар:</b>						
<b>Андижон</b>	-	-	-	-	1	50
<b>Бухоро</b>	-	-	-	-	1	38
<b>Жиззах</b>	2	166	4	80	6	227
<b>Қашқадарё</b>	5	1189	5	1424	9	1927
<b>Навоий</b>	2	322	2	332	1	292
<b>Наманган</b>	-	-	-	-	3	278
<b>Самарқанд</b>	2	430	7	1225	7	707
<b>Сурхондарё</b>	7	1200	8	1561	9	1828
<b>Сирдарё</b>	-	-	-	-	-	-
<b>Тошкент</b>	64	7886	61	8254	63	7969
<b>Фарғона</b>	6	1475	9	1343	3	386
<b>Хоразм</b>	7	694	9	650	12	1308
<b>Тошкент ш.</b>	8	2178	7	1821	10	1703

*Изоҳ: Жадвал Узбекистон Республикаси статистика қўимитаси маъдомларни асосида муаллиф томонидан тузилди.*

Кейинги йилларда республикада фаолиятда бўлган дам олиш муассасалари сони ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг умумий сони 2008 йилда 106 ни, 2009 йилда 144 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 129 тага етди. 2008 йилда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятлари дам олиш муассасалари ва улардаги жойлар сонига кўра етакчилик килди. 2010 йилда ҳам дам олиш муассасалари сонига кўра юкоридаги вилоятлар етакчилигини саклаб колди, бироқ, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятларига нисбатан жойлар сони анчага ортди. Шунингдек, 2010 йилда Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятларида ҳам дам олиш муассасалари

ва улардаги жойлар сонида ўзгариш юз берди, бирок, Сирдарё вилоятіда дам олиш муассасалари ва улардаги жойлар сонида ўзгаришлар юз бермади.

### 3-жадвал

#### Туризмда банд бўлган ишчилар сони (киши)

	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
<b>Узбекистон Республикаси</b>	3491	3746	3379	3513
<b>Қоракалпогистон Республикаси</b>	13	20	23	32
вилоятлар:				
<b>Андижон</b>	101	54	53	60
<b>Бухоро</b>	82	77	180	247
<b>Жиззах</b>	3	16	17	7
<b>Қашқадарё</b>	84	81	112	97
<b>Навоий</b>	23	19	18	16
<b>Наманган</b>	17	14	16	32
<b>Самарқанд</b>	800	992	761	762
<b>Сурхондарё</b>	18	3	12	13
<b>Сирдарё</b>	1	-	2	5
<b>Тошкент</b>	58	11	18	22
<b>Фарғона</b>	137	143	129	130
<b>Хоразм</b>	171	250	252	265
<b>Тошкент ш.</b>	1983	2066	1786	1822

Изоҳ: Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика қўймитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилид.

Маълумки мустақиллик йилларида республика бўйича хизмат кўрсатиш тармоғининг улуши ортиб борди. Хизмат кўрсатишда туризм энг сердаромад ва инфратузилмаларда ўзгариш талаб килинадиган соҳа хисобланади. Бу ўз навбатида ахоли бандлигига ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, кейинги йилларда турзмда банд бўлганлар сони республикада ўртача 3,5 минг кишини ташкил этади. 2008-2010 йиллар давомида ҳам бу кўрсаткичларда тебранма ўзгаришлар юз берди. Бу холат республиканинг Бухоро ва Хоразм вилоятларидан бошقا барчасига хос. Жумладан, Бухорода туризмда банд бўлганлар сони 3 марта га ва Хоразмда 1,5 марта га ортди.

Аммо, республикада хизмат кўрсатиш тармоғининг рекреация ёки туризмда бандлик кўрсаткичларини бир неча ўн марта га оширишга етарли рекреацион салоҳият мавжуд. Кейинги йилларда ташкил этилаётган “Асрлар садоси”, “Шарқ тароналари” каби анъанавий фесте-

валлар ҳамда ўзбек ҳалқининг миллий ҳунармандчилиги мактаблари кўргазмалари республиканинг барча вилоятларида ўзига хос ва бир бирини тақорроламайди.

Ўтказилган тадқикотлар (2001йил) Наманган вилоятда сайёхларга хизмат кўrsatiш ҳажми ва улардан олинган фойда ўсиб бориш хусусиятига эга эканлигини билдиrmоқда (Ўзбекистон география жамияти ахбороти 23-жилд. Назаров А.А. Сирожиддинова У. 112-бет).

Чунончи, 1998 йилда сайёхларга хизмат кўrsatiш ҳажми 41055 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу кўrsаткич 46660 минг сўмга, 2000 йилда эса 54442 минг сўмга етган.

Вилоятда рекреация ресурсларини мавжудлигини инобатта олиб, келажакда кишиларнинг дам олишларини самарали ташкил этиш мақсадида қўшимча саёҳат йўналишлари очилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу йўналишларни куйидаги тарихий, маданий, табиий объектлар бўйича очилиши мумкин.

1. Наманган-Ахсикент.
2. Наманган-Чуст-Ғовасой.
3. Наманган-Косонсой.
4. Наманган-Нанай.
5. Наманган-Мунҷочкента.

Наманган шаҳрининг ўзида сайёхларни Уста мулла Кирғиз мадрасаси, Уста мулла Кирғиз томонидап қурилган ота Валихонтўра масжиди, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи билан таништириш мумкин.

**Наманган-Ахсикент йўналини.** Бу йўналишда Ахсикент ёдгорлиги асосий ўрин тутади. Ахсикент тарихий ёдгорлиги Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашиб ҳозирда тепаликлар кўриннипида сақланмоқда. Археология институтининг ходимлари томонидан олиб борилган тадқикотлар натижасига қўра бу тепалаклар остида З та шахар барпо этилганлиги аникланди. Урта асрларда Ахсикент Ғарғона водийисининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган маркази ҳисобланган. Шахар 1620 йилда содир бўлган кучли зилзиладан вайрон бўлган.

**Наманган-Чуст-Ғовасой йўналишида** ўз ҳунармандлари билан донг таратган Чуст шаҳри ва хушманзара жойлари, жуда кўп рекреация ресурслари мавжудлиги билан ажralиб туради. Ғовасой ҳавзаси сайёхларни дам олиб ҳордик чиқаришида катта аҳамиятта эга. Чуст ҳунармандлари томонидан тайёрланган пичоклар, Чуст дўппилари, сўзаналарини бежиrimлиги сайёхларни тортади. Айниқса шаҳар марказидаги “Мавлоно Лутфуллоҳ” номидаги маданият ва истироҳат боғи ўзининг улкан дарахтлари ва зилол булоқ сувлари билан нафакат

водийда, балқы бутун республикада ажралиб туради. Чуст шаҳридан 2 км шимолда Ғовасой соҳилида кўхна тепалик мавжуд бўлиб, бу халқ тили билан юритиладиган қишлоқdir. Ана шу жойда олиб борилған археологик тадқиқотлар Буонамазор ёдгорлиги милоддан аввал 2000-йилликнинг охири 1000-йилликнинг бошларига тўғри келишини кўрсатмоқда. Буонамазорликлар суғорма дәхқончилик билан машгул бўлганлар. Бу ердан топилган дәхқончилик куроллари ва ғалла сақланадиган ўра-омборлар, хумларда сақланиб қолган арпа, буғдой, тарик, сули, нўхот колдиклари буни тасдиқлади.

Ғовасой ўзининг хушманзара жойлари тоза ҳавоси иқлимининг ўзига хослиги билан кишиларнинг дам олиши учун куладидир. Шунга мувофиқ Ғовасой соҳилида дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари барпо этилган. Бу йўналишда сайёҳлар тарихий обидалар ва хушманзара сўлим жойлар билан бир вактда танишишларига имкон бўлади.

**Наманган-Косонсой йўналиши.** Косонсой ўзинини археологик ёдгорликлари ва сўлим табиати билан водийда муҳим ўрин тутади. Қадимги Косон шаҳри қальласи ва миноралар колдиклари тепалик кўринишига эга. Косон шаҳрига эрамиздан аввалги I чи асрда асос солинган бўлиб, у Кушон давлати ҳукмронлик қилган даврда Фарғона водийсининг бош шаҳри хисобланган, унда ҳунармандчилик ривожланган.

Косонсой дарёси соҳиллари рекреация ресурсларига бой. Ана шу мақсадда дам олиш зоналари ва болалар оромгоҳлари барпо этилган.

**Наманган-Нанай йўналиши.** Нанай қишлоғи вилоятнинг шимолида, Подшоотасой соҳилида жойлашган. Қишлоқ табиатининг гўзаллиги, тоза тог ҳавоси, тезоқар Подшоотасой сайёҳларни мирикиб дам олиб, хордик чиқаришлари учун етарли имкониятлар яратади. Нанай қишлоғида “Кўксарой” туристик базаси барпо этилган бўлиб, унда йилига 2500 дан ортиқ кишилар дам оладилар. Бу ерда ҳам ўзига хос саёҳат йўналишлари мавжуд бўлиб, улар:

1. Подшоота – Саричелак.
2. Кўксарой тоғи.
3. Кўксарой – Сафедбулол деб номланади.

**Наманган-Мунҷоқтепа йўналиши.** 1989 йил май ойида Мунҷоқтепа археологик ёдгорликларини казиши, ғоят ноёб Поп сағанаси топилишига сабаб бўлди. Поп сағанаси ер ости курилмаси бўлиб, баландлиги 2 метр, сатҳи  $1,5 \text{ m}^2$  ни ташкил этади. Сағанада ҳаммаси бўлиб, 47 та тобут 5 қават ҳолда устма-уст қўйилган. Тобутлар асосан камишлардан ясалган. Бу тобутлар ҳар-хил ёшдаги эркаклар ва аёллар жасади бўлиб, шундан 22-тобут сақланиб қолган.

Топилмалар ичидаги идиш-товоклар, тўқувчилик дастгоҳларининг колдиклари, кимматбахо тошлардан ва ҳайвон суюкларидан ясалган

10000 донага яқин мунчоқлар, күхна мусика асбоблари бу ерда кулолчилик, тұқымачилик, хунармандчилік каби соҳалар ривожланғанлигидан дарап беради. Бу тарихий ёдгорліклар сайёхлар учун қадимги Фарғона ахолисининг урф-одатлари ҳудудий ўзлаштириш ҳолатлари, ишлаб чықарувчи күчлар тараққиети, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти бүйіча батағсил маълумотлар беради. Наманган вилояты бой рекреация ресурсларини ўзлаштириш учун инвестицияларни жалб этиш, янги сайёхлик йўналишларини очиш, сайёхлик хизмати орқали иқтисодий самарадорликка эришиш учун етарли имкониятга эгадир.

Демак, Наманган вилоятининг иқтисодиётини ривожлантиришда туризм соҳаси устувор йўналиш деб қаралса ва бу соҳани кенг тарғиб этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

## **2.2. Фарғона минтақасининг сайёхликни ривожлантиришдати салоҳияти ва республика туризмидаги тутган ўрни**


Айниқса, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизга бўлган зътиборни янада кучайтирди. ҳукуматимиз томонидан чиқарилган якка тартибда меҳнат қилувчилар тўғрисидаги қонуни ва хунармандчилликни ривожлантириш ҳақидаги республикамиз Президенти фармони бунга далилларидир.

Эндилиқда якка тартибда меҳнат қилувчилар меҳнати иш стажига киритилди ва улар қарилек нафакалари олиш ҳуқуқига эгадир. Бу ўз навбатида ҳунармандчилникнинг қайта тикланишига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бермоқда.

Булардан ташқари, маҳаллий гашкилотлар томонидан уларга на моддий, на маънавий ёрдам берилмаётганликлари, кўллаб – кувватланмаётганликлари маълумдир. Қишлоқлардан олинган маълумотларда зса, кишлоқ ҳунармандларининг ахволи шаҳар ҳунармандларининг ахволидан қолишибаслигига ишонч ҳосил килиш мумкин. Гиламдўзлик, ўрмок тўқиши (олача, якондоз, пояндоз, жулкурс, хуржун ва бошқалар) каштачилик, маҳаллий ҳом ашёдан ҳар хил истеъмол буюмлари ясаш кабилар билан фақатгина якка тартибда шуғулланувчилар машғулларидир. Булар сони ҳам жуда оз, чунки шахсий хўжаликлардаги ҳом ашёларнинг давлат ёки жамоа хўжаликлиари томонидан давлатга сотиши бундай ҳунармандлар қўлидаги ҳом ашёни тортиб олмоқда. Ҳозирги кундаги қишлоқ ҳунармандчиллиги соҳаларига ўтадиган бўлсак, уларнинг республикамизни баъзи жойларидагина сақланиб колганлиги маълум бўлади. Масалан: республикамизнинг жанубий вилоятларида гилам ва ўрмак тўқиши, каштачилик

## Фарғона миңтақаси турристик объектлари ва маршрутлари карта-схемаси

58



сакланган бўлса, волий ва воҳаларида дўппи, тўн, яктак, чорси тикувчи чеварлар ва маълум даражада кулолчилик сақлангандир. Чорва билан шуғулланувчи туманларда якка тартибда меҳнат қилувчи ҳунарманд ко-сибларнинг салмони бир оз баланд. Бунга сабаб бу жойларда иш ўринла-рининг накадар танқислиги, ахолининг эса иш ўринларига иисбатан бир неча баробар кўплигидан бўлса керак деб ўйлаймиз. Шунинг учун бўлса керак, жойлардаги ахоли ўзининг моддий аҳволини бир оз бўлсада кўлла-кувватлаш мақсадида ҳунармандчилик билан машғул. Ҳалқимизда орасида юрган: “Бекор ўтирунча –bekor ишла”, маколида айтилганидек, яъни ишласан; меҳнат қўлсанг бирор нарса яратилиди ва у бирор кунингта ярайди.

Маълумки, IX-XII асрлар Шарқда Уйғониш даври хисобланади. Бу даврда Марказий Осиё ҳалклари маданияти, илм-фани ва ижтимоий турмушида янги тараккиёт йўналиши очилиб, дунё цивилизациясига улкан хисса қўшган олимларнинг сони кескин кўпайди. Аник фан-лар ривожланибина қолмасдан, ижтимоий, диний-фалсафий фанлар ҳам ўз тараккиёт даражасига кўтарилиди. Мазкур жраён ўз-ўзидан ҳалкларнинг турмуш даражаси, маданияти ривожига ва ўзига хос адабий мұхитнинг вужудга келишига замин яратди. Бу эса ўз навба-тида ҳунармандчиликнинг кескин даражада ўсишига ижобий таъ-сир кўрсатди. Айниқса, сомонийлар ва қораҳонийлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида ҳунармандчилик мисли қўринмаган даражада ривож топди. Кулолчилик, шишаозлик, ёғоч-ўймакорлик, мисгарлик, темирчилик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари бу даврда санъат даражасига кўтарилиди. Фарғона водийсидаги Ахсикент, Кубо, Марғилон, Риштон ва бошқа шаҳарларда ўзига хос ҳунармандчилик мактаблари вужудга келди. Ҳунарлар орасида, албатта, мисгарлик етакчи ўринда бўлиб, мис ва бронздан куйма идишлар ясаш усули ҳам кенг тарқалган эди.

Ўша даврларда Буюк илак йўлида жойлашган Марғилон аҳолиси ат-лас тўкиш билан шуғилланиб келсан ва шу тариқа уни жаҳонга машхур килган. Марғилоннинг шойи матолари Миср, Эрон ва Юнонистон, Хитой саводгарлари томонидан кўплаб харид қилинган<sup>22</sup>. Шунингдек, Марғилоңда терига ишлов бериш, каштачилик, ёғоч ўймакорлик, гилам тўкиш, дўппидўзлик ривожланган бўлса-да, ўзининг шойи матолари билан янада довруғ қозонган эди. Шунинг учун бўлса керак, X асрда яшаган тарихчилардан бири “Марғилон шойисининг бир кўйлаклиги Бухоронинг барча ерлари кийматига мос келади” деб ёзган эди.

Масалан, Кўкон хонлиги архивида Марғилон шахрида обкаш, нов-

<sup>22</sup> Н. Абдулаҳатов. Ў. Эшонбобоев Марғилон ҳакида сўз. –Ф.: “Фарғона” нашриёти. 2006.

вой, омборчи, аравакапи, аравасоз, косиб, охангар, заргар, мисгар, дўпидўз, баҳмалбоф, бужгун, бўёқчи, гилкор, дорукаш, жибачи, деворзан, дегрез, ерёғчи, йўрмадўз, косачи, киссасоз, милтиксоз, најжор, наизагар, найчасоз, панжарасоз, пиллакаш, пўстиндўз, сартарош, тақачи, тубриз, ўтовсоз, паранжидўз, гиштрез, чодирчи, чакассоз, чакмонсоз, чокчи, чевар, читгар сингари мутахассислик номлари сакланиб колгаилиги хакида маълумотлар учрайди. Юкоридаги номлардан кўриниб турибидки, Марғilonда кўплаб одамлар хунармандчилик билан шугулланганлар.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига келиб дўппидўзлик шаҳар аёллари турмуш тарзида кенг таркалган. Бу даврда дўппи тикиш аҳоли орасидаги энг оммалашган амалий санъат турига айланган эди. Бу машгулот деярли факат кўл меҳнати билан бажарилган.

Анъянага кўра оиласда кизлар ёшлигиданоқ турли хилдаги дўппи ва кашталар тикишга ўргатилган. Бу ишларга кизларни 8-10 ёшлигидан жалб этганлар. Моҳир чеварлар тиккан дўппилардаги ҳар бир накшларда аждодларимизнинг қадимги анъаналари ўз ифодасини топган. Шу сабабдан ҳозирга кадар марғilon дўппиларига разм солган ҳар бир киши беихтиёр аёлларимизнинг маҳорат билан яратган кўл меҳнатларига тасаннолар айтадилар.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Марғilonда хунармандчиликнинг тўқимачилик, заргарлик, дегрезлик, дурадгорлик каби тармоқлари тез суръатлар билан ривожланган. Хунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар ички бозордагина эмас, балки ташки савдода ҳам шухрат қозонди. Бирок, марказий Россиядан кўп микдорда саноат молларининг кириб келиши шаҳар хунармандчилигининг тикувчилик (бўзчи, астарчи), кўнчилик каби тармоқларини бир мунча кискаришига олиб келди.

Россиядан келтириладиган товарлар аҳолининг хунармандлар ишлаб чикарадиган маҳсулотларига, айниқса, шойи, атлас, алача, заргарлик буюмлари кабиларга бўлган талабини кондира олмади, оқибатда хунармандчиликнинг ана шу тармоқлари янада ривожланди ва улар жаҳон кўргазмаларида юкори баҳоланди.

1886 йили Туркистон хунармандларининг бутун Россия кўргазмасида иштирок этган марғilonлик Xўжа Муҳаммад Содик Аҳмедов, Аскар Али Мадалиев, Мулла Бобо Муллача, Кутлуг Ниёзхўжа сингари хунармандлар ўзлари тайёрлаган адрес ва ипак гиламларининг ўта гўзал ва сифатлилиги учун кўргазма ҳакамлари томонидан юксак мукофотларга тақдим этилган эди.

Кейинчалик марғilonлик хунарманд усталарнинг адрес матолари ва ипак гиламлари 1906-1914 йиллар мобайнида Вена, Глазго, Милан,

Бордо, Мюнхен, Лондон сингари жаҳоннинг машхур шаҳарларида ўтказилган ҳалқаро кўргазмаларда намойиш этилиб ҳар гал кўргазма ташкилотчилари томонидан олтин медал билан тақдирланган.

Фарғона водийсида инсонлар эътиборини ўзига табиат гўшалари билан тортадиган сой соҳиҳлари, тоғ водийлари жуда ҳам кўп. Афсуски, унинг кўпчилиги тўғрисилаги маълумотлар Ўзбекистон география дарсларига киритилган эмас.

Фарғона водийсида кўрикхоналар ташкил этиш ва уларда табиат компонентларини, айниқса, ўсимлик, ҳайвонот дунёси кабиларни муҳофаза килиш ҳамда кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Фарғона водийсида кўрикхоналар ташкил этиш муаммоси ҳануз ҳал этилмаган масалалардан биридир. Бунга асосий сабаб водий ҳудудининг кичиклiği, аҳоли зичлигининг юкори эканлиги, саноат ва транспорт тармокларининг бир-бирига ўта яқинлиги, водийнинг барча ҳудудини ўзлаштирилганлиги кабилардир. Лекин, водийда кўрикхоналар, буюртма (заказник)лар, экологик ва миллый парклар, “Табиат музейлари” каби сайёҳ (турист)ларни кизиктирадиган манбааларни ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Масалан, кўрикхоналарни Поп тумани ҳудудида тоғ-ўрмон, Марказий Фарғонада кўмли чўл, адирлар минтакасида, тоғ олди тексликлирида кўрикхоналар вужудга келтириш имкониятлари мавжуд. Ушбу ҳудудларда тобора камайиб бораётган мензбир суғури, силовсин, кўнгир айик, ёввойи тўнғиз, бургут, лочин, каклик каби ҳайвон ва паррандалар, кауфман лоласи, улит лоласи, тоғ пиёзи, зирк, кийик ўт, ширач, чиннигул каби кўплаб ўсимликлар турларини нафакат муҳофаза килиш, балки уларни кўпайтириш имкони ҳам вужудга келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кўрикхоналар инсониятга хизмат килувчи табиат компонентлари ва уларнинг генофондини саклаш учун хизмат қиласар экан. Фарғона водийсида кўрикхоналар билан бир наяватда тоғ ён бағирларида туристик базалар барпо қилиш вақти етиб келди.

Ўзбекистондаги рекреацион жараёнлар тарихи туркистонни Россия босиб олгандан кейин Туркистон тасарруфидаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласлари учун соғломлаштириш – дам олиш муассасалари ташкил этилган. Ўша даврда ҳарбий хизматчилар ўзларига тегишли дам олиш зоналарида хордик чикаришган. Бу дам олиш зоналари Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларига яқин тоғли ҳудудларда ташкил этилган. 1923 йилда Оқсув, Иссиқота, Етти ҳўқиз, Арчман, Янгиқўргон, Чимён, Жалолобод каби курортлар курилиши бошланган. Иккинчи жаҳон уришидан кейин Чорток, Жанубий Оламушук, Полвонтош, Учқизил сиҳатгоҳлари ташкил қилинган ва рекреация оммалаша бошлаган<sup>23</sup>.

<sup>23</sup> Якубов У., Ваҳобов Х. Рекреацион география асослари. Т.: “Fan va texnologiyalar”,

Маълумки, Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг тоғлари орасида жойлашган. Водийнинг бир қатор сой соҳиллари ва тоғ ён бағирларида санаторийлар, дам олиш уйлари, хушманзара жойларда туристик базалар фаолият кўрсатмокда.

Ҳакикатда, рекреацион районларнинг ҳар бирида рекреантларни жалб этувчи ўзига хос омиллар борки, улар ҳар бир район учун бетакрор. Масалан, “Омонхона”, “Анжир Ота” сувлари табиий оқимидан кўп қажмда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эмас ёки “Чорток”даги табиий шарт-шароитни бошка ҳудудда ташкил этишининг имконияти йўқ<sup>24</sup>.

1946 йилда Наманган нефть қидирувчилари томонидан Чортокда биринчи сонли кудук курила бошланди. Кўп ўтмай ўша ердан нефть ўрнига иссик шўр сув фавворадек отилиб чиқди. Ушбу вонса бу ерларнинг истиқболини, яъни якин келажакда шу сув атрофида ажойиб шифогоҳ барпо бўлишини белгилаб берган. Чорток сувининг табиий-кимёвий хусусиятларини тадқиқ килиш учун бу ерга 1947 йил октябрь ойида профессорлар В.М.Файбушевич, Р.И.Евсеева, мухандис Б.А.Бедер, кимёшунос М.Г.Лубянскаялар келган. 1948-1950 йиллар мобайнинда Н.М.Семашко номли илмий-текширув олийгоҳи ходимлари томонидан Чортокнинг об-ҳавоси, иклимини ўрганиш бўйича тадқикотлар олиб борилди. Айни вактда шифобахш сувнинг кимёвий хусусиятлари ва унинг инсон вужудига таъсири хоссаларини бевосита касалхонада тажриба ўтказиш йўли билан текширишлар давом эттирилди, даволаш усуллари шакллантира борилди<sup>25</sup>.

2010 йилда республика бўйича жами санаторий ва курортлар сони 158 тани ташкил этиб, шундан 28 таси кичик корхоналар ва микро- фирмалар хиссасига тўғри келади. Фарғона минтақасида жами санаторий ва курортларнинг 35,4 фоизи, кичик корхоналар ва микро- фирмалар иштирокидаги санаторий ва курортларнинг 46,4 фоизи тўплантган. Минтақа республикада санаторий ва курортлар сонига кўра Тошкент минтақасидан кейинги 2-ўринда туради. Кичик корхоналар ва микрофирмалар иштирокидаги санаторий – курортлар сони эса Тошкент минтақасига нисбатан 2,5 марта кўпдир. Минтақага хос бундай маком катталар учун санаторийлар кўрсаткичларида ҳам на маён бўлади. Фарғона минтақаси пансионатлар сонига кўра, Тошкент ва жанубий минтақалардан кейинги ўринда туради. Боллалар сана-

2012. 34 бет.

<sup>24</sup> Якубов Ў., Вахобов Ҳ. Рекреацион география асослари. Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2012. 79 бет.

<sup>25</sup> Махмудов Л., Мирсайдуллаев М. Чортокнинг мўжизакор суви. Наманган, МП “Матрифат”, 1992. 12- бет.

торийлари сонига кўра Фарғона минтақаси республикада 1-уринни эгаллагани ҳолда, жами болалар санаторийларининг 38,9 фоизи худудда тўпландган.

#### 4-жадвал

#### Санатория-курорт ташкилотларини минтақалар бўйича фаолияти-нинг асосий кўрсатгичлари

№			Республика бўйича	Тошкент	Фарғона	Мирзачўл	Зарафшон	Жанубий	Кўйи Аму- даре
			сони	5 158	13 56	2 6	0 16	0 10,1	3 14
1	<b>Санатория-курорт-лар</b>		%	100 100	17,8 29,7	46,4 35,4	7,1 3,8	0 10,1	17,8 12,0
			сони	7 55	2 18	4 23	0 1	0 4	1 7
2	<b>Шу жумладан, Кат-талар учун санато-рийлар</b>		%	100 100	28,5 32,7	57,2 41,8	0 1,8	0 7,3	14,3 12,7
			сони	7 55	2 18	4 23	0 1	0 4	1 7
3	<b>Пансионатлар, даволаш билан бирга</b>		%	100 100	25 25	25,0 12,5	0 12,5	0 12,5	25,0 25,0
			сони	4 8	1 2	1 1	0 1	0 1	1 1
4	<b>Болалар санато-рийси</b>		%	100 100	0 16,7	100 38,9	0 5,5	0 13,9	0 11,1
			сони	1 36	0 6	1 14	0 2	0 5	0 4
5	<b>Йил давомида фаолият кўрсатувчи оромгоҳлар</b>		%	100 100		16,7 16,7			50 50
			сони	6 6		1 1			2 2
6	<b>Санатория- профи-лакториялар</b>		%	100 100		16,7 16,7			33,3 33,3
			сони	10 53	2 21	6 17	2 2	0 6	0 3
			%	100 100	20 39,6	60,0 32,1	20,0 3,8	0 11,3	0 5,7

**Изоҳ:** Суратда кичик корхонлар ва микрофирмалар маҳражисда жами ташкилотлар бўйича маълумотлар. Жадвал, Узбекистон Республикаси Статистика қўнимитасининг 2010 йилги материаллари асосида тайёрланди.

Оромгоҳларнинг мавсумийлиги республиканинг деярли барча худудларига хос. Йил давомида фаолият кўрсатувчи оромгоҳлар асосан республиканинг жанубида тўпландган бўлиб, улар йил давомида фаолият кўрсатувчи оромгоҳларнинг 50 фоизини ташкил қиласди.

Фарғона минтақаси бу жиҳатга кўра, Жанубий ва Кўйи Амударё минтақаларидан кейинги ўринда туради. Санаторий – профлакторийлар сонига кўра, Фарғона минтақаси Тошкент минтақасидан кейинги иккинчи ўринда турсада, кичик корхоналар ва микрофирмалар иштирокидаги санаторий – профлакторийлар сонига кўра республикада етакчилик қилади.

5-жадвал

**Дам олиш масканларининг минтақалар бўйича фаолияти (2010 й.)**

Nº			Республика бўйича	Тошкент	Фарғона	Мирзачўл	Зарафшон	Жанубий	Кўйи Амударё
1	<b>Жами дам олиш масканлари</b>	сони	28	22	?	—	0	0	3
		98	61	8	2	9	11	7	7
		%	100	78,6	7,2	3,5	0	0	10,7
			100	62,2	8,2	2,1	9,2	11,2	7,1
2	<b>Шу жумладан, Дам олиш пансионатлари</b>	сони	1	1					0
		6	5						1
		%	100	100					0
			100	83,3					16,7
3	<b>Дам олиш уйлари</b>	сони	10	7	2	1			
		16	12	3	1				
		%	100	70,0	20,0	10,0			
			100	75,0	18,8	6,2			
4	<b>Дам олиш баъзалари</b>	сони	5	3			0		2
		20	16				2		2
		%	100	60,0			0		40,0
			100	80,0			10,0		10,0
5	<b>Кемпинглар</b>	сони	1	1		0			
		2	1			1			
		%	100	100,0		0			
			100	50,0		50,0			
6	<b>Бошка турдаги дам олиш</b>	сони	11	10	0		0	0	1
		54	27	5		7	11	4	
		%	100	90,9	0		0	0	9,1
			100	50,0	9,3		12,9	20,4	7,4

*Изоҳ: Суратда кичик корхоналар ва микрофирмалар маҳражида жами ташкилотлар бўйича маънумотлар. Жадвал, Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2010 йилги материаллари асосида тайёрланди.*

Республикада жами дам олиш масканлари сони 98 тани ташкил этгани холда, шундан 28 таси кичик корхоналар ва микрофир-

малар иштирокидаги тапкилотлардир. Фарғона минтақаси жами дам олиш масканлари сонига кўра, Тошкент, Жанубий ва Зарафшон минтақаларидан кейин 4-ўринда туради. Кичик корхоналар ва микрофирмалар иштирокидаги дам олиш масканлари сонига кўра эса, Тошкент ва Кўйи Амударё минтақасидан кейинги 3-ўринни эгаллайди. Дам олиш уйларининг 70 фоиздан ортиғи асосан Тошкент минтақасида тўпланган. Фарғона минтақасида эса уларнинг қарийб 20 фоизи тўплангани холда республикада Тошкент минтақасидан кейинги 2-ўринда туради.

Республикада жами дам олиш масканлари сони 98 тани ташкил эттани ҳолда, шундан 28 таси кичик корхоналар ва микрофирмалар иштирокидаги тапкилотлардир.

Фарғона минтақаси жами дам олиш масканлари сонига кўра, Тошкент, Жанубий ва Зарафшон минтақаларидан кейин 4-ўринда туради. Кичик корхоналар ва микрофирмалар иштирокидаги дам олиш масканлари сонига кўра эса, Тошкент ва Кўйи Амударё минтақасидан кейинги 3-ўринни эгаллайди. Дам олиш уйларининг 70 фоиздан ортиғи асосан Тошкент минтақасида тўпланган. Фарғона минтақасида эса уларнинг қарийб 20 фоизи тўплангани холда республикада Тошкент минтақасидан кейинги 2-ўринда туради.

Собиқ Иттифоқ тузуми даврида Чорток, Чимён, Оқтош, Нанай, Шоҳимардон, Қувасой, Хўја Обигарм зоналари минтақанинг курорт зоналари саналган. Республикада бугунги кунда ҳам бу ҳудудлар иклими, табиий шарт-шароитларининг ўзига хослиги билан рекреантларни жалб этади<sup>26</sup>. Чорток минерал сувининг таркибида йод, бром, радон мавжуд бўлиб қон босимини меъёрга келтириш, гармонлар бошқаруви фаолиятини тиклаш, бош мия катта яrim шаридаги қўзғалишларни тиклаш каби касалликларни даволашда аҳамиятлидир<sup>27</sup>.

1950 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кенгаши Чорток шифогохи қурилишини бошлат тўғрисида маҳсус карор қабул килди. Шифогоҳ лойиҳаси Ўзбекистон давлат лойиҳа қўмитаси томонидан меъморлар Г.А.Жуков ва Н.А.Колбин бошчилигида амалга оширилди. 1951 йилда шифогоҳ қурилишининг биринчи босқичи бошлаб юборилди<sup>28</sup>.

Хозир шифогоҳда 2,4,5,32 – кудукнинг сувларидан фойдаланил-

<sup>26</sup> Якубов Ў., Вахобов Ҳ. Рекреацион география асослари. Т.: “Fan va texnologiyalar”. 2012. 84 бет.

<sup>27</sup> Якубов Ў., Вахобов Ҳ. Рекреацион география асослари. Т.: “Fan va texnologiyalar”. 2012. 97 бет.

<sup>28</sup> Махмудов Л., Мирсайдуллаев М. Чортокнинг мўжизакор суви. Наманган, МП “Маърифат”, 1992. 13- бет.

моқда. Иккинчи күдүк сувининг кимёвий таркиби: йод, бром, хлорид, натрий, калций эритмалари, азот ва бошқа фойдалы газлар. Маъданлашув даражаси 44,6 г/л, рН 7,0. Ҳарорати – 48 даражада. Тўртинчи күдүк сувининг кимёвий таркиби: йод, хлорид, натрий, калций эритмалари. Маъданлашув даражаси 22,8 г/л, рН 7,0. Ҳарорати – 39 даражада. Бешинчи күдүк суви таркиби тўртнинчи каби, маъданлашув даражаси 4,7 г/л, Ҳарорати – 40 даражада. Юкорида санаб ўтилган кудукларнинг сувларидан маъдан ванналар қабул қилиш учун фойдаланилмоқда. Ўттизинчи кудукдан маданлашув даражаси паст бўлган, таркибида хлорид-сульфат, натрий бирикмалари мавжуд, ўз хусусиятлари билан машхур Трускавец шифогоҳининг еттинчи манбасидагига ўхшаган сув олиниди. Маъданлашув даражаси 2,6 г/л, рН 7,8. Ҳарорати 30 даражада. Бу күдүк сувини истеъмолли муоложада, ошқозон ва ичак йўлларини тозалаш максадида ишлатилади. Даволанувчиларга ўнгай бўлиши учун шифогоҳ марказида бино қурилган, бу ерда жўмираклардан Чортокнинг анна шу мўжиза суви оқиб турибди<sup>29</sup>.

Чорток ўзининг бой, табиий рекреацион ресурслари билан нафақат Фарғона водийсида, балки Ўзбекистон ва бутун минтақада ажралиб туради.

Даволаш комплексига физиотерапия, иқлим билан даволаш, массаж, парҳез овқатлар ва бошқалар киради. Иқлими, мўътадил континентал. Ёзи иссик, куруқ, қиши илик, Куёш нури кўп. Куёш нури йил давомомида Кавказ ва Крим дам олиш масканларига нисбатан икки баробар кўп тушади. (4800 соат, Сочида 1980 соат, Нальчикда 1710 соат) Куёшнинг анча юкори туриш натижасида булутли кунлар кам бўлади ва куёш радиацияси 1440 ккал/см<sup>2</sup> га етади. Бу шароит дам олиш масканнада аэро ва илиотерапия усулларидан фойдаланган холда беморларни даволаш имкониятини ҳам бермоқда.

Ушбу масканда 400 ўринли қиши клуб, 600 ўринли ёзги кинотеатр, 200 ва 600 ўринли 2 ошхона, лўқонлар, фотоателье, почта телеграф, омонат касса ва бошқалар мавжуд. Дам олиш масканни ҳудуди кўкарамзорлаштирилган боф, мевазор боф ва ёнғоззорлардан иборат.

Фарғона водийсида Чортокдан ташқари юкорида қайд этиб ўтилганидек, Чимён, Шоҳимардан, Қирғизистон Республикасига карашли Саричелак, Арслонбоб ва бошқа табиий рекреацион ресурсларга бой масканлар ҳам мавжуддир.

Чорток бальнеологик курорти: Чорток шаҳридан 7 км шимоли – шарқда, дengиз сатҳидан 623 м баландликда, Чортоксой соҳилида жойлашган.

<sup>29</sup> Махмудов Л., Мирсайдуллаев М. Чортокнинг мўжизакор суви. Наманган, МП “Мавриғат”, 1992. 18-19-бетлар.

Чорток минерал суви 1946 – йилда очилди. Сув 1000 – 3000 м. чукурликдан 43 – 47 даражада иссиқлекда отилиб чикади. Курортта полиартрит, меда – ичак (ошқазон, овқат хазм килип органлари), хотин-қызлар касаллуклари, тери касаллуклари, спондилёз, радикулит ва бошқа касаллуклар даволанади. Курортта йўлланма билан келадиганлар учун минг ўринли санаторий, бундан ташкари 210 ўринли алоҳида болалар санаторийси ҳам ишлаб турибди. Курорт очилгандан бери 150000 дан ортиқ киши шифо топди.

### **2.3. Ҳунармандчилик ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти**

Кулол – сопол идиш ва буюмлар тайёрловчи ҳунарманд ҳисобланади. У маҳсус тупроқдан корилган лойдан пиёла, коса, товок, лаган, кўза, хурмача, тогора, хум, тандир ва бошқа буюмлар тайёрлаш, уларни сирлаб безаш ва хумданда пишириш билан шуғулланади. Асосий асбоби – чарх бўлиб ҳисобланади. У ҳамма ҳалқларда асосан бир хилдир. Кулоллар бундан ташкари турли ўйинчоқлар, кошинлар ва қувурлар ҳам тайёрлай оладилар. Уларнинг касби “кулоллик”, “кулолчилик” деб юритилади.

Кулоллик, кулолчилик – ҳунармандчиликнинг лойдан турли-туман идиш, буюм, қурилиш материаллари ва бошқалар ишлатиладиган соҳаси ҳисобланади. Ўтда киздирилганда тописимон бўлиб котиб пишадиган маҳсус (корамтири, сарғиши, кўкимтири, яшил тояланадиган ва бошқача) тупроқдан идиш тайёрлашини одамлар неолит даврининг бошларидаёқ (милоддан аввал 5 минг йиллик) билганлар.

Дастлабки пайтларда идишлар лойдан тайёрланиб, куритиб, кейин гулханда киздирилган. Кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерида ҳам борлиги деярли барча ҳалқларда кулолчиликнинг кенг тарқалишига имкон берди. Дастлаб, кулолчилик билан аёллар (милоддан аввал 4-минг йилликнинг охирлари (Месопатамия) да, ва 3-минг йилликнинг бошлари (Миср) да шуғулланган бўлсалар, кейинчалик, кулолчилик чархи ихтиро қилингач эса, кулолчилик билан эркаклар ҳам шуғуллана бошлаганлар. Унда идишлар маҳсус ўчок ва хумданда пиширилган. Ҳозирги кунда кулолчиликнинг содда усуллари Осиёning тоғли худудларида яшовчи ҳалқларда ҳали ҳам мавжуд.

Неолит даврига мансуб кароргоҳларнинг қазиб топилган колдиклари ўша даврларда идишларнинг таги учли қилиб тайёрланганини кўрсатади. Бу шундан далолат беради, ўша даврда идиплар ерга сукиб қўйиб ишлатилгацдир.

Энеолит даври (мис асри) да Шарқ мамлакатлари ва Қадимги Гре-

цияда нафис сопол идишлар тайёрлаш, сополдан архитектурада фойдаланиш авж олади, кейинчалик сирлаш усуллари каşф этилгач, кулолчилик маҳсулотларининг бадиий қиммати оша боради.

Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган археологик қазилмалар VII–XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда анча ривож топганини кўрсатади. XIII асрда муғуллар хужуми оқибатида кулолчилик секин ривожланди. XIV–XVI асрларга келиб эса яна авж олди. XVII–XVIII асрларда Ўрта Осиёнинг бир неча феодал давлатга ажралиши турли ўлкалар ўртасида ўзаро алоқаларнинг сусайишига сабаб бўлди, лекин, шунга қарамай хунармандчиликнинг барча турлари катори кулолчиликда ҳам турли жойларда турлича услублар вужудга келди. XIX – аср кулолчилик маҳсулотлари ёғоч ва ганч ўймакорлиги накшларига яқин безаги билан ажралиб туради.

Кулолчилик маҳсулотларининг, жумладан, идишларининг шакли асрлар оша давр ва дид талаблари билан ўзгариб борди. Ўрга Осиёда сувга бўлган катта эҳтиёж сопол идишларнинг турларини кўпайишига олиб келди. Халқ усталари бу идиш ва буюмларни тайёрлаш билан бир каторда уларни юксак дид билан безардилар. Россияда XIX асрда арzon баҳо чинни маҳсулотлари кўп келтирилиши Ўрта Осиё кулоллари бозорини бирмунча сусайтириди. Лекин, арzon сопол идиш ва буюмларга бўлган талаб, айникса, архитектурада кулолчилик маҳсулотларининг зарурлиги кулолчиликнинг узлуксиз давом этишини таъзозо этди.

Кулолчилик Ўрта Осиёда, айникса, ўзбеклар ва тоҷиклар яшайдиган шаҳар ҳамда қишлоқларда кенг ривож топган. Қоратоғ, Самарқанд, Шаҳрисабз, Фиждуон, Тошкент, Риштонда сопол идишларни сирлаб безатишининг ўзига хос услублари вужулга келган. XIX асрда кулолчиликнинг йирик марказлари бўлган. Бу ерларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пишиқ, чиройли, сири нафис, накшлари кўркамлиги билан дикқатни тортади.

Октябрь тўнтарилишидан кейин кулоллар меҳнатини уюштиришга алоҳида эътибор берилган. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика, Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ишга тушди, киска муддатли курслар ташкил килиниб, кулоллар тайёрланган, уларнинг малякалари ошириб турилган. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ҳам кулолчиликга катта эътибор берилди. 1943 йилда Шаҳрисабзда ўқув-ишлаб чиқариш бадиий комбинати ишга тушган. Тураб Миралиев (Тошкент), Рустам Эгамбердиев, Карим Ҳазратқулов (Шаҳрисабз), Узок Шерматов, Холмат Юнусов (Риштон), Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров (Фиждуон) сингари ўнларча атоқли кулоллар ёшлиги ага таълим

берган. Ўзбекистонда кулолчилик ишларини ривожлантириши, ёшлардан кулоллар тайёrlаш, кулолчиликни тадқиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Мухиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. Гиждувон ва Риштонда кулолчилик, айникса, ривож тониб, бу ерларда ўнларча кулолчилик устахоналари ишлади. 40-йилларда Гиждувондаги “Намуна”, Риштондаги “Янги ҳаёт” артеллари нинг маҳсулотлари бутун республикада машхур бўлган.

Машхур ганч устаси Зиёвуддин Юсуповнинг – “Ганч ўймакорлиги санъати минг ийллик тарихга эга. Халқ амалий санъатининг бу тури Эрон, Туркия ва Туркистанда кенг таркалган бўлиб, Ҳозиргача давом этиб келмоқда. Ганчкорлик санъатининг имкониятлари жуда кенг. Уни хоҳлаган шаклга солиши мумкин ва бу санъат турнида ота-боболаримиз ўз орзу-умидларини, маданиятини кўрсатиб борган, уларга давр фалсафаси сингиб кетган”, деган фикрир келтириб, Бехзод Норбоев куйидагиларни ёзади: “Зиёвуддин ака Юсупов Бухоро ганчкорлик мактаби, Умаржон ака Тохиров Хива ганчкорлик мактаби усусларида ижодий иш бошлиядилар. Уларни бир-бирига тутаптирган ният ўзбек халқининг амалий санъат соҳасидаги пуфузини мустаҳкамлашга хисса қўшиши бўлди. Уларнинг Ҳозиргача бажарган ишларининг санаб ардоғига етиб бўлмайди: Метронинг “Миллий боф” бескати, Қарши шахридаги мемориал комплекс ва вилоят театри, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти биноси безаклари”.

XIX асрда Бухоро, Қўкон, Марғилон, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва Хоразмда кандалкорлик мактаблари вужудга келди.

Инқиlobдан кейин кандалкорлар артелларга уюштирилди. 50-йиллардан бошлиб совға буюмлари, бадиий буюмларга талаб кучайиши билан уларни ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга кўйилди. Кандалкорлик цехлари барпо этилди. Бу цехларда кандалкорликнинг турли мактабларига мансуб (Масалан, Қўконда Л. Фозилов, Бухорода С. Ҳамидов, Хивада Ё. Бекжонов каби) усталар ёшларга кандалкорлик санъатини ўргатиб келганлар. Қўкон ва Марғилон кандалкорлик мактаби намуналарида боф-роғлар, чаманзорлар тасвиirlанади, нақшлар саёз ўйиб, тор заминли қилиб ишланади. Тошкентда ишланадиган мис буюм ва идишлар йирик, соддароқ нақшлар билан безатилади. Бухоро мактаби нақшлари эса мураккаб ва нафисидир. Қарши ва Шаҳрисабз кандалкорлик нақшларига кимматбаҳо тошлар, рангдор шишалар қадалади. Самарқанд кандалкорлик нақшларида геометрик шакллар кўп учрайди. Хоразм кандалкорлари эса ўта мураккаб ўсимликсимон ва геометрик шакллардан жимжимадор нақшлар хосил қилиб ишлайдилар<sup>30</sup>.

Миллий халқ хунармандчилигининг, амалий санъатининг барча

<sup>30</sup> Сергеев Б. “Ўзбекистонда мисгарлик” Т., 1960 йил.


соҳа тармоклари, ҳаттоти, унитилган ва унитилаёзганларини ҳам қайта тиклаш ва уни жойлаптириш фақатгина миллий маданиятизмни бойитиб колмасдан, балки, у ўз санъат дурдоналари ва кенг истеъмол буюмлари билан дунё бозорига чиқа олади, ҳамда республикамиздаги долзарб муаммолардан бири бўлган, ишсизликни ҳам маълум даражада бартараф этади, айниқса, бозор иктисади ва бозор муносабатларига ўтишда ва ўтилганда. Мисол тарикасида куйидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз:

Ўзбекистонда 1990 йилда аҳолининг соҳалар ва тармоклар бўйича бандлигига назар ташланса, юқоридаги хуносалар нақадар асосли эканлигини билиш мумкин.

Хозирги вақтда (2005 йил) Ўзбекистонда мавжуд 347,4 минг корхонанинг 93,0% и нодавлат ва фақат 7,0% и давлат корхоналаридан ташкил топган. Нодавлат корхоналарининг 48,6 % и фермер ва дехқон хўжаликлиаридан, 2,1% и акциядорлик жамиятларидан, 1,9% и чегъз эл инвестициялари мавжуд корхоналардан ва 40,4% и бошқа турдаги корхоналардан ташкил топган. Республикада жами банд аҳолининг 77,2% и нодавлат, 22,8% и давлат секторларига тўғри келади. Демак, Ўзбекистонда ҳам иктисадиётнинг бозор моделига ўтиш жадал суръатларда амалга ошмоқда. Хозирги асосий масала ана шу жараённи ўзида акс зетиравчи таркибий тузилишини такомиллаштиришдан иборатдир. Бунда миллий хунармандчилик ва косибчиликка алокадор соҳа ва тармокларга, корхоналарга бўлган эътиборни сусайтирмаслик зарурдир.

### 3-диаграмма


**2011 йилда Республика хунармандлар сонида Фарғона мингақасининг улуши (республика кўрсаткичига нисбатан киши)**



**Изоҳ :** Диаграмма Республика "Хунарманд" уюшимаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Маълумки, Ўзбекистонда сўнгти йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш максадида касаначиликка катта эътибор каратилмоқда. Айниқса, оиласвий тадбиркорликкнинг бу борадаги аҳамияти юқоридир. Айни пайтда ҳунармандчилик Республика “Ҳунармандлар” Уюшмасига жиселаштирилиб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш максадида дастурлар кабул қилиш йўли билан кенг имкониятлар яратилмоқда. Республика бўйича “Ҳунармандлар” Уюшмасида рўйхатда турган ишчиларнинг умумий сони 2011 йилда 21106 кишига етди. Шундан, Фарғона минтақасининг улуси 5538 кишига тўғри келиб, бу республикадаги барча ҳунармандларнинг 26,5 фоизи демакдир. Фарғона минтақасининг ҳунармандлар сонини вилоятлар кесимида тахлил этганда уларнинг деярли ярими (2700 киши) Фарғона вилоятига тўғри келади. Андижон (1904 киши) ва Наманган (934 киши) вилоятларида эса нисбатан кам.

**4-диаграмма  
2011 йилда Республика ҳунарманд аёллар сонида Фарғона минтақасининг улуси (вилоятлар қўрасаткичига нисбатан киши)**



**Изоҳ :** Диаграмма Республика “Ҳунарманд” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мустакиллик йилларида аёлларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокига аҳамият ортди. Жумладан, кичик бизнес – тадбиркорлик субъектларида аёллар эркаклар билан тенг меҳнат қилмоқда. Республикада 2011 йилда ҳунарманд аёллар сони 6983 кишига етди, шундан 1853 киши, яъни 26,3 фоизи Фарғона минтақасида тўпланган. Агар, республикада ҳунарманд аёллар жами ҳунармандларнинг 33,2 фоизини ташкил этиши эътиборга олинса, Фарғона минтақасидаги

ҳунарманд аёллар мінтақадаги жами ҳунармандларпінг салкам 34 фоизини ташкил этади. Бұ мінтақада ҳунарманд аёлларға зытибор юкориилиги билан изохданади. Жумладан, Фарғона вилоятида вилойт ҳунармандларининг 46 фоизини, Андіжон вилоятида 25 фоизини ва Наманган вилоятида 13 фоизини ташкил этади. Мінтақаниң Андіжон ва Наманган вилоятларидә Фарғона вилоятига нисбатан аёллар иштироки анча кам.

**5-диаграмма**

**2011 йилда Республика “Хунарманд” уюшмаси томонидан ишлаб чиқарылған маҳсулот ҳажми (млн. сүм)**



**Изоҳ:** Диаграмма Республика “Хунарманд” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2011 йилда Республика “Хунарманд” уюшмаси томонидан ишлаб чиқарылған маҳсулот ҳажми 55608,5 миллион сүмлик маҳсулот ишлаб чиқарылди. Шундан 14021,7 миллион сүмлик маҳсулот Фарғона мінтақасига ва 41586,8 миллион сүмлик маҳсулот республика-нинг бошқа вилоятларига түғри келади. Мінтақада республикадаги ҳунармандчилек маҳсулотларининг 25,2 фоизи ишлаб чиқарылдади. Ҳунармандчилек маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоятлар кесимида таҳлил этилганда, Андіжон вилоятида мінтақада ишлаб чиқарыладиган ҳунармандчилек маҳсулотларининг яримидан күпі (51,7%) тайёрланади. Мінтақаниң Фарғона ва Наманган вилоятларыда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча кам. Бұ худудларда касачалик, ҳунармандчилекка маҳаллій шарт-шароитларнинг яратилишидаги сұсткашлық билан изохланади.

Мустакиллик, миллий қадриятларимизни эъзозлаш бугунғи куннинг мухим вазифаларидан биридей. Ўзбекистон худудида истиқомат

килаётган ҳар бир инсон ўз миллий қадриятларини асраб-авайлашлари келажак-истиқболга, ёш авлодга етказиш лозимдир.

Ўтмишдаги боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, миллий қадриятларни хурмат қилиш, уларни ўрганишни ҳар бир инсон буни ўзида хис этмоғи керак.

#### **6-жадвал**

#### **Халк амалий санъати ва миллий хунармандчилик соҳаларининг махсулот ишлаб чиқаришдаги хиссалари (фоизда)**

№	Фаолият турлари	Ўзбекистон бўйича, жами	Шу жумладан минтақалар бўйича						
			Тошкент	Фарғона	Зарафшон	Мирзачўл	Жанубий	Кўйи Амударё	
1	Кулолчилик, тандирчилик, чиннисозлик	100	78,1	18,8	2,1	0,1	0,4	0,5	
2	Миниатюрачилик, рассомчилик	100	50,6	36,9	8,9	-	1,9	1,7	
3	Наккошлик, ганч ўймакорлиги	100	23,7	32,0	38,1	2,5	1,0	2,7	
4	Пичокчилик, кондакорлик, тунукасозлик, темирчилик	100	9,0	74,9	11,4	1,4	0,9	2,5	
5	Зардўзлик, каштачилик, чокли буюмчилик	100	1,7	90,2	6,6	0,4	0,4	0,7	
6	Еточ ўймакорлиги	100	10,3	69,3	12,4	1,3	1,1	5,6	
7	Заргарлик	100	55,8	33,7	6,7	1,5	0,7	1,6	
8	Гилам, атлас тўқиши, чопон-дўзлик, дўлпидўзлик, газламага гўл босиш	100	4,8	71,0	19,7	0,9	0,6	3,0	
9	Ҳажмли қолипларда куювчи устачилик	100	13,3	51,4	33,4	1,1	0,1	0,7	
10	Косибчилик	100	13,7	80,9	3,9	0,8	0,2	0,5	
11	Чармдўзлик, эгар-жабдуғ ясаш	100	23,7	63,5	10,2	1,0	0,3	1,3	
12	Уй-рўзгор буюмларини ясаш	100	4,7	72,3	18,8	3,0	0,6	0,6	
13	Қўғирчоқсозлик	100	2,7	17,2	78,9	0	0,1	1,1	
14	Бошқалар	100	77,8	0,8	9,7	2,2	1,7	7,8	
<b>Жами</b>		100	<b>18,5</b>	<b>66,3</b>	<b>11,5</b>	<b>0,9</b>	<b>0,6</b>	<b>2,2</b>	

*Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси “Хунармано” ўюнимасининг 2010 й маҳрияллари асосида тузилди.

Шу ўринда миллий хунармандчилик хақида ҳам тўхталиб ўтар эканмиз, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Халқ бадиий хунармандчиллиги ва амалий санъатини янада ривожлантириши давлат йўли билан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида халқ бадиий хунармандчилитининг асрий анъаналари ва ўзига хос турларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилиган.

Ўзбек халқининг ижтимоий ва оиласвий ҳаётидаги мавжуд маросимларнинг ҳар бирида бир қанча урф-одатлар, ирим-сирилар мужассамлашган. Одат ва маросимлар кўпчилик халқимизнинг асрлар давомида амал килиб келган миллый анъанавий кадриятлар билан боғлик.

Фарғона минтақаси миллый хунармандчиллик соҳалари ичидаги энг сердаромадлари бу зардўзлик ва каштацилик, гиламчилик, атлас тўкиш, чопондўзлик ва дўппидўзлик хисобланади. 2010 йилда мазкур тармоқлар маҳсулотлари 17888 миллион сўмга баҳоланди.

Бу минтақада ишлаб чиқарилган миллый хунармандчиллик маҳсулотларининг 73,8 фоизини ташкил этади. Шу сабабли Фарғона минтақаси юқоридаги хунармандчиллик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича республикада етакчилик қиласди.

Республикахалқамалийсанъативамиллыйхунармандчилликсоҳалари маҳсулотининг ҳудудий таркиби бевосита хунармандчилликнинг тарихи таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлик. Унда Фарғона минтақасининг иштироки ўзига хосдир.

Минтақа наққошлик ва ганч ўймакорлиги; пичоқчилик, кандокорлик, туникасозлик ва темирчилик; зардўзлик ва каштацилик; ёғоч ўймакорлиги; косибчилик; ҷармдўзлик ва эгар-жабдўғ ясаш бўйича республикада биринчи ўринда туради. Жумладан, зардўзлик ва каштацилик маҳсулотларининг 90 фоизи, косибчилик маҳсулотларининг 80 фоизи, пичоқчилик, гиламчилик, атлас тўкиш, чопондўзлик, дўппидўзлик ва уй рўзгор буюмларининг 70 фоиздан ортиги, ёғоч ўймакорлиги, ҷармдўзлик ва эгар-жабдўғ маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиги Фарғона минтақасида ишлаб чиқарилади.

Минтақа кулоячилик, тандирчилик, чиннисозликда Тошкент ва Қўйи Амударё минтақасидан кейинги 3-ўринни, миниатурачаилик ва рассомчиликда Тошкент минтақасидан кейинги 2-ўринни эгаллади. Заргарлик буюмлари ясашда Тошкент минтақасидан кейинги иккичи ўрини эгаллаб, минтақада республикада тайёрланадиган жами заргарлик буюмларининг 33,7 фоизини ишлаб чиқаради. Бу Мирзачўл ва Қўйи Амударё минтақаларида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларидан иккиси ортиқ демакдир.

Республикада тайёрланадиган жами қўғирчоқларнинг кариб 80 фоизи Зарафшон минтақасига тўғри келади. Фарғона минтақаси рес-

публикадан кейинги иккинчи ўринни эгаллагани ҳолда минтақада жами қўғирчоқсозлик маҳсулотларининг 17,2 фоизи тайёрланади.

### 7-жадвал

#### Халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилик соҳалариning маҳсулот ишлаб чиқаришдаги хиссалари (млн. сўм)

№	Фаолият турлари	Ўзбекистон бўйича, жами	Шу жумладан минтақалар бўйича					
			Тошкент	Фарғона	Зарафшон	Мирзачўл	Жанубий	Кўйи
1	Кулолчилик, тандирчилик, чиннисозлик	3986,9	3112,7	750,6	84,4	3,3	15,1	20,8
2	Миниатюрачилик, рас-сомчилик	508,6	257,4	187,5	45,4		9,7	8,6
3	Наккошлик, гашч ўйма-корлиги	608,2	144,1	194,7	231,6	14,9	6,3	16,6
4	Пичноқчилик, конда-корлик, тунукасозлик, темирчилик	3755,3	338,5	2812,9	425,0	53,0	32,7	93,2
5	Зардўзлик, каштацилик, чокли буюмчилик	8701,8	149,2	7845,9	576,0	36,5	31,3	62,9
6	Еғоч ўймакорлиги	6540,2	671,2	4533,1	812,4	85,0	72,2	366,3
7	Заргарлик	1083,9	604,6	365,0	73,1	16,5	8,0	16,7
8	Гилам, атлас тўқиши, чопондўзлик, дўп-пидўзлик, газламага гул босиш	4942,2	236,0	3509,0	972,0	45,5	31,2	148,5
9	Ҳажмли қолилларда қувовчи устачилик	852,8	113,4	438,2	285,1	9,4	1,1	5,6
10	Косибчилик	3003,5	412,1	2431,1	115,3	25,1	5,5	14,4
11	Чармдўзлик, эгар-жабдуғ ясаш	1015,4	240,8	645,3	103,0	10,6	2,4	13,3
12	Ўй-рўзгор буюмларини ясаш	608,6	28,3	440,3	114,2	18,1	3,7	4,0
13	Қўғирчоқсозлик	398,2	10,6	68,4	314,0	0,2	0,3	4,7
14	Бошқалар	557,8	433,9	4,7	54,2	12,4	9,2	43,4
<b>Жами</b>		<b>36563,4</b>	<b>6752,9</b>	<b>24226,7</b>	<b>4205,7</b>	<b>330,5</b>	<b>228,7</b>	<b>819</b>

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмасининг 2010 й. материаллари асосида тузилиди.

2010 йилда халк амалий санъати ва миллий хунармандчилик соҳасида 36563,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 24226,7 миллион сўмлик маҳсулот, яъни 66,2 фоизи Фарғона минтақаси ҳисобига тӯғри келади.

Фарҳона минтақасида кулолчилик, тандирчилик ва чиннисозлика 2010 йилда 750,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, республикада ишлаб чиқариладиган жами кулолчилик маҳсулотларининг 18,8 фоизини ташкил этади. Миллий хунармандчиликнинг бу соҳасида Тошкент минтақаси етакчилик қилиб, унинг ҳиссаси 78,1 фоизга етади.

Ўзбек кашталарида Хинд, Хитой, Рус, Афғон, Козок, Қирғиз, Тожик каштачиликларининг усули ва услубларини учратиш мумкин.

Ўзбек миллий кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул накшлари кўп бўлса, рус кашталарида геометрик ўсимликсимон шакллар, гулшар, куш ва мевалар кўп тасвирланади.

Козок ва Қирғиз кашталарида эса кўпроқ ҳайвон шох ва туёкларни эслатувчи элементлар тасвирланади.

Қадимги атъаналарга кўра, ўзбек кизлари- бўлажак келинчаклар ўзининг тўй-тантаналарига ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлаганлар. Кашталар канчалар нозик, чиройли ва нафис бўлса, қайлиқ шунчалик юкори баҳоланган. Кизлар албатта (бу миллий урф-одатларимиз ёш авлодга хунар ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш учун, меҳнатга ўргатиш учун муҳим иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятга эzáдир), 9-10 ёшдан бошлаб кашта тикишга ўргатила борган. Улар 3-4 йилдан кейин мустакил кашта тика бошлаганлар.

Тайёр бўлган каштачи-мутахассислар ўзларининг санъати ва табиитика кўра гўзаллик ҳакидаги орзуларини ана шу кашта орқали ифодалашгина ҳаракат килгандар.

XIX-XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаби яратилган. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда ҳам зардўзлик мактаблари очилган. Қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар асосан Амир саройидагилар ва шаҳар бойлари учун тикилган.

Бухоро амирипинг шаҳардан ташқаридаги Ситораи Моҳи Хоса ва Ширбудин саройларида ҳар хил бозор сайли бўлиб, унда халк амалий санъати турларидан кулолчилик, мисгарлик, пичокчилик, дўппидўзлик буюмлари билан бир навбатда, зардўзлик буюмлари ҳам кўргазмага кўйилган. Ушбу кўргазма Ширбудинда 4-6 ҳафта, Ситораи Моҳи Хосада 2 ҳафта давом этган.

Бу сайд ҳар йили халқнинг анъанавий байрами ҳисобланиб, хукумат томонидан конунийлаштирилган. Бундай сайлларнинг бўлиб

туриши халқ ҳунармандчилигининг ривожланишига жуда катта ҳисса күшган.

Зардўзлик подшоҳлик даврида буюм тикувчининг қўлига ўтгунча мураккаб ҳамда узок ишловдан ўтган. Зардўзлик қўйидаги боскичларда амалга оширилган:

- Устахона бичикчиси буюмларни андоза бўйича бичган;
- Тархакчи андозани тайёрлаган ва подшоҳга кўрсатилган. Унга маъқул тушганидан кейин зардўзга узатган.

Зардўзлик санъатининг ривожланиши 1920 йилда амирлик ағдарилиб Бухорода собиқ “Совет хокимияти” ўрнатилгач, барча санъат турлари каби зардўзлик санъати ҳам халқ қўлига ўтган.

Шўроларнинг дастлабки йилларида юз берган қийинчиликлар Эрон, Арабистон, Россиядан келтирилган зар симларнинг тўхтаб колишига сабаб бўлган ҳамда зардўзлик санъати ривожига тўсқинлик килган. Бу пайтда зардўзлик буюмларининг турлари ҳам ўзгарган. Кейинчалик дабдабали кимхоб тўнлар ўрнига дўппи, аёлларнинг нимчалари, сумка, туфли, алъбом муковалари, чойпаблар, кўзойнак гилофлари ва бошқалар тикила бошлиланган. Заргарлик санъати билан амирлик замонида факат эркаклар шугуулланган, чунки “аёл қўли теккан зар хира тортиб қолади” – деб уларни бу ишга жалб килмаган. 1930 йилда Узбекистонда рассомлар уюшмаси кошида зардўзлик артели ташкил этилиб, унга тажрибали зардўзлар таклиф килинган. Дастлабки йилларда артель халқ талабларини тўлиқ қондира олмаган. Лекин кейинчалик артель кенгайтирилиб фабрикага айлантирилган. Ишчилар ва усталар сони кундан-кунга ортиб борган. Ўша даврларда талантли рассом Олимжон Мұхаммедов, талантли зардўз Файзула Файбуллаев, Умар Ҳаётов ва бошқа усталар кўплаб шогирдлар қабул қилишган, улар янги услубда тикиш, янги шакллар топиш устида ижодий изланиб, турли буюмлар тикишган. Чунончи миллий кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, совғалар ва маҳсус буортмаларни бажарган.

Миший кийимлар ичida энг кенг тарқалгани зардўзи дўшилар бўлиб, улар ўзига хос бир санъатdir. Дўшилар республикамизни турли чеккаларига ҳам кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тикиш усули бор. Зар дўшилар факат Бухорода тикилган. Хотин-кизлар паранжи ташлагандан кейин чиройли, ўзига хос нафис дид билан тикилган дўшиларни кия бошлаган. Бухородаги зардўзи усталар дўшиларининг энг ажойиб нусхаларини яратилган. Айниқса, қизлар, келинчаклар киядиган “Гулноз”, “Баҳор”, “Наврӯз”, “Дилором”, “Гулбаҳор”, “Дилафуз”, “Раъно”, “Фестеваль”, “Баҳт” деб номланадиган бир қанча дўшиларни тикишган. Зардўзлик санъати Ҳозирги кунда жуда кенг ривожланмоқда ва бу санъат маҳсулотлари ўзгача маҳоратни талаб этади.

Гиламчилик Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан ривожланган бўлиб, Хоразмдаги археологик қазишмалари пайтида милоддан аввалги бир минг йилликка мансуб гилам намунаси топилган. Гиламчилик билан асосан аёллар шуғулланган, накшларни эса хотирасида эслашган, сақлашган. Безакларда йўлбарс ва түя излари, олма тули, узум занги, ўсимликлар ифодаланган, айникса, ҳайвон шохи тасвири кенг тарқалган. Асосий ранг кизил ранг ва унинг 2-3 туси бўлиб, кўк, кора, оқ, сарик ранглар иккинчи даражали бўлган.

Андижон гиламларининг пати киска, қалин ва майин бўлган. Самарқанднинг рангдор узун патли жун-ҳирс (“айик тери”) гилами ўзига хослиги билан ажralиб туради.

XX асрга келиб гиламчилик ўзига хос тарзда тарақкий этди. Гиламчилик марказларида гилам тўкиш ривожланди, артеллар тузилиб, уларга ҳалқ усталари жалб килинди, уларда бир хил накшли юкори сифатли гиламлар, шунингдек, майда рўзгор буюмлари тўқилди. Бунга мисол қилиб, Андижон вилояти “Ойим” кишлоғидаги гилам тўкиш артенини олиптимиз мумкин.

Гиламчиликнинг марказлари Самарқандда, Китобда 1946 йили, Хива, Андижон, Термизда 1947 йили, Шахрисабзда 1949 йили ва Хўжайлида 1954 йилларда ташкил этилди, махаллий усталар, шоғирдлар тайёрланди, қадимий анъанавий нақшлар танланган.

Рассом ва хунарманд усталар ҳамкорлиги натижасида катор муваффакиятларга эришган. Амалий ва маҳобатли санъат анъаналаридан унумли фойдаланиб, дастлабки янги нусха Хоразм гилами ва унга хос бўлган “Феруза” ранг замин тайёрланган. 60-йилларнинг охирида майда артеллар бирлаштирилиб янги гиламчилик корхоналари ташкил этилган. Моҳир усталар шу корхоналарда меҳнат қила бошлаган.

Ўзбекистонда янги Олмалиқ, Самарқанд, Хива, Фориш, Шоғиркон ва бошқа жойлардаги фабрикаларда анъанавий нақш ва бадиий жиҳатдан ижодий бойитилган нафис гиламлар тайёрланган.

Хозирги кунда ҳам Фарғона водийсида, Кашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ва Коракалпогистон Республикасида ҳам ривожланган. Шунингдек, Самарқанд, Ургут, Кўкон ва Хоразм ҳам гиламчилик марказларидандир.

Анъанавий гиламчилик хунармандчилик тури сифатида ривожлантирилмоқда. Самарқанд ва Бухоронинг ипак гиламлари ҳам кент тарқалган. Анъанавий гиламчилик ривожига “Усто” бирлашмаси ва “Хунарманд” ассоциацияси муносиб хисса кўшмоқда.

XVII асрда муғул боскинчиларидан сўнг биринчи марта олтин тангалар ишлаб чиқарила бошланган. Заргарлик буюмлари олтиндан, кумушдан ва бошқа металлардан ишланган. Курол-аслаҳалар ажойиб

кимматбаҳо тошлар, шиша биллур, олтин ва бошқалар билан безатилган заргарликда жуда юмшоқ ҳамда ёрқин бўлмаган нафрит ва кумушдан фойдаланилган, жуда ёрқин олтин ва нафрит аралашмасини ишлатган. XIX аср ва XX аср бошларида Ўрга Осиё ҳонликлари ўртасида бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Кўпинча шаҳарларда, масалан, Хива, Бухоро, Кўкон, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Андижон, Жиззах, Китоб, Чуст, Ургут, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргар бўлиб, улар маҳсус махалла-махалла бўлиб яшаганлар. Шунинг учун заргар махалла деб юритилган. Хивада 1860 йилда 12 та ва XX асрнинг бошларида эса 100 дан ортик заргарлар дўкони бўлган. Ўша вактда катта шуҳрат қозонтан заргар усталардан Кўконда уста Махмуд, уста Омон Ҳожи, М. Раҳимов, Ҳ. Нажмиддинов, Намангандан уста Ниёз Охун, Андижондан уста Ойберган, Тошкентдан С. Бобоҷонов, уста Самғиддин, уста Мирҳошим, Урганчдан М. Абдуллаев, Самарқандца Ҳ. Юлдашев, И. Комилов ва бошқалар ҳам бор эди. Тошкент шаҳрининг ўзида бешта заргарлик заводи мавжуд бўлиб, улар бир ном билан, яъни “Фанон” номи остида маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар. Булар кўйидагилар:

- Тошкент заргарлик заводи.
- “Фанон” бирлашмаси.
- “Нур” ижодий бирлашмаси.
- “Янтарь” заводи.
- “Эйнш Рейн” заводи.

Тошкент шаҳрида Чилонзор туманидаги кўчаларнинг бирига “Заргарлик” номи берилган. Ҳудди ана шу кўчада “Тошкент заргарлик заводи” ва ҳунармандчиликка ихтисослашган коллеж жойлашган. Мана шу миллый ҳунармандчиликка асосланган касб-хунар колеји ташкил топишида Тошкентлик заргар уста Абдурашид Ганиевнинг хизматлари каттадир.

Пичокчилик санъати қадимдан ривожлана бошланган ва Ҳозирги вактда ҳам ичиқ ясаш санъати ҳалқ амалий санъати ҳамда миллый ҳунармандчилик сифатида эъзозланиб келаёттанилигидир. Нодир пичоклар ясашда ўзбек пичоксоз усталар кам.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Тошкент каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидалар ҳалқ амалий санъатининг ажойиб мўъжизаларини кўп асрлардан бери намойиш этиб келмоқда. Булар эса инсон меҳнатининг нодир тантанасидир. Бадиий кулолчилик ҳам ана шу санъатнинг бир қисми бўлиб, ҳалқимизнинг қадимий ҳунармандчилик турларидандир.

Кулол Раимберди Матжонов шу технология асосида лойдан ҳар хил бадиий буюмлар тайёрлайди. Ҳалқимиз “шогирдсиз уста, мевасиз

дараҳт” деб бежиз айтмаган. Устани Хоразмда сермева дарахтга ўхпашади, чунки у жуда кўп шогирдлар етиштирган.

Ўзбекистон халқ усталари бирлашмаси Раимберди Матжонов устахонасида хунармандчилик мактаби очиш таклифини берган, бу устага хунармандчилик сир-асрорларини кенг тарғиб этиш имконини берди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Марямжон Матжонова, Мукаррама Саъдуллаевалар Ҳозир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта хисса кўшмоқда. Тарихий обидаларни таъмирашда кулолнинг хизматлари катта. 1956 йилда Хивадаги Паҳлавон Махмуд мақбарасини таъмирашда катнашди. У тумбазнинг пастки қисми учун қадимги услубда зантори рангда кошиналар тайёрлаб берган. Улар Ҳозирги кунда аввалгидек рангини ўйқотмай турибди. Купол яна кўхна арк дарвозасининг икки минорасини таъмирашда катнашди.

1957 йили халқ устаси кумуш медали билан тақдирланган. 1970 йилдан бери “Усто” ўюшмасининг аъзоси Раимберди Матжонов сехрли кўлларида сайқал топган бадиий кулолчилик буюмлари Республикализнинг ва Осиё давлатларида ҳам, чет элларда, масалан, Венгрия, Франция, Чехославакия, Хиндистон, Италия, Монголия каби хорижий мамлакатларда намойиш этилиб фахрли ўринларни эгаллаб келган. Унинг бодия, кўзача, чаноқ, кошин ва бошқалари Ўрта Осиё шаҳарлари музейларида доимий экспозицияга айланаб қолган.

Мамлакат тарихида Шарқ уйғониши даври алоҳида ўрин тутади. Чунки, айнан шу даврдан бошлаб, фан ва маданият, адабиёт ва санъат ривожланиши юкори даражага чиқа бошлаган.

Кишлоқ хўялигида ҳам миришкор боғонлар, наслчи чорвадор-у, уста ғаллакорлар мамлакат тараккиётига ўз хиссаларини фаол кўшиб келганлар. Умуман олганда, ўша давр шундай бўлишни талаб килар, шаҳар ва кишлоқ ахолиси хунармандчилик ва амалий санъат эвазига халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш, ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Ахоли етиштирган маҳсулотлар бозорда ўзаро олдисотди килинар, карvon орқали ташки савдога чикиши ўз буюмларини намойиш килар, сотар ва ўзи учун керакли нарасларни харид қилишар эдилар.

Агарда, миллий маданиятга бошка бир турдош ёки турдош бўлмаган маданият таъзиқ ёки зўравонлик билан курилса, у ҳолда унинг ривожланиши у ёқда турсин, балки барчаси ҳам инқирозга юз тутади. Бошқача килиб айтганда, на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмаган маданият юзага келади, кўп нарсалар унуттилади. Чунончи, араб ёки мугул истилоси ерлик халқ маданиятини қоришириб ташлаган бўлса, рус, Европа маданияти, Туркистоннинг босиб олиши натижасида ерлик ахоли

истаса-истамаса – Рус Европа маданиятидан баҳраманд бўлган бўлса, советлар даврида араб алифбосининг аввало логин, кейинчалик кириллица (рус алифбоси) га зўрлаб ўтказилиши фан ва маданиятимизда, адабиёт ва санъатимизда, ўтмиш тарихимизни ўрганишимизда қандай салбий оқибатларга олиб келган.

Қолаверса, Туркистонда янги собик социалистик тузумнинг ўрналиши, лекин унинг асосий принципларини бузилган холда талқин ва амал қилиниши, жумладан, якка ёки оиласлай тартибда, меҳнат қилувчи хунармандлар ва амалий санъат вакиллари ҳамда хунармандчилик ширкатлари ходимлари хусусий мулк эгалари деб топилиши, уларга молия ташкилотлари томонидан жуда катта микдорда солиқ солиниши, уларни фаолиятининг меҳнат стажига ўтмаслиги, уларга қарилек нафақаси тўланмаслиги, яна шуни қайд қилиш лозимки, ҳатто бъзи бир сакланиб қолган якка тартибдаги ёки оиласлай хунармандлар, хусусий мулк эгаси деб топилиши эвазига, уларнинг мол-мулки ва дўконларининг мусодара қилиниши, ўзларини эса қувғин қилиниши халқ хунармандчилиги ва амалий саънатнинг илдизига болта урди. Бундай ноҳақликлар хунармандлар меҳнатини қадрсизлантирида ва уларнинг синишига олиб келди. Бундай қатағонлик муносабатларига чидай олмаган хунар соҳиблари артель, фабрика ва заводларга ишга ўтиб кетишига мажбур бўлдилар. Бу миллий халқ хунармандчилигига, унинг амалий санъатига нисбатан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ожизлик эди. Чунки дунёга довриги кетган, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатида дурдоналар яратган, халқни истъемол буюмлари билан таъминлаган, иш берган устаю-шогирдлар, хунармандчилик ва амалий санъат мактабларининг номи ана шундай кабиҳлик ва ожизлик эвазига тобора ўса бошлади. Оқибат натижада, жаҳонга машҳур Туркистон гиламларию, нақшиндор усталари, заргалик буюмларию – тарихий ёдгорликлари, чини идишларию – шоҳи сўзаналарини, музей ёки шахсий тўпланма(коллекция)ларда учратиш мумкин, холос.

Республикада кейинги 10 йил давомида туристларга хизмат кўрсатиши салоҳияти 2,8 марта га ўси. Бунинг асосий сабаблари мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, маиппий ва илмий-техникавий ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари халқлари назарида нуфузининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ўтган 10 йил давомидаги меҳмонхоналар, транспорт каби инфраструктура тармоқларининг ривожланиши турстларга хизмат кўрсатиша мухим ўрин тутмоқда. Бироқ, хизмат кўрсатиши салоҳияти республиканинг барча минтақаларида ҳам бир хил эмас, жумладан, барча кўрсатилган хизматларнинг 76 фоизи Тошкент ва Зарафшон минтақаларига тўғри келади. Қолган минтақаларнинг улуши эса 4-7

фоизни ташкил қиласи, холос. Бунинг асосий сабаблари хизмат таклифларининг замонавий асосда ташкил этилмаганилигидир. Масалан, туристлар учун инглиз, рус тилларида чоп килинадиган буклетлар, каталогларнинг аксарияти Тошкент ва Зарафшон минтақалари шаҳарларига хос.

Шу боис, Фарҳона минтақасида туризмни ривожлантириш мақсадида қуидагиларни амалга ошириш лозим: биринчидан, минтақа туристик салоҳиятини илмий асосда ўрганиш ва баҳолаш; иккинчидан, минтақа туристик салоҳиятини турли тилларда намойиш этувчи “Интернет сайт”ларини яратиш; учинчидан, минтақада саёҳат турлари ва босқичларини ривожлантириш; тўртинчидан, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ходимлар малакасини ошириш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Бу каби тадбирларни амалга ошириш минтақанинг туристик салоҳиятини ошириш ва турстларга хизмат кўрсатиш сифатини танилаш учун замин яратади.

### **З-БОБ.**

## **Миллий ҳунармандчиликнинг Фарғона водийсида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамияти**

### **3.1. Фарғона водийсида миллий ҳунармандчиликни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон кадимдан ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Алломаларнинг ёзишича, бу ерда 4,0 минг йил илгари ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Унда, албатта, хозирги вактда мавжуд фаолият турлари, ассоблари йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳунармандчилик маҳсулотлари оддий, содда қундалик турмушида фойдаланиладиган асбоб-ускуналардан иборат бўлган эди.

Хозирги вактда Ўзбекистонда ҳунармандчиликни тиклаш, уни аҳоли банддиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ролини кучайтириш борасида изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Бу йўналишда мамлакат маълум бир ютукларга эга бўлди.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик билан банд бўлган аҳоли сони 2008 йилда 12013 кишини ташкил этди. Бу 2005 йилги кўрсаткич (10076 киши)дан 19,2% фоизга ортиқ ҳисобланади. Шунга қарамасдан ҳунармандчилиқда банд бўлганларнинг сони жами бандларнинг 0,1% ни ташкил этади, холос. Ваҳоланки, Ўзбекистонда ушбу соҳа доимо хурмат эътиборда бўлиб келган.

Ҳунармандларнинг сони ва улушига биноан Республикада Тошкент ва Шаҳрихон шаҳарлари анча юкори кўрсаткичларига эга. Иқтисодий минтақалар ичида Фарғона минтақаси кескин ажralиб туради. Вилоятлар қаторида эса Андижон ва Фарғона вилоятлари мамлакатда пешқадамлик килиб келмоқда.

Унинг хиссасига ҳунармандчиликда банд бўлганлардан 4516 киши ёки 37,6 % и тўғри келади. Минтақа ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот хиссаси эса 66,3% ни ёки 24,2 миллд сўмни ташкил этади. Мазкур минтақадан кейинги 2-ўринни эгаллаган Тошкент минтақасида упibu кўрсаткичлар мутганосиб ҳолда 18,5% ва 6,8 миллд сўмга тенг.

Фарғона минтақаси Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг куйидаги фаолияти турлар бўйича пешқадамлик қиласи. Зардўзлик, каштачилик,

попопчилик, чокли буюмчилик миңтақа ҳиссаси (90,2%), косибчилик (80,9%) пичоқчилик, қандокорлик, темирчилик, туникасозлик (74,9%), уй-рўзғор буюмлари ясаш (72,3%), гилам, полос, намат тўкиш, атлас тўкиш, чопондўзлик, дўппидўзлик, газламага гул босиш (71,0%), ёғоч ўй-макорлиги, ёғочга безак бериши, сандикчилик, бешикчилик, миллий чолғу асбоблари ясаш, эшик-ром ясаш, мебелчилик (69,3%), чармдўзлик, эгар-жабдуғ анжомлари ясаш (63,5%), ҳажми қолилларда куювчи усталарнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти қиймати (51,4%) бўйича миңтақанинг ҳиссаси миниатюурачи рассомчилик, наққошлик ва ганч ўймакорлиги, заргарлик бўйича 32-37%ни ташкил этади. Унинг ҳиссаси факат қулолчилик, тандирчилик, чиннисозлик ҳамда қўғирчоқсозлика бирмунча паст холос.

Кўпчилик кўрсаткичлар бўйича умумий иккинчи ўринни Тошкент миңтақаси эгаллайди. Мазкур миңтақа Ўзбекистон миқёсида кулолчилик, тадирчилик, чиннисозлик, минатюрачи рассомлик, заргарлик маҳсулотлари қиймати бўйича хиссалари бетакрор хисобланади. Миңтақа ундан ташкири наққошлик ва ганч ўймакорлиги, чармдўзлик, эгар-жабдуғ анжомлари ясаш, косибчилик, ҳажмли қолилларда куюлган маҳсулотлар ҳамда ёғоч ўймакорлиги, ёғочга безак бериши, сандикчилик, бешикчилик, миллий чолғу асбоблари ясаш, эшик-ром ясаш, мебелчилик маҳсулотларининг ҳажмлари бўйича улушлари 10,3 дан 13,7 фойизга ўзгармоқда.

Зарафшон миңтакаси Фарғона ва Тошкент миңтакаларига нисбатан умумий кўрсаткичлар бўйича анча орқада турса ҳам у баъзи-бир соҳалардаги мавқеларига биноан юқори ўриниларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, наққошлик ва ганч ўймакорлиги ҳамда қўғирчоқсозлик маҳсулотларининг ҳажмига биноан у мамлакатда биринчи ўриниларни эгаллайди. Миңтақа ҳажмли қолилларда гилам, полос, намат, атлас, чопон, дўппи маҳсулотлариҳамда газламага гул босиш ҳажмига кўра уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш Ўзбекистонда Фарғона миңтакасидан кейин иккинчи ўриниларни эгаллаб келмоқда. Шу билан бирга миңтакада хунармандчиликнинг қатор соҳа ва тармоқларини бўш ривожланғанлиги яққол кўзга ташланади чунончи уй-рўзғор буюмлари ҳамда чармдўзлик, эгар-жабдуғ анжомлари ясап, заргарлик, пичоқчилик, кондакорлик, темирчилик, туникасозлик каби хунармандчилик соҳалари бўш ривожланган. Умуман олганда, Зарафшон миңтакаси хунармандчилик соҳасининг ривожланғанлик даражасига биноан Ўзбекистонда баркарор учинчи ўринни эгаллайди. Лекин иккинчи ўринни эгаллаб турган Тошкент миңтакасидан 7 пунктта орқада колган бўлса, тўртинчи ўриндаги Куйи Амударё миңтакасидан унинг устунилиги 9,3 пунктта зга.

Мирзачўл ва Жанубий миңтакаларни хунармандчилик бўйича мамлакатдаги мавқелари анча паст, мос ҳолда 0,9 ва 0,6% билан бел-

тиланади. Лекин шунга карамасдан иккала минтақада ҳам нисбатан яхи ривожланган хунармандчилик соҳалари мавжуд. Шундайлар қаторига Мирзачўл ва Жанубий минтақаларда пичоқчилик, кандакорлик, темирчилик, туникасозлик, ёғоч ўймакорлиги, ёғочта безак бериш, сандикчилик, бешикчилик, миллый чолғу асбоблари ясаш, эшикром ясаш, мебелчилик каби соҳалар ташкил этмоқда.

Хунармандчиликнинг ҳудудий таркибини ўрганганда уни ташкил бўлишида устун аҳамият касб этувчи омилларни кўрсатиш зарур. Шулар қаторига жойнинг ижтимоий-географик ўрни, уни жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси, ҳалқ менталитети ва бошқа шу кабилар киради.

Ўзбекистон ҳудуди кадимти мовараунахр цивилизациясининг марказида ва Ипак йўли чорраҳасида жойлашган. Мана шу ҳолат Ўзбекистонда хунармандчиликнинг ривожланиши даражасини, унинг тармоклари таркибини белгилаб беради.

Энг муҳими ана шу белги асосида мамлакатда мавжуд хунармандчилик марказларини, уларнинг ихтисосликларини аниqlаш мумкин.

Фарғона минтақаси миллый хунармандчиликда ўзига хос минтақа хисобланади. Миллый хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Андижон ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилишига карамай Намангандан вилояти миллый хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш турига кўра минтақада етакчи мақомга эта.

Чуст ўзининг пичоқчилиги, кулолчилик ва ёғоч ўймакорлиги бўйича вилоядта алоҳида макомга эга бўлса, Намангандан шаҳрининг ўзида ҳалқ чолғу асбоблари, сўзана тўкиш, кулолчилик, дўлти тикиш, шойи ва атлас тўкиш, шунингдек, ёғоч ўймакорлиги ва ёғоч буюмлари ясаш бўйича минтақада ўзига хос ўрин тутади.

Минтақанинг Андижон вилояти Андижон шаҳрида дўлти тикиш, куполчилик, гилам тўкиш, сўзана тўкиш ва метал буюмлар ясашда; Шаҳриҳонда пичоқчилик, терига бадиий инилов беринг, шойи ва атлас тўкиш, дўлти тикиш каби хунармандчилик машғулотлари оммавийлашган.

Фарғона вилоятида хунармандчилик энг ривожланган шаҳар бу Марғилон бўлиб, унда мисчилангарлик, кулолчилик, гилам тўкиш, дўлти тикиш, шойи ва атлас тўкиш, сўзана тўкиш ва Фарғона шаҳрида қисман пичоқчилик каби хунармандчилик ишлаб чиқариши шаклланган.

Бунда мамлакатда мавжуд худудларнинг ижтимоий-географик ўрни, яъни уларни япиш ва турмуш кечириш учун кулай бўлган воҳа ва водийларда жойлашганлиги, шу билан бирга чўл-яйлов, тоғ олди ва тоғ худудларида ҳам янги аҳоли манзилларининг вужудга келганлиги каби хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда хоҳлаган хунармандчилик марказини олиб қараганда, уни “Ипак йўлига”, циви-

лизацияга алоқадор эканлигини билиш мүмкін. Шунинг учун хам ана шундай марказларнинг асосий қысмасы Фарғона ва Зарағипон водийларида жойлашганлиги бежиз эмас. Лекин ана шундай минтақаларнинг ичидә хам ўзига хос “лидер” шаҳарларнинг мавжудлиги эътиборга молик бир ҳолатидир. Чунки, Фарғона водийсида бундай “Лидер”лар каторида Андижон, Фарғона ёки Наманган шаҳарлари эмас, балки бопқа Шаҳрихон, Асака шаҳарлариңнг етакчилик килиши қандайдир бир куттимаган ҳолатдек туюлади. Лекин, аслида водий ушбу марказларнинг ижтимоий-географик ўрни, демографик салоҳияти, банд аҳолининг таркиби каби омиллар билан асосланиши мүмкін.

Ўзбекистонда юқорида айтиб ўтилгандек, ҳунармандчилик көнг амалдаги барча тармоқлари мавжуд. Лекин уларнинг ривожланганлиқ ҳолати ва даражаси бир-бираидан кескин фарқ қиласи. Бунда “Талаб-таклиф” категориялари билан бирга минтақада бўлиб ўтган чукур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иктиносидий ислоҳатлар муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Ота-боболарининг анъаналарини давом эттираётган Марғилон шаҳар косиб ҳунармандлари миллий ҳунармандчилик ва ҳалқ амалий санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшиб келмоқдалар. “Ҳунарманд” ўюшмаси ва “Ёдгорлик” фирмасида кўплаб моҳир устаслар меҳнат қилмоқдалар. “Устоз-шогирд” мактабларида меҳр билан касб-кор ўргатилмоқда, Марғилон атласлари, адреслари, ипак гиламлари, заргарлик ва мисгарлик буюмлари жаҳон кўргазмаларида намойиш этилмоқда. Марғилон шаҳрида ҳар йили ҳунармандлар ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг анъанавий кўрик танловлари ўтказилмоқда. Ҳозирги даврда хам Марғилоннинг уста ҳунармандлари аждодлар анъанасини давом эттириб, сифатли, нафис шойи газламалар ва атласлари билан жаҳон бозорига чиқмоқдалар. Улардан моҳир атласчи Турғунбой Мирзахмедов, читгар Солижон Аҳмадалиев, заргар Абдуҳамид Абдужабборовлар БМТнинг “Халқаро уста” унвонига сазовор бўлдилар.

Муқаддас зиёратгоҳлар ҳар бир ҳалқнинг тарихи ва урф-одатлари, диний қарашлари хамда миллий рухиятини, азалий орзу армонларини ўзида мужассам этади. Бинобарин, мамлакатда юз берган урушлар, қонли тўқнашувлар, табиий оғатлар, ижтимоий-иктиносидий тўқнашувлар ёхуд шахсий оиласиий мусабабатларни бошидан кечираётган даврларда, инсонлар учун муқаддас зиёратгоҳлар бошпана вазифасини хам бажариб келган.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва шу аснода диний пешволар ва ҳалқнинг ишончини қозониш ҳар даврда хам ҳукмрон сулолалар ташки ва ички сиёсатининг муҳим белгиларидан бири бўлиб келган. Асрлар ўтган сари мазорлар ҳақида тушунчалар кишилар онгида муқаддас жой сифатида шаклланиб, табиат ёдгорликлари, кўхна

манзилгоҳлар, археологик ва маданий меъморий обидалар мұқаддас зиёратгоҳлар сифатида эъзозланиб келинганд.

Хозирда Марғилон шаҳри худудида ўттиздан ортиқ мұқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Ушбу зиёратгоҳлар Марғилоннинг олис ва якин ўтмишини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам ғоят мұқаддасдир. Бинобарин, Хўжа Маъз, Шоҳ Мансур, Шамсиддин Табризий, Пир Сиддик, Гўри аввал, Хўжа Эгиз, Етти оғайни ботирлар, Қизил мазор, Хўжа Ланголанг, Хўжа Порсо, Улуг Ҳазрат Бобо, Яккатур мазор зиёратгоҳи, Улуг мазор, Сафилтўда зиёратгоҳи, Увайсий зиёратгоҳи, Киргил мазор зиёратгоҳи, Оғоқхожам зиёратгоҳи. Мўйи муборак, Сочли Эшон сингари зиёратгоҳлар шулар жумласидандир.

Биз қуида юкорида номлари келтирилган зиёратгоҳлар ичида Хўжа Маъз ва Пир Сиддик зиёратгоҳлари ҳақида қисқача маълумот беришни аҳамиятли деб билдиқ.

Бухоро ҳони Субҳонкулихон (1680-1702 йй.) томонидан марғилондаги Пир Сиддик мазорига берилган вакфномани Пир Сиддик зиёратгоҳида Мовароуннаҳрда “Чаҳорёллар” деб аталган тўрт халифадан биринчиси Абу Бакр Сиддик (572-634 йй.) нинг авлоди дағн этилган деган маълумотлар келтирилган. Ёзма хужжатларда Ҳазрат Пир Сиддик номи билан қайд қилинганд. Даврлар ўтиши билан унинг атрофида масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозаҳона ҳамда каптархонадан иборат бўлган архитектура комплекси пайдо бўлган. Шу сабабли у ҳалқ ўртасида “Каптархона”, “Каптарли минор” деб ҳам аталади. Пир Сиддик комплексининг асоси бир ҳонали пештоқли мақбарадан иборат. Планига кўра макбара тўғри бурчакли (11,8-11 м), пештоқ равоқли, саганали тўрт бурчак ҳона билан уйғунлик ҳосил қиласиди. Мақбара ичида иккита узунилиги 5 метрли қабрлар мавжуд. Ривоятларга кўра, бу зиёратгоҳга халифа Абу Бакр Сиддикнинг авлодлари дағн этилган. Ҳонанинг текис шифтини тўрт ёғоч устун кўтариб туради, улардан бирининг танаси, таг тўсини ва устун қоши ўйма нақшлар билан безатилган. Даҳма Фарғона водийсидаги бир ҳонали мақбараалар сингари дастлаб гумбаз билан ёпилганлиги эҳтимолдан холи эмас. XVIII-XIX асрларда водий бўйлаб меъморий бинолар курилишида кенг тарқалган фарғонача пештоқмақбаранинг меъморий кўринишида ўзига ҳослик касб этади. Мақбара пештоғи безак бериб ишланган баланд десворни эслатади. Ён бурчак устунлари пештоқдан анча баланд жойлашган сингил кафасали мезана билан якуйланган.

Хўжа Маъз зиёратгоҳини маҳаллий ҳалқ Мухаммадпайғамбарнинг саҳобаларидан бири Фарғонага испомни олиб келган Маъз ибн Жабал исмли лашкарбоши билан боғлиқ деб қарашади. Кўкон ҳонлиги давридаги энг машҳур зиёратгоҳлардан бири сифатида қайд этилган.

## Фото 2. Борьба с вредом на территории Амурской области



Халқ орасида Хўжа Мағиз мозори ҳам деб аталади. Бундан ташқари ёзма манбаларда ҳам Ҳазрат Хўжа Мағиз номи балан тилга олинади. "Насабномайи турки" деб аталувчи кўлёзмада эса Марғилон ва унинг атрофидаги Маъзоз ибн Жабал, Носиршоҳ, Порсиншоҳ мозорлари нинг тарихи билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Мазкур кўлёзма "Насабномайи Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Кўйлоказий" деб ҳам аталиб, унда айтилишича, кўлёзма хижрий 690 (милодий 1291) йилда араб тилидан турк тилига Ахмад Ясавийнинг жияни Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Кўйлоказий томонидан ўтирилган.

Марғилон зиёратгоҳларининг ҳар бирида Мовароунаҳрга арабларнинг қилган илк юришлари, корахонийлар, салжуқийлар, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар ва аштархонийлар. Кўкон хонлари билан боғлиқ афсона ва ривоятлар сакланиб колган. Ўтра асрларда мазкур зиёратгоҳлар Ҳожа Аҳрор Валий, Лутфиллоҳ Чустий каби тарикат раҳнамолари томонидан зиёрат килиб турилганлиги ёзма манбаларда ҳам келтириб ўтилган.

Марғилондаги мукаддас жойлар маҳаллий аҳоли томонидан азиз-авлиёлар яшаб ўтган макон сифатига каралиши ўз наебатида мазкур ёдгорликларни тадқиқ этиш ва уларнинг тарихини ўрганишга даъват этаган.

Ўзбекистон мустакилликдан сўнг барча соҳалар катори туризм, сайдхлик соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистонда туристик имкониятта эга бўлган тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар, рекреация марказлари билан бир каторда ҳунарманчичлик имкониятлари ҳам Урта Осиё мамлакатлари ичida алоҳида ўрин эталлайди. Ҳусусан, Ўзбекистон ҳунарманчичилиги хақида гап кетгандан, Фарҳона водийси – Риштон кулолчилик мактабини ёдга олмай иложимиз йўқ. Кулолчилик қадимий сағъат тури ҳисобланади. Илмий-тарихий манбаалар маълумотига кўра, лок-бўёқ билан бўялган буюмлар илк маротаба Бухорада ясалган. Бугунги кунга келиб, буларнинг маълум қисмигина сакланиб колган. Уларни яратиш технологиясининг сири йўқолиб кетган.

Кулолчилик ўзининг ривожланиши давомида бевосита рассомчилик санъати билан уйғунлашиб кетган. Ҳар бир ҳунарманд ўз рассомлик маҳорати билан ўзи яратган буюмларга ўзига хос такрорланмас тасвирлар ишлаган. 1976 йилда ўзбек уста ва рассомлари қадимги анъана-рини тикилаш максадида "устахона" очишади ва унга Чингиз Аҳмаров раҳбарлик килади. Рассомлар ўз тадқиқотлари натижасида шарқ рассомларининг расм чизиш технологиялари билан рус Федоскино маркази ижодкорлари ишларига бир-бирига яқин бўлганилигини айтишади. Барчага маълумки, Палеха иконалари бутун дунёга машхур бўлган. Ўзбек миниатюура сағъатининг илк асарлари ҳам шундай технологиялар асосида ишланган. Ўтра асрларда машхур шоирлар асарларига ҳам худди шундай миниатюуralар ишланган. Уша давр машхур кулоллари ҳам

ўз яратмаларига шунга ўхшаш миниатюураларни ишлаганлар. Бугунги кунга келиб миниатюра санъати ўз ўрни ва мавкеига эга.

Риштон кадимдан кулолчилик маркази бўлган. XIX аср охири – XX аср бошларида Риштон аҳолисининг катта кисми кулоллардан иборат бўлган. Булардан машхур кулоллар Абду Жалол, Абдулла кулол (1797–1872 йиллар), Абдул Қосим Болтабой (1866–1960 йиллар), Абдурасулов Мадамин Охун кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Кейинчалик XX аср бошларида эса Фарғона водийси Риштон кулолчилик мактаби таъсирида Ғурумсарой, Чорку, Конибодом каби марказлар шаклланди. Риштон лойиҳа кулолчилик учун жуда кулагай бўлиб, қизғини-сарик тусда бўлади. У асосан ер сатҳининг 1-1,5 м чуқурлигидаги учрайди. Шу билан бир категорда кулоллар атрофдаги тоғлардан кварц куми, ўтга чидамли тупроқни кўшиб турли хилдаги буюмлар ясашган. Шу давр машхур уста кулолларидан Умарали Мўминов (1904–1977 йиллар), Ҳайдар Усмонов (1907–1970 йиллар), Хотамали ва Курбонали Полвоновлар (1936–1988 йиллар) кулолчилик ривожига катта ҳисса кўшганилар.

Риштон кулолчилик санъати бошқа ҳудудлар кулолчилигидан хилма-хил шакллари билан ажralиб туради. Риштон кулолчилик мактабида нафакат хўжалик буюмлари, балки турли геометрик фигураналар ва рамзий ишланган ўсимлик, ҳайвоналар шакллари яратилган. Унинг ўзига хос анъанаси “ишкор” – кўк керамикадир. 1960 йилга келиб кулолчилик мактаби иши тўхтаб колди. Фарғонада 1974 йилда ўтказилган Санъат-шунослик Конферанциясида ушбу ишкор анъанасини кайта тиклаш тўғрисида маҳсус карор қабул килинди. Охирги 20 йил ичида мактаб анъаналари кайта тикланди ва ривожлантирилди. Ҳозирги кунда эса Риштонда уста кулоллардан Қодирали Полвонов, Ҳаёт Раҳимов, Асрор Усмонов ва Алишер Назировлар кулолчилик сир-асрорларини саклаб келмоқдалар. Шунингдек, бир категор оиласидаги кулоллар ҳам ўз ишларини намойиш этиб келмоқдалар. Ҳозирги кунгача Риштонда 1000 дан ортигда кулоллар ишлаганлар. Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийсида хунармандчиликнинг риножлантирилиши, Ўзбекистонда туризмни янада тараккӣ этишида муҳим омил ҳисобланади.

### **3.2. Фарғона водийсида миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари**

Рекреация ресурслардан фойдаланиш масаласи ҳар кандай мамлакат учун иктисодий ва ижтимоий аҳамият касб этувчи, долзарб муаммодир. Бу айниқса дунё океани ва унинг кисмларига хос бўлган дам олиш ва даволаниш масканларидан, жаҳон миқёсидаги турли ҳил туристик обьектлардан йироқда жойлашган мамлакатлар учун бетакрор иктисодий аҳамиятга эга. Шунга қарамасдан материк ичкарисида океанлардан узоқда жойлашган

бъзи бир мамлакатлар ҳам ўзига хос рекреация ресурсларига, туристик масканларга эга. Ана шундайлар қаторига Ўрта Осиёдаги барча мамлакатларни киритиш мумкин. Минтақада жойлашган айрим табий-ижтимоий-географик тарихий-маданий, иктисадий-географик ўлка, туман, водий ёки воҳа ҳам маълум даражада рекреация ва туризм ресурсларига, туристик обьектларига бой. Мазкур обьектлар қаторига даставвал Фарғона ва Зарафшон водийларини, Хоразм воҳасини киритиш мумкин. Фарғона водийси, айникса, рекреация ресурсларига бойдир. Унинг Ўзбекистон қисмидаги ҳудудида Чорток ва Чимён санаториялари, қатор дам олиш масканлари ва оммавий сайлгоҳлар жойлашганки, уларда йилига бир неча юз минглаб маҳаллий аҳоли ҳамда якил ва узок хориждан келган инсонлар дам олади, даволанади ва турли хилдаги спорт туризми билан шугулланади.

Дам олиш даволаниш ва спорт туризми соҳасида Ўзбекистонга расмий тарзда йилига ярим миллиондан ортиқ киши ташриф буюрмоқда.

Келувчиларнинг барчасига мутаносиб ҳолда хизмат кўрсатилмоқда. Мамлакатимизга ана шу мақсадларда ташриф буюрган ва унинг ҳудудидан ҳудди ана шу мақсадларда чикқиб кетган кишиларнинг сони фақат 2000-2007 йилларнинг ўзида салкам 2,9 мартаға ошди ва 583,7 минг кишини ташкил қилди. Уларга кўрсатилган хизмат ҳажми кунинга 1659,0 кишига тенг бўлди. (1659 киши/кун).

Жами келган ва кетгандарнинг 524,5 минг кишига тенг қисми ёки 89,9 фоизи қабул қилинганлар қаторини, 59,2 минг кишига тенг қисми ёки 10,1 фоизи эса мамлакат ташқарисига кетгандардан ташкил топган. Қабул қилинганларнинг 300,7 минг кишининг тенг қисми ёки 51,5 фоизи хорижлик фуқаролардан иборат. Мамлакат ташқарисига юборилганлар ичida узоқ хориж фуқаролари 22,4 минг кишини (38 фоизи) ташкил қилади.

Келганлар ва кетгандар умумий сони деярли 2,9 мартаға ошгани ҳолда ушбу кўрсаткич келганлар бўйича 3,2 мартаға тенг бўлди. Мамлакат ҳудудидан ташқарига юборилганларнинг умумий сони бор-йўғи 1,4 мартаға ўси. Шулардан узоқ хорижий мамлакатларга юборилганлар сони 3,7 мартаға кўпайган ҳолда. МДҲ мамлакатларига келганлар сони деярли саккиз мартаға кисқарди.

Туристик фирмалар ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган келган кетгандар сони ва уларга хизмат кўрсатиш ҳажми Ўзбекистон минтақалари бўйича турли хил кўрсаткичларга эга. Республика бўйича маъжуд кўрсаткичларнинг энг юкорилари Тошкент ва Зарафшон минтақаларига хосдир. Биринчи минтақага 2007 йиллар республикага келганларнинг 47,2 %, иккинчига – 30,3% и, иккаласига эса 3/4 дан ҳам кўпроқ қисми тўғри келди. Фарғона минтақаси бўйича эса ушбу кўрсаткич 6,5% ни ташкил этди. Энг муҳими Тошкент ва Зарафшон ва жанубий минтақаларига келганларнинг 3-3,5 мартаға кўпайган ҳолда ушбу кўрсаткич Фарғона, Мирзачўл минтақалари бўйича 2-2,5 мартаға ўси, холос.

Мазкур минтақаларга хос улушлар эса 2000-2007 йилларда 3-4 мартаға кискарди.

